

1996
1971/3





1971

МАРТ



КПСС XXIV СЪЕЗДИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИГА ШОН-ШАРАФЛАРИ!

ДИРЕКТИВА САТРАЛАРИ—

Тўққизинчи беш йиллик план совет жамиятининг коммунизм йўлидан, унинг моддий-техника базасини кўриш, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш йўлидан олға қараб қилаётган ҳаракатида муҳим босқич бўлади. Беш йилликнинг энг асосий вазифаси — социалистик ишлаб чиқаришни юксак суръ-

атлар билан ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигини ўстиришни жадаллаштириш негизда халқ ҳаётининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтиришни таъминлашдан иборат.

ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

ҲАЁТИМИЗНИНГ УЛУҒВОР ПРОГРАММАСИ

Жаҳонда энг буюк социалистик мамлакатнинг, жонажон Ватанимизнинг истиқболи — жаҳон афқор оммасининг диққат марказида. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги тарихий беш йиллик ҳақидаги Директивалари бутун илгор кишиликни қувончи ҳаяжонга солди. Чунки бу буюк ҳужжатда халқларнинг порлоқ коммунистик идеали акс этган. Бу — илгор социалистик эконимиканинг чуқур илмий таҳлили, халқ ҳўжалигини планли бошқариш ва ривожлантиришнинг олий намунаси, Партияимизнинг меҳнаткаш халқ манфаатларини мукаммал акс эттирувчи бош йўлининг амалий ифодасидир.

Ленин васият қилган буюк принцип — энг муҳим масалаларни барча коммунистлар билан, бутун халқ билан бирга муҳокама қилиш принципи партияимиз ҳаётида шонли традиция бўлиб қолган. Директиваларнинг умумхалқ муҳокамаси мамлакатимиз меҳнаткашларининг Коммунистик партия ишига садоқатини яна бир марта намойиш қилди. «Директивалар чиққан кунлари биз порлоқ келажатимиз билан учрашгандай бўлдики», деб ёзади Тошкент кишлоқ ҳўжалик машинасозлиги заводининг ишчиси М. Юсупов. Бу бутун ишчи синфининг кўнглидаги галдири. Партияимизнинг фаолиятида доимо «Ҳалма нарса инсон бахт-саодати учун» деган олижаноб ширини кўриб ўрганган ишчи ва деҳқонларимиз бу янги олий ҳўжжатда ҳам шу буюк программ мақсадни аниқ пайқадилар, мамлакатимиз қудрати ва салоҳиятичи оширишнинг янги реал босқичи кўз олдимизга келиб тавалланди.

Ҳаётимизнинг бундай улўвор программалари ленинчи Партияимиз бошчилигида доим шараф билан бажарилиб келган. XXIII съезд Директивалари асосида биз илмий-техника прогрессининг юксак босқичига кўтарилдик, ҳўжалик ва экономика юксалишининг замона-

вий суръатларини эгалладик. Жамиятимизнинг маънавий-сиёсий бирлиги, Ватанимизнинг халқаро обрўси ҳар қачонгидан ҳам кўра мустаҳкамланди.

Янги, тўққизинчи беш йиллик эса — коммунизм куриш йўлидаги янги юксак маррадири. Миллий даромадин беш йил ичиде асосен ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш ҳисобида 37 — 40 процентга кўпайтиришни мўлжаллаш — мисли кўрилмаган дадил қадамдир. Партияимиз Ленин таълимотида, халқ манфаатларига доим содиқ бу гал ҳам индустрия барча тармоқларининг ривож совет кишиларининг ҳаётий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш вазифалари билан қаттиқ боғланади. Саноатнинг айрим тармоқлари учун мўлжалланган мана бундай ҳайратомуз янги марралар фақат социалистик тўзумдагина амалга ошири мумкин: электр қувватини 1.030—1.070 миллиард киловатт-соатга етказиш, нефть чиқаришни 480—500 миллион тоннага, газ чиқаришни 300—320 миллиард кубометрга, кўмирни 685 — 695 миллион тоннага, пўлат куйишни 142 — 150 миллион тоннага етказиш! Янги беш йилликда колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаб, кишлоқ ҳўжалик маҳсулотининг ўртача йиллик миқдорини ўтган беш йилликдагига нисбатан 20—22 процент ошириш мўлжалланади.

Директивалар транспорт ва алоқа, капитал курилиш, халқнинг турмуш даражасини ошириш, Ватанимизнинг мудофаа қудратини ошириш соҳаларида ҳам катта перспективаларни очиб беради.


Қаҳрамонона меҳнатни ҳаётнинг мазмуниде билган халқимиз бу рақамларда азият меҳнат билан бирга умумхалқ фаровонлиги ва бахт-саодатини ҳам яққол кўради. Шунинг учун бу рақамлар — қаҳрамонлик ва жасоратга чақирувчи машъал-рақамлардир.

Коммунистик партия мамлакатда ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва иттифокдош республикаларнинг иқтисодий қудратини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор беради. Директиваларда буюк халқлар оқлисида яшнаётган барча қардош республикаларимизнинг янада порлоқ истиқболи яққол кўриниб туради. Қардошлар сафида жонажон Ўзбекистонимиз тобора ривож топаётган саноат ва илгор кишлоқ ҳўжалиги республикаси бўлиб кўзга ташланади. Унда янги индустрия тармоқлари тараққий этади, янги обод водийлар, миллион гектарлик янги яшил йайловлар барпо қилинади. Миллий ифтихоримиз бўлган «оқ олтинининг қарийб беш миллионли янги порлоқ марраси мўлжалга олинади. Буюк тарихий ҳўжжатда бевосита тилга олинган Олмалик конлари, Бекобод металлургияси, Сирдарё ГРЭСи, Андижон газламаси, Самарқанд, Оқангарон, Кўкун, Хевадаги янги объектлар, Миразчул, Қарши ва Шеробод ерлари, янги денгизлар, йирик иншоотлар ва бошқа катта вазифалар яқин беш йил давомида ҳар кун, ҳар соат фикру ёдимиз ва амалимизда бўлади.

Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди республика коммунистларининг, бутун ўзбек халқининг ленинчи Партияимиз бош йўлига содиқлигини, меҳнаткашларининг янги беш йиллик вазифаларини бажаришдаги аҳду қарорини ёрқин намойиш қилди.

Ҳаётимизнинг оддий ва буюк, ажойиб илҳомбахш даври бошланди. Олдинда — коммунистик курилишнинг янги юксак марралари! Шўбха йўқки, халқимиз бу марраларни ҳам шиддатли штурм билан эгаллайди, бунга ленинчи Коммунистик партияимизнинг доно раҳбарлиги гаровдир!

Шасия Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг шонли XXIV съезди!



Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихий XXIV съезди арафаси кунларнда Ўзбекистон коммунистлари ўзларининг XVIII съездига тўпландилар. Бу съезд Ўзбекистон коммунистларининг, республикамиз барча меҳнаткашларининг шонли Коммунистик партиямизга ва

унинг ленинчи Марказий Комитетига чексиз садоқатини яна бир қарра намойиш қилди. Суратда: Ўзбекистон Коммунистик партияси XVIII съездининг мажлислар залида.

Н. КЛЮЧНЕВ фотоси (ЎЗАТАГ)

ЎЗБЕКИСТОН

КОММУНИСТИК

ПАРТИЯСИНИНГ

XVIII СЪЕЗДИ

КОММУНИСТИК ПАРТИЯ

РАЎБАРЛИГИДА

ЎЗБЕКИСТОН

СОЦИАЛИЗМНИНГ

ШАРҚДАГИ ЁРҚИН

МАШЎАЛИГА АЙЛАНДИ

Ҳисобот даврида республика Коммунистик партиясининг ғоявий чинқиши ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланиши қонуниятли тарзда давом этди. У партиявий раҳбарлик тажрибаси билан ўзини бойитди. Республика партия ташкилотининг фаолияти тагин ҳам юксак даражага кўтарилганлиги коммунистик қурилишнинг янги босқичига мос бўлиб тушди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия активининг Тошкент шаҳридаги йиғилишида сўзга чиқиб, Ўзбекистон Коммунистик партиясига юксак баҳо бериб, бундай деди: «Сизларнинг республика партия ташкилотингиз анчагина кучли, тажрибали ташкилот, Совет Иттифоқи Коммунистик партиямизнинг жанговар, илғор отрядларидан бири. Сизларнинг кучингиз жуда катта, бу кучингиз шундан иборатки, КПСС Марказий Комитети сизларга чексиз ва тўла равишда ишонади. Ўз навбатида сизлар ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига чексиз содиқсиз ва берилгансиз. Мана шу икки омил сизларга шундай куч бағишлаб турибдики, бу куч билан сизлар партиямиз ва халқимизнинг олдингизга қўйган ҳар қандай вазифасини ҳал қила оласиз».

Сизларнинг номингиздан, делегат ўртоқлар, республиканинг барча коммунистлари номидан КПССнинг ленинчи Марказий Комитетини ишонтириб шунини айтишга ижозат бергайсизки, Ўзбекистон Коммунистик партияси бундан буён ҳам жонажон партиямизнинг ишончли, содиқ ва жанговар отряди бўлиб қола беради!

...КПСС XXIII съезди ва республика Коммунистик партиясининг XVII съезидан кейин совет Ўзбекистони босиб ўтган йўл коммунистик қурилишнинг барча участкаларида эришилган катта муваффақиятлар йўли бўлди.

СССР халқларининг буюк қардошлик оиласида Ўзбекистон йилдан-йилга яхши ва кўркам бўлиб бормоқда. Республикада ажойиб шаҳарлар қад кўтармоқда, қишлоқлар ободонлашмоқда, совет кишиларининг қўли билан денгиз ва дарёлар яратилмоқда, қадимий ўзбек диёри ўз хагиналарининг сахийлик билан бериб турибди. Коммунистик партия раҳбарлигида Ўзбекистон социализмнинг Шарқдаги ёрқин машъалига айланди.

(Ўз КП Марказий Комитетининг ҳисобот докладидан)

Париж замбаракларининг гулдуролари пролетариатнинг қаттиқ уйқуда ётган қоғоқ табақаларини ҳам уйғотди, ҳар ён ва ҳамма ёқда революцион-социалистик пропагандани кучайтириб юборишга далда берди. Мана шунинг учун ҳам Коммунанинг иши ўлмайди, унинг иши ҳозиргача ҳар биримизнинг дилимизда яшамоқда.

В. И. ЛЕНИН

ПРОЛЕТАРИАТНИНГ БУЮК ЖАСОРАТИ

Бундан юз йил муқаддам, 1871 йилнинг 18 мартида Париж ратушаси тепасига қизил байроқ текилди. Шу кунги Париж ишчилари инсоният тарихида биринчи марта ўз ҳокимиятларини ўрнатдилар. Коммуна пролетариат диктатурасининг сиёсий формасига айланган эди. Париж коммунаси «Йўқолсин эксплуатация!», «Бу революция пролетариатнинг ҳокимият тепасига келганлигини билдиради», «Ишламаган тишлама!» деган шiorларни эълон қилди. Эски жаҳмият ҳукмдорлари талвасага тушиб, шаҳардан қоча бошладилар. Париж ишчилари эски давлат аппаратини бузиб ташладилар ва янги пролетар ҳукуматини туздилар. Коммуна меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб социал-иқтисодий тадбирларни амалга оширди. Пролетар революциясининг ғолибона байроғи Париж тепасида 72 кун мағрур ҳилпираб турди. Бироқ ағдариб ташланган буржуазия социалистик революцияни бостириш учун ўзининг бутун куч ва воситаларини ишга soldi. Буржуазия коммунарларнинг хатоларидан, уларнинг тажрибасизликларидан фойдаланди. Бунинг устига коммунарларнинг кучи буржуазиянинг кучидан анча кам эди. Коммунарларнинг қахрамонона қаршилик кўрсатишларига қарамай, Париж коммунаси кулади. Қутурган буржуазия енгилган инкилобчиларни қонга ботирди. Минглаб коммунарлар судсиз отиб ўлдирилди, турмаларга ташланди, сургунга юборилди. Париж ўзининг юз мингга яқин энг яхши ўғил-қизларидан ажралди. Коммунанинг жаллодлари революция ва коммунизм голярини қонга ботиришга уриндилар. Коммунанинг сўнги баррикадалари йўқ қилинганда реакционерлар, социализм тамом бўлди, деб жар солган эди. Илмий коммунизмнинг буюк асосчиси Карл Маркс: «Ишчилар Парижи ва унинг Коммунаси ҳаммиша янги жаҳмиятнинг шонли тарафдорлари ўз салафлари — социалистик революция байроғини биринчи бўлиб кўтариб чиққан шонли Париж коммунарларининг хотирасини муқаддас сақламоқдалар.

Париж коммунаси иши жаҳон ишчилар синфининг қалбида абадий қолди. Улуғ дохийимиз В. И. Ленин: «Коммуна иши социал революция ишидир, тўла сиёсий ва иқтисодий озодлик ишидир, бутун дунё пролетариатининг ишидир. Шу маънода у ҳеч қачон ўлмайди», деган эди.

Маркс, Энгельс ва Ленин Париж коммунаси тажрибасини ўрганиб, илмий коммунизм назариясига буюк ҳисса қўшдилар; бу назария ком-



Пер-Ляшез девори — коммунарлар ёдғори.

мунизм ғалабаси сари олиб борадиган йўлни тўғри кўрсатувчи қомпасга айланди.

Париж коммунаси давридан бери ўтган юз йил ичида миллионлаб меҳнаткашларнинг социализм ва коммунизм учун капиталга қарши олиб борган кураши йўлида жуда зўр тажриба орттирилди. Жаҳон коммунистик ҳаракати ўсиб ва муваффақият қозониб бормоқда. Ҳозирги вақтда жаҳон коммунистик ҳаракати законамизнинг энг таъсири кучига айланди, ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омили бўлиб қолди.

Пролетариат диктатураси ижтимоий тараққиётнинг реал талаби экани, капиталистлар ўринларини янги ижтимоий тузумга бўшатиб бериб тарих майдонидан кетиши муқаррар экани аён бўлган пайтдан буён юз йил ўтди. Лекин империалистларнинг коммунизмга нафратни ҳозирги вақтда камайлади, балки кучайди. Империалистлар ярим асрдан кўпроқ вақтдан бери инсониятни ўзлари жаҳонга ҳукмрон бўлган замонларга қайтариш учун бутун кучларини ишга солмоқдалар. Улар бой бериб қўйган мавқеларини тиклашга беҳуда уринмоқдалар. Ҳозирги жаҳон ижтимоий тараққиётда инсониятнинг капитализмдан социализмга ўтиш жараёни ҳал қилувчи омилдир.

Коммунизмнинг илк куртаги — Париж коммунасининг тажрибаси пролетариатнинг революцион ғайрати муайян зарур шaroитда буюк ижодкор, яратувчи иуч эканини кўрсатди. Буржуазия Коммуна вақтида бу кучни тан олмаган эди, империалистлар ҳам социалистик революция ва социализм куриш йилларида бу кучни эътироф этмаган эдилар. Империалистлар бизнинг социализм куришда эришган ғалабаларимизни ҳам узоқ йилларгача писанд қилмай келган эдилар. Бироқ совет халқининг коммунизм куришда эришган улкан муваффақиятлари империалистларни халқнинг социалистик тузум тудфайли келиб чиққан яратувчи кучини эътироф қилишга мажбур этди. Париж коммунарлари орзу қилган янги ижтимоий тузум шароитида инсоннинг барча яратувчилик қобилияти чамоён бўлмоқда.

Коммунарлар орзу қилган социалистик революция голярини илк бор совет халқи Ленин партияси раҳбарлигида рўйбга чиқарди. Бу голялар ер юзининг учдан бир қисмида — Совет Иттифоқи етакчилигидаги социализм мамлакатларида моддий кучга айланди. Социализм ва коммунизмнинг жаҳон бўйлаб тантанаси муқаррардир.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитетининг
журнали

№ 3 (51) 1971

Март

1925 йилдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти

ДИРЕКТИВА САТРАРИ—

УЗБЕКИСТОН ССРда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 46—49 процент кўпайтирилсин. Электр энергетикани, рангли металлургияни, химия, газ саноатларини ва энгил саноатни анча ривожлантириш таъминлансин.

Ирригация ускуналари, пахтачилик учун пахта териш машиналари ва бошқа машиналар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин. Кимбевий тоғлар ишлаб чиқарадиган катта корхона ташкил этилсин. Минерал ўтлар ишлаб чиқариш 1,6 баравар, шойи газламалар ишлаб чиқариш 2,2—2,6 баравар, ички трюкотаж ишлаб чиқариш 1,8 баравар, чарм пойфазал ишлаб чиқариш 1,5—1,7 баравар, мева-сабзавот консервалар ишлаб чиқариш 1,6 баравар, маданий-маиший ва рўзгор моллари ишлаб чиқариш 2 баравардан зиёдроқ, шу жумладан, рўзгор холодильниклари ишлаб чиқариш 4,2 баравар кўпайтирилсин.

Олтин қазиб чиқарувчи саноатни янада ривожлантириш таъминлансин, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида рух ва мис ишлаб чиқарадиган қувватлар кўпайтирилсин.

Сирдарё ГРЭСида биринчи агрегатлар ишга туширилсин. Олмалиқ аммофос заводининг иккинчи навбати, Самарқанд суперфосфат заводидида аммофос ишлаб чиқарадиган қувватлар, Навоийда цемент заводи ишга туширилсин. Ангренда резина комбинати куриш ва Бекобод металлургия заводини реконструкция қилиш ишлари ааж олдириб юборилсин. Бухоро ил газлама комбинати ва Хевса гилам комбинати, Фарғонадаги суний тери комбинати, Қўқон кўн заводи, чинни заводи, бир қанча пахта тозалаш заводлари, пиллакашлик, трюкотаж, тикувчилик ва пойфазал фабрикалари ишга туширилсин.

Андижон ил газлама комбинатини қуриш бошлаб юборилсин. Урганч мой-экстракция заводи ва озиқ-овқат заводининг бошқа бир қанча корхоналари қурилсин.

Пахтачиликни янада юксалтириб, етиштириладиган пахтани 1975 йилда 4,9 миллион тоннага етказиш таъминлансин: ингичка толали навлардан бўлган пахтанинги ялпи ҳосилини кўпайтиришга, пахта-беда алмашлаб экишни жорий қилиш ва ўзлаштиришга, пахта ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилсин. Шоликорлик, мива, узум, сабзавот, полиз маҳсулотлари ва тамаки етиштириш ривожлантирилсин.

465 минг гектар майдонда сугориладиган янги ерлар фойдаланишга топширилсин. Қарши даштида пахтачиликнинг янги катта районини ривожлантириш, Мирзачўлда, Сурхон-Шеробод водийсида ва Қорақалпоғистон АССРда сугориладиган майдонларни кўпайтириш ишлари давом эттирилсин. Андижон сув оқборини ва Туюмўйин гидроузелини куриш жадаллаштирилсин. Камида 600 минг гектар майдондаги сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолати яхшилансин, сугориладиган ерларнинг шўр ва зах босишини тугатиш ҳамда кам сув ирригация системаларида сувни кўпайтириш ишлари давом эттирилсин.

Қўйчиликни, айниқса, қоракўччиликни янада ривожлантириш таъминлансин, ҳар йил етиштирилаётган жунининг ўртача миқдори 24 минг тоннага етказилсин. Гўшт, сўт, туҳум етиштириш кўпайтирилсин, 1,5 миллион гектар яйлов сув билан таъминлансин, 3,5 миллион гектар майдондаги илгари сув билан таъминланган яйловларда гидротехника иншоотлари реконструкция қилинсин.

ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

Инобат бу ерларга дастлаб келганда ўн тўққиз яшар қиз эди. Ноз ортилган юк машинасида совхозга келгани ҳамон эсида. Шунда илк баҳор пайти эди. Лекин бу ерда баҳордан нишон йўқ. Ҳанма ёқ чағ-тузон. У катта йўлнинг бир четида чағ босган икки қаватли уйга қайрилди. Совхоз идораси экан. Директор кабинетига кирган қизга хўмрайиб қараб қўйди.

— Хўш, хизмат!— деб сўради директор.

— Ишлагани келдим,— деди қиз уялинкчираб.

— Ал Бизда сенга ўхшаганларга иш йўқ.

— Нера!

— «Нега»сини ўзинг билиб ол. Иш қистов. Сен билан гаплашишга вақтим йўқ.

Қиз индамайгина кабинетдан чиқиб кетди. Боя машинадан тўғри идорага киргани учун унчалик сезилмаган экан, «вагонча» уйларни айланиб юриб, чўл шамолнинг кучини кўрди.

Одамни беланчақдай чайқалтиради, юз-кўзин чимчилайди.

Инобат бу ерга илк марта бундан олти ой муқаддам қариндошларини кўргани келган эди. Чўлда биринчи пахта ҳосили хирмонини кўтарганлардан Аҳмад ака ва Каролат опага Инобатнинг жуда-жуда ҳаваси келди. Шунда

ЧЎЛ ҚАЛДИРҒОЧИ

юрагида бир туйғу пайдо бўлди. Бу туйғунинг нима эканлигини Эски Тошкент қишлоғига қайтиб келган англади. Ойиси Башорат унинг чўлга кетишига розилик бермади. «Ёшсан, ёлғизсан, ишлайман десанг шу ерда ҳам иш бошдан ошиб-тошиб ётибди», деди. Бу гапга қарши бирор гап айта олмади. Лекин кун ўтган сайин юрагидаги орзу уни тинч қўймади.

Баъзан шундай бўлади. Ёшлигингда алла нималарни орзу қиласан. Лекин кунлар оқар дарёдай ўтаверган, кутилмаганда бу орзунинг ўринини бошқа орзу эгаллаб олади. Инобат ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларида адабиётчи бўлишни истарди. Ойиси: «Мана бу кески оқватни опанга олиб бориб бер», деган чоғлардагина колхоз деласига чиқар эди. Қора мойга беланган комбинезон кийган опананинги ҳолини кўриб ачинарди. У ҳатто опананинги машинасига яқин боришдан ҳам кўрқарди.

Опаси синглисининг бу ҳаракатидан мийғида кулиб: «Шоира бўлсанг ҳам барибир олдинга келасан», дерди. Урта мактабни битирган, юзлаб қизлар: «Турсуноичи бўламиз», деб отилиб чиқишди. Дугоналари механизаторликка ўқиш тараддудига тушиб қолишди. Инобат эса бундан четда. Қизлар ўзларининг янги орзуларини бир-бирларига шундай мароқ ва ҳаяжон билан гапириб беришардики, Инобат бу гапларни бафариқ эшитолмайдиган бўлиб қолди. Узини гўё ҳаётдан бутунлай четда қолаётгандай ҳис эта бошлади. Икки кемадан бирига тушиши керак эди. Олдин биринчи кемага тушди. Институтга борди. Қайтди. Кейин 85 нафар қиз қаторида Вревскийдаги механизаторлар мактабига ўқишга кирди. Турсуноичи опаси билан ёнма-ён бир йил колхозда ишлади. Мавсумда 120 тонна пахта терди.


Мама, буғун у чўлда. Бундан оясининг хабари бор. Опаси эса билмайди. У ҳозир Москвада.

Директор нега уни бунчалик совуқ кутиб олди! Инобатнинг бунга ақли етмас эди. Хотин-қизларнинг кучига ишонмайдиган, уларга оғизга деб қарайдиган кишилар ҳалигача борлигидан қаттиқ хафа бўлди.

Чўл шамоли кечга томон қутура бошлади. Машиналар қатнови ҳам, қурувчиларнинг бақир-қачқирлари ҳам тинди. Ҳаво совиб кетди. Инобатнинг аззойи-бадани жунжиқди. Яна совхоз идорасига келди. Директор йўқ экан. Партком секретарининг кабинетига кирди. Исоқ Ҳуломов уни тинглаб, директор билан эртаси кунни гаплашишга ваъда берди.

Эртаси кунни яна ўша гап бўлди. Директор

Шонли XXIV съезд делегатлари





Мирзачўлдаги Герман Титов номли совхознинг илгор бригада бошлиғи Инобат Охунова.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

«Қиз боланинг ташвишидан бошқа ташвишим йўқми», деб сўзни қисқа қилди. Инобатнинг ўзарлиги тутди.

— Мен ҳеч қайқа кетмайман. Урсангиз ҳам, сўсангиз ҳам совхозда қоламан.— Инобат шундай деганича, кабинетдан чиқиб кетаётганда, қозғоларни титкилаб ўтирган директор:

— Тўхта. Сенинг фамилиянг нима! — деб қолди. Инобат жавоб берди.

— Турсуно Охунова киминг бўлади!

— Ҳеч кимим. Бир қишлоқданмиз.

— Мана, сенга телеграмма. Ойинг қаттиқ касал эмиш. Тезроқ етиб борар экансан. Турсуно Охунова телеграмма юборибди.

Уч кун ўтган, Инобат совхозда яна пайдо бўлди. Директордан нажот ололмагач, уй бошқармасига ишга кирди. Орадан икки ой ўтди. Совхозга янги директор этиб тайинланган Саттор Усмонов Инобат воқеасидан хабар топиб, уни қақиртирди ва бригадага бошлиқ қилиб белгилади. Энди бўлим бошқарувчиси Қаршнбой Эгамбердиев «турта» бошлади.

— Наряд бўлади, кечкурун келинг,— деди у Инобатнинг саломига, алик олмай.

«Наряд! Бу нимаси экан!..» Бригадирлар бошқарувчининг вагонча-кабинетида ўтирибдилар. Эртага бажарилмаган ишлар тўғрисида гап бормоқда.

— Ҳой, қизча,— деди бир вақт кўрслик билан бошқарувчи,— сизни бу ерга жамолингага қараб ўтирмамиз, деб қақирганимиз йўқ. Қалам-қоғоз олинг, гапларимни ёзинг.

Инобатда қоғоз-қалам йўқ эди. Бир йигит қаққонлик билан қоғоз-қалам келтириб, хикоятдан қутқазди. Инобат бу йигитга бош эгиб миннатдорлик билдирди. [Уша йигит ҳозир

унинг умр йўлдоши — яёдоқ чўлга дастлабкилар қаторида келган Ширинбой эди.]

Инобатнинг чўлдаги бригадирлик фаолияти шу тариқа бошланди. Турли тоифадаги, турли феъл-атворли, фикр-тўшунчаси ҳар хил одамлар билан чиқишиб, ишлаб кетиш осон эмас эди. Инобат хотин-қизлардан ягона бригадир бўлгани учун баъзи бировлар ҳатто ҳар хил гап-сўзлар ҳам тарқатишди. Лекин у барча майда-чуйда гаплардан баланд келди, йўлидан қайтмади.

Инобатлар чўлнинг ҳамма инжиқликларига бардош беришди. Чигит ялли унинг чиққанда унинг қалби бир олам завққа тўлар, осмон-ариқлар бузилиб сув келмай қолган чўлларда қовжираган гўзаларга тикилиб ич-ичидан куйинар, баъзан эса ҳеч кимга билдирмай йиғлаб олган пайтлари ҳам бўлар эди. Инобат йигит-терим паллаларида ярим кечагача дала бошидан кетмас, тиним билмай ишларди.

Равшанжон туғилганда қўйинчилик икки баравар ортди. Бола тарбияси, бригада ташвишлари, жамоат ишларино депутатлик бурчи — ҳаммаси зиммасига тушди. Лекин юскак мақсад сари интилган киши учун вақт ҳам, куч ҳам топилар экан: барчасининг уддасидан чиқди.

Инобат чўлга келиб бахт топди, шуҳрат қозонди. Унинг кўксини «Ҳурмат Белгиси» ордени, медаллар безаб турибди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор деган унвонга сазовор бўлди. Ленин партияси сафига қабул қилинди.

Коммунист Инобат Охунова бошлиқ бригада ҳосилдорлигини оширишда совхоздаги пешқадам бригадалардан. Утган юбилей йилида

гектаридан 27,5 центнердан «оқ олтин» топширишди. Ҳар бир киши ҳисобига 30 тоннадан пахта етиштирилди. Ялли ҳосилининг 98 проценти машиналарда териб олинди. Бригадирнинг ўзи машинада 132 тонна пахта терди. Бу йил эса беш киши бўлиб 60 гектар ер олишди. Ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерга етказиш ниятида ҳозир майдонларни оби-тобига келтиришмоқда, ерларни сифатли шудорлаб, гектарига 400—500 килограммдан маҳаллий ўғит солишди. Бригаданинг меҳнатсевар ишчилари қиш кунларини ҳам бекор ўтказишмади, агротехника мактабига қатнашди. Бу мактабнинг катта муаллимаси Инобатнинг ўзи бўлди. У тингловчиларга ўз тажрибаларидан сўзлаб берди, биргалашиб пахта ҳосилдорлигини ошириш йўллариини ўрганишди.

Мирзачўлдаги йирин хўжалик — Герман Титов номли совхоз она-Ватан хирмони: а йилига 15-16 минг тонна «оқ олтин» тўқмоқда. Бу улкан хирмонда Инобат Охунова бошлиқ бригада пахтакорларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

Инобатнинг янги беш йилликдаги режалари яна ҳам улкан. Сирдарё область партия конференцияси юскак ишонч билдириб коммунист Инобат Охуновани КПССнинг XXIV съездига делегат қилиб сайлади. Бу ишонч шижоаткор коммунистнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшди. Инобат ўзини ардоқлаган тарбиялаб вояга етказган она юртига яна ҳам кўпроқ хизмат қилиш, чўл бағрида равнақ топлатган кадрдон совхознинг гуллаб-яшнаши учун куч-ғайратини аямайди.

Т. ЖАМОЛОВ

ИШЧИ СИНФИНИНГ СЪЕЗДГА СОВГАЛАРИ

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

Янги ташаббуснинг учқур қаноти бор, дейдилар. Бепоев мамлакатимизнинг қайси бурчагида бўлмасин, халқ давлат манфаатини кўзлаб бирон ташаббус бошланадиган бўлса, эртасига бутун халқ ҳаракатига айланиб кетади. Ленин комсомоли номидagi Москва автозаводи коллективи 1971 йилнинг 17 апрелида коммунистик шанбалик ўтказиб, бутун иш ҳақини янги беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилди. Бу ташаббусни бутун мамлакатимизнинг корхоналари қўллаб-қувватлади.

Мен ишлаётган «Юлдуз» фирмаси республикамиздаги ихтисослаштирилган энг йирик ткиувчилик корхоналаридан бири ҳисобланади. Автозаводчиларнинг ташаббусини фирмамизнинг 3200 кишлик катта коллективи ҳурсендчилик билан қарши олди, республикамиздаги бошқа ткиувчиларга мурожаат қилиб бу ташаббусга қўшилишга чақирди. 17 апрель — умумхалқ ҳашари деб элон қилинди.

Ўтган беш йиллик планини мuddатидан олдин адо этиб, қўшимча равишда бир неча

миллион сўмлик маҳсулот етказиб берган коллективимиз янги беш йилликнинг дастлабки йилини ҳам янги-янги меҳнат зафарлари билан бошлади. Илгор ишчиларимиздан П. Новосельцева 1975 йил ҳисобига, М. Каримова 1974 йил ҳисобига, С. Мажидова, З. Гризункова ўртоқлар 1973 йил ҳисобига маҳсулот бермоқдалар.

Фирмамиз замонавий машиналар билан жиҳозланган, ҳамма ишлар конвейер усулда бажариладиган янги корпусга кўчиб ўтди. Иш шaroитининг яхшиланishi меҳнат унумдорлигини оширди. Квартал плани мuddатидан олдин адо этилди. Умумхалқ ҳашари куни — 17 апрелда ишлаб чиқарган маҳсулотларимизни янги беш йиллик фондига ҳадя этиб, мамлакатимиз фаровонлигига оз бўлса ҳам ҳисса қўша олсак, биз фирма ишчилари, бундан беҳад фахрланамиз.

Пўлатой АБДУРАҲМОНОВА,
Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати

СЪЕЗДЛАР САРОЙИ УЧУН

Самарқанддаги «Кинал» заводи Кремль Съездлар саройи учун мўлжалланган қудратли электр механизмларни тайёрлашга киришди. Бу механизмларни тайёрлашда корхонанинг энг тажрибали усталари, слесарлари ва

монтажчилари иштирок этмоқдалар. Корхона «58-ВК-250» маркали випрямителларнинг дастлабки туркумини Москвага жўнатди. Бу Кремль Съездлар саройи учун самарқандликлар тайёрлаган биринчи бюртма эмас.

ЮЗ МИНГИНЧИ МАШИНА

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ташсельмаш» заводининг ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимлари тўққизинчи беш йиллик дастлабки йилни тарихий воқеа билан бошладилар. Йил бошидаёқ заводнинг бош конвейеридан юз мингинчи «зангори кема» туширилди. Машинасозлар бу йил ўтган йилдигидан етти юз саксонга ортиқ пахта териш машинаси тайёрлашга аҳд қилдилар. Тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йилида қиш-

лоқ механизаторлари заводдан ҳаммаси бўлиб 11380 «зангори кема» оладилар.

Машинасозлар биринчи кварталда 280 пахта териш машинаси, бир неча юз минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқардилар. Йиллик топшириқини мuddатидан илгари бажариш ва планга қўшимча 300 минг сўмлик маҳсулот бериш учун барча цех ва участкаларда социалистик мусобақа авж олдириб юборилди.

ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР

Тошкент экскаватор-ремонт заводининг аҳил коллективи ваздаси устидан чиқди. Янги қурилган корпусни замонавий техника билан жиҳозлаш ишлари повёнига етказилди. Эндиликда корхона қуввати янада ортади.

Янги техника, илгор технологияни ишлаб

чиқаришга жорий қилиш, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этишнинг тақомиллаштириш эвазига завод коллективи меҳнат унумдорлигини 6 процент ошириш ва қўл меҳнатини 60 минг иш-соатга камайтиришга қарор қилди.

ПАРТИЯ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Ассалом, ленинчи, улуг партиям,
Сенга олқиш, сенга мадҳиям!
Номинг билан топдин баҳтимиз,
Сенга садоқатдир эзгу аҳдимиз.

Нақарот

Яна баҳор келди, яшнамоқда Ер,
Янги зафарларга бошлай бер.

Коммунистлар анжумани очилди,
Кониотга баҳор ҳиди сочилди.

Сен туфайли кўнка етди бошимиз,
Партиям, сен — ягона қўшимиз!


Бўстон бўлди дашту саҳро, чўлимиз,
Фазоларда, Ойда ҳам бор йўлимиз,
Беш йилликлар бизни олға етаклар,
Яратамиз мўъжизалар, эртақлар...

Нақарот

Яна баҳор келди, яшнамоқда Ер,
Янги зафарларга бошлай бер!

Акмал ПЎЛАТ

Энди далага!



ДИРЕКТИВА САТРЛАРИ —

Янги беш йилликда саноатнинг асосий вазифаси социалистик экономиканинг индустриал базасини ривожлантиришни, хусусан қиш.ғо ҳўжалигини ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларнинг индустриал базасини ривожлантиришни кенгайтиришдан ва тақомиллаштиришдан, ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ва самарадорлигини оширишдан, маҳсулотнинг сифатини тубдан яхшилашдан иборат.

Саноатнинг барча тармоқларини совет халқининг турмуш эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш манфаатлари йўлида ривожлантиришга қаратиш зарур. Бунинг учун халқ истеъмол моллари, хом ашё, уларни ишлаб чиқарадиган машиналар ва ускуналарни чиқарадиган саноатнинг салмоғини янада тезроқ ўстириш ва ошириш кўзда тутилсин.

ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

200000!




Йигув цеҳида иш қизғин.

КЕЧАГИНА ОМОЧ БИЛАН ЕР ТИРНАГАН ЎЛКАДА

КПСС XXIV съезди шарафига меҳнат ваҳтаси кунларида Тошкент транктор заводи коллективи ажойиб муваффақиятга эришди. Завод ишлаб чиқараётган транкторлар сони 200000 дан ошиб кетди.

С. БЕЗНОСОВ фотоочерни



Коммунист Абдурахим Ерматов — заводнинг тажрибанор ишчиси.



Заводнинг илгор ишчилари слесарь Дехкон Шомирзаев ва тоғарь Владимир Беспалов.



Конструктор-инженерлар — С. Бобоев, А. Қуртаметова ва С. Терешченко янги транктор модели устида ишламоқдалар.



Усимликларни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институтининг ходимлари Н. Мирпўлатова ва С. Мухаммадалиева ғўзапоя тарбиясини анализ қилмоқдалар.

И. ГЛАУБЕРЗОН ва В. СИРОТКИН фотоси

ЃЎЗА ШИФОКОРЛАРИ

Институт хоналари жимжит. Лабораторияларда иш қамаётган: олдингидек шовилчин анализлар, ошиғич топшириқлар йўқ. Фақат қабулхонада машина тўхтовсиз чиқилляди. Илмий ходимлар, лаборантлар ёзиш-чишиш билан банд.

— Бу жимликка ишонманг,— дейди институт директори Султон Алимухамедов.— Беш йилликка яқун яшамоқдамиз. Қилинган ишлар, уларнинг самаралари, илмий изланишларнинг натижалари ҳақида ҳисобот тайёрляпмиз. Илмий ходимларимиз қайси ишларни давом эттириш, қайсиларини бошлаш ҳақида бош қотиришпти. Юринг, танишайлик.

Султон Норматович лабораторияга бошлади.

Усимликларни муҳофаза қилиш илмий-тектириш институти Урта Осиёда шу соҳадаги ягона институтидир. Унинг тажриба майдонлари бевосита колхоз ва совхозларнинг пахтазорлари. Институти фаолиятининг ишлаб чиқариш билан бевосита алоқадорлигини шундан ҳам бишлиш мумкинчи, вегетация даврида ўсимликлар зараркундалари ва касалликларига қарши курашда бу ташкилот бош штабга айланади. «Қарадринга кўпайиб кетяпти, маслаҳат беринглар»,— деб телефон қилишди Хоразмдан.

«Кўсак қурти қўзага ҳужум бошлади, бир келиб кўрмасангизлар бўлмайди», дейишди Қашқадарьдан.

«Вилт билан зарарланган майдонларни аниқлашда ёрдам беринглар», дея илтимос қилишди Андижондан...

Районлар ва ҳўжаликларнинг раҳбарлар, химизаторлар, механизаторлар, авиаторлар ҳўсил учун курашадилар, институти олимлари эса катта армияга командирлик қиладилар, олға бошлайдилар.

Ѓўзанинг кушандаси кўп. Кўк қурт (кузги тунлам), кўсак қурти, қарадринга, вилт, шира бити шулар жумласидандир. Уларнинг озиқла-

ниши, қандай қиллаши, урчиши, қачон кўпайиши, ҳашаротларга қарши қайси дориларни ишлатиш зарурлиги ўрганилган. Ҳар йили юзлаб тонна захарли дорилар ишлатилади. Лекин келгуси йилда ҳашарот яна ҳўжумга ўтади. Жанг қайтадан бошланади. Қанчадан-қанча меҳнат сарфланади.

Нега шундай? Зарарли ҳашаротлар ҳўружи нега ҳар йили такрорланаверади?

Қишлоқ ҳўжалик фанлари кандидати Фозиҷон Расулов бу саволга жавоб бераркан, гани узокдан бошлайди:

— Маълумки, шира пахта ҳўсилини кескин қамайтиради, тола сифатини пессайтиради. Бирор пайкалда шира пайдо бўлса пахтакорнинг ташвишга тушиб қолиши табиий. Дарҳўл ҳамма механизмлар ишга солинади, зарарланган ерга захарли дори сепилади.

Кимёвий усул — энг ишончли усул. Лекин кимёвий усулга зўр бериб тўри иш қилмоқдамизми? Масалан, ўша шира битини олиб кўрайлик. Унга қарши захарли дори сепиш йўли билан кушанданинг кушандаларига зарар етказмайлими? Тилла кўз, хонғиз, трихограмма каби шира бити ва ўргимчаккана билан озиқланадиган фойдали ҳашаротлар ҳам қирлиб кетяпти-ку! Бунинг устига зарарли ҳашаротларда захарга қарши иммунитет ҳўсил бўлиб, захар улар учун емишга айланиб қолмоқда.

Шуларни ҳисобга олиб, институти кеч бўлсада, ҳашаротларга қарши курашининг биологик усулини қўлланишни ўргана бошлади. Биологик кураш усули ҳашаротга ҳашаротни қарши қўйиш, яъни зараркунданнинг табиий кушандаларини ишга солиш демакдир.

Замбуругнинг баъзи турлари кўп ҳайвонлар ва ўсимликларга зарар етказида. Боверия баизна замбуругидан эса ғўзага зарар етказув-

чи кўк қурт, кўсак қурти ва қарадринга зарарланар экан. Замбуруг споралари ҳашарот устига тушиб, ўса бошлади ва ҳашаротнинг ичига ўтади. Ҳашаротнинг ичини замбуруг иплари — мицелийлар қоплайди ва уни ўлдирди.

Украина ўсимликларни муҳофаза қилиш илмий-тектириш институти олимлари оқ мўскардина замбуругини сунъий шароитда кўпайтириш усулини ишлаб чиқдилар. Натийжада боверин препарати яратилди.

Ўзбекистон Усимликларни муҳофаза қилиш илмий-тектириш институтининг бир гуруҳ олимлари Зоология ва паразитология илмий-тектириш институти олимлари билан ҳамкорликда кўк қурт, кўсак қурти ва қарадринга қарши боверин, инсекти, энтобактерин каби дориларни синаб кўрмоқдалар.

Дондробацилин препаратини синаб кўриш эса ниҳоятга етказилди. Дондробацилин ҳам боверин каби бактерияли препарат бўлиб, унинг таъсир кучини ошириш учун хлорофос ёки севин аралаштирилади. Кимёвий дорилар ҳашарот организмни захарлаб, унинг фаолиятини сусайтиради. Бактериялар эса заифлашган организмни тезроқ ишдан чиқаради.

Дондробацилин 1000 гектарга яқин майдонда синаб кўрилди. Бу дори таъсирда зарарли ҳашаротларнинг 80—85 проценти қирилиб кетиши аниқланди.

Одатда кўсак қурти ёки қарадринга билан зарарланган майдонларнинг ҳар гектарига 2,5—3 килограмм севин сепилади. Дондробацилин аралаштирилса гектарига атиги ярим килограмм захарли кимёвий дори сарфланади, холос. Зараркундаларга қарши курашининг бу усули синавдан муваффақиятли ўтди ва ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш учун тавсия қилинди.

Ѓўза зараркундаларига фойдали ҳашаротларни қарши қўйиш ҳам истиқболли усул. Ўргимчаккана кушандаси — фитейселос қанаси Россиядан келтирилиб, кўпайтирилмоқда. Ўргимчаккана тушган далаларга лаборатория — исчиқхонада кўпайтирилган фитейселос қўйиб юборилади. У эса ўргимчаккана билан озиқланиб, қириб ташлайди. Шунингдек, кўк қуртга қарши қўйиш учун трихограмманинг Астрахань, Қозон ва Америка хиллари келтирилиб, Ўзбекистон шароитига мослаштирилмоқда.

Зараркундаларга қарши курашининг биологик усули ҳали ҳозирча асосий усулга айланганича йўқ. Демак, захарли дорилар сепилмоқда, энкинзорларга ҳар йили тонна-тонналаб кимёвий дорилар солинмоқда. Дори сарфини кескин қамайтириш билан бирга унинг таъсир кучини ошириш мумкин эмасмикан?

Чигит ердан униб чиқиси билан кўк қурт ҳўжум қилиб, ёш ниҳолнинг илдизини қирқа бошлайди. Шу вақтда ҳашаротга қарши дори сепиш талаб қилинади. Ѓўза чин барг чиқариши биланок шира ҳўруж бошлайди. Ширага қарши яна дори сепилади. Қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори Фёдор Михайлович Услейский бошлиқ бир гуруҳ олимлар ҳашаротга қарши курашининг янги усулини ишлаб чиқиб, синавдан ўтказдилар.

Фёдор Михайлович зараркунданда пайдо бўлгандан кейин унга қарши курашиш йўллари устида эмас, зарарли ҳашаротнинг кўпайиши ва тарқалишининг олдини олиш устида бош қотирди. Баъзи захарли ўтлар борки, уларга ҳашарот тушмайди. Ѓўзани ҳам захарлаб, зараркундаларнинг озиқланиши учун яроқсиз қилиш мумкин эмасмикан? Ҳўлбуки, шундай кимёвий дорилар мавжуд. Чунончи, ўргимчаккана ва ширага қарши сепилган дори ҳашаротни бевосита ўлдирмайди. Заҳар аввал ўсимлик танасига сингади, унинг ширасига ўтади. Бу ширани сўриб озиқланган ҳашарот захарланиб нобуд бўлади.

Ҳозирги пайтда чигит экиш билан бир вақтда ерга ўғит солиш қонда тусига қириб бормоқда. Ҳигит униб чиқиси биланок ёш ниҳол илдизи ўғитли тупроққа санчилиб, ундан баҳра олади, бақувват бўлиб ўсади. Заҳарли моддалар ҳам шу ўғитга қўшиб солинса-чи!

Фёдор Михайловичнинг тақлифи билан бир тонна донатор суперфосфатга 10 килограмм герксолоран ва 30—40 килограмм рогор (заҳарли мрдда) аралаштирилиб, чигит экилаётган вақтда тупроққа солинди. Ѓўза захарли ўзига сингдириши учун бир вақтда сўғорилди. Натийжа кутгандан ҳам зийда бўлиб чиқди. Герксолоран ёш ниҳол илдизига ҳўжум қилган

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги вазифа шундан иборатки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ўртача йиллик миқдори ўтган беш йилликдагига нисбатан 20—22 процент оширилсин, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва sanoatнинг хом ашёга бўлган ва тобора ошиб бораётган эҳтиёжлари тўлароқ қондирилсин. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини ҳар тарафлама мустаҳкамлаш, деҳқончилик ва чорвачиликни химиялаштириш, комплекс

механизациялаш йўли билан уни интенсификациялаш йўлини изчилик билан амалга ошириш, ерларни кенг мелиорациялаш бу вазифани бажаришнинг ҳал қилувчи шартидир. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш кенгайтирилсин, маркашлаштириш кучайтирилсин, колхоз ва совхозларнинг қишлоқ хўжалик ерларидан, техника ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланиши яхшилансин.

ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

кўк қуртни ўлдирса, рогор сўрувчи ҳашаротларнинг кўпайишига барҳам беради. Текширишда чигит билан бир вақтда солинган дорининг кучи ғўза 40—45 кунлик бўлгунча сақланиб қолishi аниқланди.

Мухими шундаки, бу вақт ичида ғўза ўзини тиклаб олади, кемирувчи ва сўрувчи ҳашаротлар унга шикаст етказолмайди.

Фёдор Михайлович ғўза зараркундаларига қарши курашнинг интеграл усулини Бағдод районидаги «Пахтакор» колхозини ва Учқўрғон районидаги Ленин номи совхоз далаларида уч йил мобайнида 1500 гектар майдонда синаб кўрди. Бу усул ишлаб чиқаришга тавсия этилгач, пахта тозалаш sanoati бўйича давлат маҳсум конструкторлик бюроси ходимлари билан ҳамкорликда ўйитга заҳарли моддалар аралаштиридан «ОСХ-2» машинаси яратилди.

Ҳозир шундай машиналардан ўттизтача тайёрланди.

Янги беш йилликда бу усул пахтачиликда кенг қўлланилади. Институтнинг биргина Фарғона пунктида 500 тонна аралаш ўғит тайёрланмоқда. Бу 10000 гектар ерга солиш учун етарлидир.

Вилт билан зарарланган майдонларда пахта ҳосилининг кескин камайиши ҳаммага маълум. Кейинги йилларда вилт билан зарарланган майдонлар аяниқса кўпайиб кетди. Бунинг сабаби нима? Негиз вилтнинг хужури авжига чиқди? Вилтнинг ўзи нима?

Тупроқда замбуруғлар, нематодлар, бир хўжайрали жондорлар, бактериялар, вируслар мавжуд бўлиб, улар бир-бирининг ҳисобига ҳаёт кечирадилар. Шунинг учун ҳам тупроқда биохимик ва микробиологик жараёнлар тўхтовсиз давом этади.

Зарари ҳашаротларга қарши ишлатилган заҳарли моддаларнинг таъсир кучи қанчагача сақланиши ўрганилди, натижада тупроқда уларнинг миқдори кўпайибгина қолмай, балки узоқ сақланиши ҳам аниқланди. Масалан, ДДТ 15 йилгача ўз кучини сақлаб экан. Американик тадқиқотчи Р. Карсоннинг хабарига кўра, 1963 йилда АҚШдаги олмасор боғларининг ҳар гектарига 125 центнердан ДДТ тўпланган. Бу эса тупроқдаги фойдали жондорлар учун хавфлидир.

Тупроқда заҳарли моддаларнинг кўпайиши ундаги ҳаёт шароитини ўзгартириб, тарихан таркиб топган микробиологик ва биохимик жараёнларнинг бузилишига олиб келади. Пахтакор районларда ғўзага заҳарли дорилар сепиш оқибатида ўсимликни вилт билан зарарловчи замбуруғнинг ҳаддан ташқари кўпайишига тўсқинлик қилиб келган микроорганизмлар қирилиб кетди. Тупроқда вилт замбуруғининг кушандаси қолмади. Олдин зарарсиз ҳисобланган замбуруғ пахтанинг ашақиди кушандасига айланди.

Вилтни йўқотиш учун нима қилиш керак? Фақат алмашлаб экишни жорий этиш зарур. Пахта-беда алмашлаб экиш вилтга қарши курашнинг бош йўлидир.

Институт олимлари алмашлаб экиш билан бир вақтда вилтга қарши курашнинг биологик ва кимёвий усулларини ишлаб чиқдилар. Селекционерлар ғўзанинг вилтга чидамли навларини яратдилар. Хуллас, вилтга қарши кенг жаба бўйлаб ҳужум бошланди.

Олимлардан Наима Мирпўлатова ва Изольда Кичанова вилт замбуруғининг табиий душманлари триходерма ва аспергил замбуруғлар

рини кўпайтириш устида иш олиб бордилар. Бу замбуруғлар тупроқда мавжуд бўлиб, вилт замбуруғи билан озиқланади. Бироқ кимёвий моддаларни кўп ишлатиш оқибатида тупроқда уларнинг миқдори кескин камайиб кетди, заҳарга чидамли вилт замбуруғи эса кўпайди. Триходерма замбуруғи чиринди ва ғўнга қўшиб солинади. Бу замбуруғ биринчи йилдаёқ ғўзанинг вилт билан зарарланишини 20—25 процент камайтиради. Аспергил замбуруғи эса вилт таъсирини 30—40 процент камайтиради.

Вилтга қарши барча воситалар билан кураш олиб бориш, айниқса, алмашлаб экишни йўлга қўйиш нақадар зарурлигини олимларимизнинг кузатишлари тўла тасдиқлади. Вилт замбуруғи билан триходерма ва аспергил замбуруғлар мувозанатни тиклаш мақсадида фойдали замбуруғларнинг тупроқда озиқланиши ва кўпайиши учун шароит яратмоқ даркор. Бу шароит эса чиринди ва ғўнгидир. Алмашлаб экиш, ерга маданий ўғитларни маҳаллий ўғитларга аралаштириб солиш, шабдар, репс, жавдар каби оралик экинларни экиш табиий мувозанатни тезроқ тиклашга ёрдам беради.

Вилтга қарши курашда фойдали замбуруғлардан фойдаланиш ишлаб чиқаришда қўлланишга тавсия этилди. Бироқ триходерма ва аспергил каби замбуруғларни қаерда етиштириш мумкин? Бунинг учун «Узсельхозтехника» системасида триходерма цехлари ташкил этиб, фойдали замбуруғ ишлаб чиқариши ва пахтакор хўжаликларига тарқатиши ишини марказлаштириш керак.

Заҳарли дорилардан фойдаланиш экинларнинг зараркундаларига ва касалликларига қарши курашнинг энг самарали усули эканлиги аён. Институтда вилтга қарши курашнинг кимёвий усуллари устида ҳам самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати В. Крейцберг кимёвий усул тарафдорин. У карбатион, пентохлор, нитробензол каби кимёвий бирикмаларни Наманган районидаги «Шарқ юлдаш» колхозини пахтазорларида уч-тўрт йилдан буён синаб кўрмоқда.

— Кимёвий дориларнинг экинга, унинг зараркундаларига таъсирини узоқ ва пухта ўрганмай туриб тавсия этиб бўлмайди,— дейди В. Крейцберг.— Доридан фойдаланиш технологиясини ҳам ишлаб чиқиш керак. Яъни, дорини қайси мuddатда, қанча миқдорда солиш, унинг ўсимликка зарарли таъсирини камайтириш учун нималар қилиш зарурлигини аниқлаш керак.

Ўтказилган юзлаб тажрибалар натижасида карбатион ерга шудгорлаш вақтида солинса яхши самара бериши аниқланди. Карбатион ғўзага, ҳосилга зарар етказмаган ҳолда ўсимликнинг вилт билан зарарланишини 50 процент камайтираб экан. Шу билан бирга карбатионнинг бошқа хоссалари ҳам ўрганилди. Унинг гербицидлик хусусияти ҳам бўлиб, бегона ўтларнинг униб чиқишини кескин камайтиради. Карбатион солинган ерда илди чириш касаллиги ҳам учрамади.

— Карбатион шу қадар фойдали экан, у ишлаб чиқаришга тавсия этилди—деб сўрадик олимдан.

— Бирор кимёвий моддани ишлатишга тавсия этиш учун унинг самараларинга эмас, хўжаликка қанча фойда келтириши, яъни икτισодий томонлари ҳам ҳисобга олинган,—деб тушунтирди олим.— Ҳақиқатан ҳам карбатионнинг фойдаси кўп, у ғўзанинг вилт билан зарарланишини икки баравар камайтиради, таъ-

сири эса икки йилгача сақланади. Бироқ карбатионни ишлаб чиқариш ҳозирча анча қимматга тушмоқда. Шу сабабли пентохлор, нитробензол, теозон каби дориларни синаб кўрмоқда. Уларнинг таъсир кучи карбатионникидан қолишмайди, лекин анча арзон тушадди.

Зараркундаларга қарши курашнинг кимёвий усулларини қўллаш керакми ёки биологик усулларини? Албатта, ҳар икки усулни ҳам қўллаб керак. Лекин конкрет шароитни ҳисобга олиб бу усуллари оқилона қўлламоқ зарур, негаки, кимёвий моддалар инсонга, инсоннинг хилма-хил ёрдамчиларига, фойдали жондорларга зарар етказмаслиги лозим.

Умуман, ўсимликларни муҳофаза қилиш учун кимёвий моддаларни камроқ, оқилона ишлатиб, бунинг эвазига табиий ёрдамчилар кучидан фойдаланмоқ керак. Худди шунини ҳисобга олиб, институт олимлари ғўзанинг вилтга чидамлилигини ошириш йўллари кидирмоқдалар.

Ғўзанинг вилт билан зарарланишини текшириш шунини кўрсатдики, энг аввало, ниҳонни ниҳоллар вилт чангалига тушар экан. Бинобарин, дуркун ўстан ғўза бу касалликка кам чалинади. Шундай экан, ғўзани ёшлигидан бақувват қилиб устириш керак. Бунинг учун экинга ўғит солиш керак. Аммо ерга солинган ўғит тупроқда эриши, ўсимлик илдири унга этиб биорик баҳра олиши учун вақт керак. Ғўза барги орқали озиқлантирилса-чи! Албатта, ҳали чин барг чиқармаган ниҳолни барги орқали озиқлантириб бўлмайди. Уч-беш чин барг чиқарган ғўзага карбамид ўғити сепилганда, бу ўғитдан ўсимлик барги орқали тез баҳра олади, бақувват бўлиб ўсади. Бу ғўзанинг вилтга чидамлилигини оширади. Шунга қарамай, ўсимлик вилт билан зарарланса ҳам, унгача ҳосилга кирган бўлади. Ишлаб чиқариш шароитида кенг синовдан ўтган бу усул шу йилдан бошлаб пахтазорларда кенг қўлланилади.

Буларнинг ҳаммаси вилтга қарши курашнинг ёрдамчи йўлларидир. Асосан эса пахта-беда алмашлаб экишни жорий этишни ҳар бир хўжаликка қонун қилиб қўймоқ керак. Халқ бойлиги—ердан фойдаланиш ҳақидаги қонун шунини таъқоз этади.

Институт олимлари билан суҳбатлашар эканмиз, мавзу вилтга чидамли янги навларга кўчди.

— Ҳа, янги навларга баҳо беришда унинг вилтга чидамлилиги ҳам мезонга айланади,— деди Фозилжон Расулов. Сўнгра «Тошкент—1, 2, 3» навларининг шу хусусияти ҳақида сўзлаб берди.

— Вилтга бардошлилиги жиҳатидан бу навларнинг афзаллиги равшан,— деб унинг гапини бўлди институт директори Султон Алимухамедов.— Лекин навларни асраш ҳам керак. Вилт бу навларни ҳам енгиб олишига йўл қўймаслигини даркор. Бунинг бош йўли, аввал айтганимиздек, пахта-беда алмашлаб экишдир.

Усимлик шифокорлари ҳал қилган ва ҳали тугал ҳал қилолмаган муаммолар шуларгина эмас. Зараркундаларга қарши курашнинг хилма-хил усулларидан тортиб, бу ишда қўлланиладиган техника воситаларига ҳам олимларнинг диққат марказида турибди. Бутун республика экинзорлари— уларнинг тажриба уюмчаси. Асосий бойлигимиз—«оқ олтин» хирмонининг йилдан йилга салмоқли бўлишига фан фронтининг олдинги маррасидаги бу курашчи олимлар катта ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳ. ИБРОХИМОВ

Саодат

МЕҲМОНИМИЗ

ЗУЛФИЯ

«Саодат» журнаlining редактори

БАҲОР ШАБАДАЛАРИ

«Чақирган жойдан қолма», дейдилар. Мана, таклифингиздан ташаккур туйғусига тўлиб, кутлуғ редакциянгизда ўтирибмиз. Сизларга тасанно, «Гулстон»ни завоқ ва мароқ билан ўқийдиган журнал қилиб юбординглар.

Узингиздан сўрасак, дейсизми?

Узимиз, мана 45 йилдан бери халқ орасида юрибмиз, шўкур, кам бўлаётганимиз йўқ. 1925 йилнинг декабрида журналистиканинг «Янги йўл» номи билан чиққан биринчи сони минг нусхага етар-етмас экан, бугунги кунда қарийб ярим миллион нусхага етиб қолди.

Менинг ўрнимга ўша «Янги йўл»нинг биринчи муҳаррири Собира хоним ўтирибди, деб фараз этинг. Шарқда аёл журналистларнинг кашшофи ҳикоя қилади: ўзбек хонадони ичкарасига журнал кироди, биз янги ҳаёт бошлаямиз, бу ҳаётни ўзбек аёлига Ленин берди, буни ҳар бир киши билиши керак.

Муқовада Ленин портрети. Биринчи саҳифада «Ленин ким эди?» сарлавҳали мақола.

Журнал ана шу янги ҳаётнинг янги куртакларидан хабар беради: «Зарафон вилоятида уч хотин кишлоқ советига сайланди».

Сурат: «Қўқонда Матлубот жамиятининг хотин-қизлар кооперативини очиш маросими».

«Эски Тошкентда фақат хотин-қизлар ишлайдиган докторхона очилди», деган ахборот билан бу ерда бир ўзбек аёли ҳамшира бўлиб ишлаётганини катта ғалаба сифатида хабар қилинган.

Эшак минган аёл сурати: «Уртоқ Шамсиддинова қишлоққа-қишлоқ янги ҳаётни ташвиқ қилиб юрибди».

«Ер ислохотида хотинлар ҳам ер олиши мумкин».

«Тракторчи аёл»— паранжили аёл тракторда мағрур ўтирибди.

«Радио, ҳаво кемаси нима?»

Буллар фақат журналнинг 1926 йилдаги сонларидан баъзи лавҳалар. Эшитасизу эртанга ўхшаган ҳақиқатни кўз олдингизга келтирасиз. Бу янги ҳаёт йўлида, нақадар буюк ҳуқуқ, нақадар жўшқин ўйонини!

Шиорларга назар ташланг: «Ишчи-деҳқон хотин-қизлари. Узингизни озод қилиш йўлида ишланг, саводли бўлинг, шўроларга тўлангиз. Бу — яшаш, кураш жабҳаси!»

Кураш жабҳаси! Бу жабҳа бутун Шарққа баҳор шабадалари бўлиб тарқалган эди. Бўрончи ҳужум деб аташар эди. Паранжига ҳужум, жаҳолатга ҳужум, мутеъликка ҳужум, ҳужумга ҳужум!..

Шу чоққача эски тузум қарахт қилиб келган аёл фаолиятини уйғошти керак: ишчилар таёёрлаш курслари, мураббиялар, муаллимлар таёёрлаш курслари.

Собира Холдорова ҳикоясидаги фактлар — асрлик уйқудан уйғош фаолиятининг бодраб, ниш уриши эди.

«Янги йўлнинг 1928 йилдаги муҳаррири Шодиева: «Дунёда ҳеч бир фирқа хотин-қизлар озодлиги масаласини бундай кескин қўймаган эди», деб ифтихор билан ўтиради журнал саҳифасида.

«Саводсизликни тугатиш ойлиги» ҳақида ҳукумат қарор чиқарди, ялписига ҳамма ўқийди — бугун ўқиш-ёзишни ўрганган — эртага ўзи ўқитувчилик қилади.

Ҳужум қўрбонлари. Фафур Фулом ёзади: «Артистка Турсуноӣ ўлдирди. У куртак билан турилган эди». Собир Абдулла фарёд чекади: «Нурхон бўғизланди!»

Буллар тобути устида дугоналари қасамёд қилади: «Бир қўрбон ўрнини юзлаб озод хотин эгаллайди».

Ҳужум самаралари:

«Самарқанда «Ҳужум» фабрикаси очилди: энди ўзбек ишчи аёллар дастаси етишиб боради».

Наманганнинг Ровустон қишлоғида тул хотинлардан 14 таси артель тузиб, 25 таноб ердан 150 пуд пахта шартномаси тузиб, 18 червон пул олганлар. Йил охирида 400 пуд пахта топширганлар. Буюк ташаббус ҳақидаги хабар ёнида шу артель рақаси Инъомбиби Бобо қизининг сурати.

Бу сатрларда оналаримизнинг янги йўлга зинама-зина жадаллик билан чиқётганларини кўраимиз.

Бир кишлоқ советининг раиси қилиб аёл сайланди. Бу «қозон-товоқдан — давлатни бошқариш ишига», деган Ленин ғоясининг ҳаётдаги исботи», деб фахр билан сўзлайди журнал.

Янги ҳаётдан эскилигининг ҳамма асослари зил кетган эди. Аёл баланд овоз билан сўзлай бошлади.

Сарри Тўраева ёзади: «Зангиотада қизил бурчак — артель очилди ўрнига арақ дўқони очилди. Эрларимиз арақ ичиб, хотинларга азоб бераётди».

Тожи опа ёзади: «Шўрога сайландими шўро остонасини босмадим, чунки мени чақирмадилар, иш ўргатмадилар».

Ҳа, азиз мезбон! Агар журналистик дафтарини араққай берсак, саҳифангиз етмайди. Билишни истаганлар ўқиб олишар.

Лекин, 1931 йилдан муҳаррирлик қилган ажойиб бир шоирамиз, соҳибжамол Хосият хоним Тиллахонова сурати кўз олдимдан кетмайди. Қаламдай қошлари устида чиройли кесилган тим қора сочлари, шаҳло кўзлари. Мен бундай кўзларни шу чоққача жуда кам кўрганман. Ихчам тикилган қора кўзюмли бу муҳаррир менинг ғалати, сатрлари зинапоэ эзмаларимга ардоқ, меҳр ва кўюниш билан маслаҳат беради. Энди англаб турибман, бу шеър эмас, дейишга тили бормас эди. Мен унинг кўзидаги чакинни, кўюқ овозини кўмсайман... Жуда ёш ҳалок бўлди.

1936 йилда журналистик «Ёрқин турмуш» деб аталди. Биз янги ҳаёт йўлида ёрқин турмушга эришдик...

Бу йиллар журналист Саодат Шамсиева муҳаррирлик қилди. Қолчоқ тузуми, беш йилликлар, хуллас, бутун жаҳба бўйлаб ҳаёт чаманида куртакларнинг қиғос гул очилиши акс эттирди журнал.

Бинафшалар, бодомлар, ўриклар, шафтолилар — табиат гуллаб турганда бирдан қор ёққанини кўрганмиз. Ҳаёт тўхтаб қолгандай бўлади. Бодом қурйиди, ўрикни совуқ уриб кетади. Шафтоли ҳосил бермайди...

Ватанимизга фашистлар бостириб кирди. Уруш бошланиб кетди. Журналлар чиқмади тўхтади. Қоғоз йўқ, босмаҳонада ишчилар етишмайди — ҳамма нарса фронтга, душман устидан ғалаба қозонишга қаратилган.

Қўш билан ҳаёт тирилгандай, ғалаба ҳароратидан ҳаёт изига тушди...

«Ўзбекистон хотин-қизлари» 1950 йилдан чиқа бошлади. Унинг биринчи сонини ўқиганлар ҳали пенсия ёшига етганлари йўқ — куenga тўлган қизлар, жувонлар, онахонлар. Энди журналга Ойдин Собирова муҳаррирлик қилдилар. Менинг шеърятдаги ва журналистикадаги меҳрибон устозим!

Ойдин опаниз қанотида қарийб ўн йил шеър машқ қилган бўлсак ҳам, редакцияда фақат уч йилгина бирга ишладик, бевақт ўлим уч кишини орамиздан олиб кетди. Меҳрибон бўлсалар ҳам қаттиққўл эдилар, уч йилда кўпчилигимизни темир қанот қилиб кетган эканлар, йўқилиб-суриниб бўлса ҳам ишларини давом эттириб кетдик.

Бир кун келиб «Ўзбекистон хотин-қизлари» номи эриш кўриниб қолди. Биз катта ҳаётда, СССР халқлари номили катта оғлада яшаймиш, журналистик фақат Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаётинингизга эмас, мамлакатимиз аёллари ҳаётини акс эттириши керак. Гул кўрпанинг бир парчасини узиб олиб кўз-кўз қилиб бўлмайди-ку.

«Саодат!» Бугунги аёлининг номи, исми ким бўлмасин, ҳар бир аёлининг ҳаёти, номи, ифтихори.

«Саодат» ҳақида нима дейиш мумкин? Редакциянинг ўн-ўн беш чоғли ходими нима ҳам қилар эди, агар республикамиздаги минглаб жураълхон, юзлаб қаламшак бўлмасал Журнал саҳифалари — ҳаётимиз лавҳалари, ҳаёт ҳамшира ҳаракатда, оналаримиз тили билан айтганда, жабҳада, ҳужумда. Лекин ҳозирги ўзгача жабҳа қадамлари йирик, суръати космик тезликда. Чўлга ҳужум, фазога ҳужум, эскилик қолдиқларига ҳужум, обрў-эътибор деб аталадиган, шаддий исрофгарчиликдан иборат тўйларга ҳужум!

Кураш! Махсулот сифати учун, юқори ҳосил учун кураш! Намунали болалар муассасалари учун, рўзгор маданияти учун кураш, яхши фазилатлар, анъаналар учун кураш.

Ютуқлардан сўзламадик, мақтанчоқлик бўлади. Лекин бир шуни айтсак кифоя. Ўзбек аёли ўз истеъдоди, ақл-идроки, меҳнати тўғайли эгаллаган чўққилар, эркаклар кўтарилган чўққидан зинҳор ва зинҳор пас эмас. Давлат арбобларими, фан докторларими, Социалистик Меҳнат Қаҳрамоними, лауреатларими...

Кечагина ўтган йиллимиз бениҳоя шонли, буюк йил эди. Катта меҳнат галабаси билан нишонладик.

Бугунги йиллимиз КПСС XXIV съезди йили, оналаримиз айтгандек, хотин-қизларга озодликда раҳнамо бўлган большевиклар фирқасининг шонли съезди йили.

Кези келганда айтish хашми, 1929 йили «Янги йўл»нинг муҳаррири Ўзбекистон большевиклар партиясининг IV қурултойига «Ўзбекистонда фирқа сафидаги аёллар нуфузи 3400 га етди», деб рапорт берган эди.

Ифтихор қиламиз, аёлларимизнинг ўсиш суръати пасайгани йўқ. Ҳозирги кунда, Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезида қайд этилгандек, шонли Коммунистик партия сафида 432 миң коммунист, шулардан хотин-қизлар 83 миң.

Биз узоқ ўтмишдан сўзламадик. «Янги йўлдан» «Саодат»гача ўтган йиллимиз ана шундай.

Планирингиз, дейсизми? Планимиз, келажагимиз, орзу ва вазифаларимиз, мана, Партиямиз Директиваларида битилгач янги достон, коммунизм деб аталадиган достонини ёзишда фаол иштирок этиш.

«Сепини айганда кўри!», деган сўз бор. Бутун фаолиятимиз журналистик саҳифаларида бўлади.

Ўзбек халқининг оташин курашчи қизи, атоқли жамоага арбоби, шоира ва адиба Ойдин Собирова (1906—1953) республикада хотин-қизлар матбуотининг ташкилотчиларидан бири, «Саодат»нинг (у вақтда журнал «Ворин ҳаёт» деб аталар эди) редактори эди.

Қўйида адибанинг «Ворин ҳаёт» журналида 1939 йили чиққан лавҳасини босдим.

ОЙДИН

УЗОҚ ЯШАШНИ ИСТАР ЭДИК

Игирма саккизинчи февраль. Ҳаво кундагидан совуқ. Қор тўхтовсиз ёғиб турибди. Лекин одамлар парво қилмай, шошиб-пишиб ишга кетмоқда. Мен ҳам завқ билан ишимга киришдим. Идора ходимлардан бири эшикни очар экан: «Қайғули хабар...», деди безовта товуш билан. Анг-ламаламди, бир зумда хаёлим дунёни айланиб чиқди. Гапирувчининг озгина тикилиб турдим. Унинг ай-тишга тили бормас, бир менга,

бир ерга қарар эди. Сабрим туғаб: «Нима гап ўзи, нега айтмай-сиз!» дедим.

— Ўртоқ Крупская вафот этибди,— деди у, қўлимга газетани узатди. Радио узилиб-узилиб мотам куйини чалар, кўзларим ҳарфлар устида сузар экан, дилим ишонмас эди. Кечагина кекса большевик онанинг етмиш йиллик юбилейи бўлган эди, ундаги тантана, шодлик хаёлимдан кетмайди. Унинг шифақатли, меҳрибон сўзи кулогимда, тўладан келган қома-ти кўз олдимда гавдаланади. Уни кўп марта кўрган бўлсам ҳам, яна бир кўриш орзуси ҳамisha юрагимда сақланар эди.

Шу хабарни эшитган заҳоти у билан қуришганим, сўзлашганларим кўз олдимдан ичим-кетим ўта бошлади.

1927 йил, Москвани томоша қилиб тўймайман, юриб чарчамайман. Маориф хизматчиларининг Бутуниттфок VI съезди делегати бўлиб, совет ўқитувчилари қаторида юрганим учун фахрланаман.

Зал тўла одам, ўртоқ Луначарский минбарда турб сўзлаётди. Шу вақт залга ўрта бўйли, тўлганга, юзидан ёқимли табассури аримайдиган Надежда Константиновна кириб келди. Ҳамма қарсақ уриб, уни қарши олди. У президиумга келиб ўтирганга қадар тикка туриб олқишладилар. Президиумда ўтирганлар у билан бир-бир қўл бериб кўришдилар. Мен ҳам бу улғу инсон, Ватанимизда энг ҳурматли хотинини ўрнимдан тасриб қарши олдим, унинг

иссиқ кўллارини қаттиқ қисиб, кўришдим. Енимда бўш стул бор эди, ўтирди. Менга қараб кўлди ва сал энгашиб: «Қаердан келдингиз!» деб сўради. Юрагим гурсиллаб уриб кетди. Секингина: «Тошкентдан», дедим.

— Жуда ахши, зеримаяспизми, Москвани томоша қилдингизми, Владимир Ильични кўрдигизми!— дея қатор саволни устига ёғдирди. Жавоб берганимдан кейин кифтилга қоқиб: — Ўзбек қизларидан ўқитувчилар кўпайиб қолгандир! Паранжини ташлашдим!— деб қолди. — Ҳа,— дедим.

— Хотин-қизлар билан чарчмай ишлаш керак, уларни ижтимоий ишга тортиш керак,— деди.

Мен унинг сўзларини ичимда тақорлаб турар эдим. Лекин узоқ сўзлашишга тўғри келмади. Енида ўтирганлар унинг бўшагини интизорлик билан кутар эдилар. Ўртоқ Крупская бир айланиб у ёнга қарашли кимдир гап билан овора қилиб қолди.

Аммо бу кичик сўхбат бир умр ёдимда қолди. Ахир, мен ўртоқ Лениннинг энг яқин дўсти, ёрдамчиси ва дунё меҳнаткашларининг бахт-саодати учун умри бўйи курашиб келган улғу бир инсон, буюқ онамиз билан сўзлашган эдим.

Бизнинг ҳур, қувноқ халқимизнинг қаби бу курашчан, доно олим ва буюқ мураббийга бўлган самимий муҳаббат билан тўлдир. Унинг хотин-қизлар озодлиги, бола тарбияси ва СССР халқларининг илм, маданиятга эга бў-



лишлари лозимлиги ҳақидаги, қутубона, қироатхоналарни кўпайтириш ҳақидаги мақолалари бизнинг халқимиз томонидан жуда севилиб ўқилар ва қўлланма бўлиб хизмат қилар эди.

У унингнинг сўнгги минутларига қадр революция гошлари учун, Ленин партиясининг йўли учун ва халқларнинг бахтли ҳаёти учун жонини аямай курашди. У ўз ҳаётини дохийимиз Лениннинг кўрсатмалари ва йўл-йўриқларини оғишмай бажаришга сарф этди.

Биз ўртоқ Крупскаянинг яна узоқ йиллар яшашини истар эдик. Унинг вақтсиз ўлими халқимиз учун қаттиқ қайғу, зўр йўқотиш бўлди.

Шарқ аёллари эскилик занжирини парчалаб, озошлик, илм, ҳур меҳнат сари илк марта қанот қоққан пайтлар— ҳужум кунлари ҳали-ҳали ёдимдан чиқмайди. Бу йўл осон эмас эди. Уз қора қисматини ўзгартиришга интилганларнинг кўпчилиги руҳонийлар ва уларнинг малайлари тини зарбидан ҳалок бўлди. Лекин уларнинг фарёди, улар тўккан қон беҳуда кетмади— минг-минглаб аёлларга эрк йўли очилди. Уларнинг қутлуг хотираси ҳеч қачон унутилмайди.

Алексей Максимович Горький 1928 йили йўллаган мактубида менга Ўзбекистон хотин-қизларининг ўн бир йил ичиндаги ҳаракати ҳақида очерк ёзишни таклиф қилган эди: «Очеркни қисқа, лекин жозибадор қилиб ёзиш керак. Бу Сизнинг қўлингиздан келади...»

Мана шу ўтган давр ичида ўзбек хотин-қизлари ҳақида жуда кўп очерк, мақола, хат-то романлар битилди. Лекин вақт тиним билайди— ҳаёт сахнасига янгидан-янги қаҳрамонларни чиқаради: ўзга номлар, ўзга чехралар, ўзгача муваффақиятлар...

Уша пайтларда чирик ислом дунёси остонасидан дадил ҳатлаб, озошликка чиққан хотин-қизларнинг кўпчилиги билан учрашишга муяссар бўлган эдим.

Бир кун мақолага материал тўплаб юриб Эски шаҳар хотин-қизлар клубига кирдим. Дераза олдида аёллар чўкка тушиб, кўрпа қапишарди. Шу пайт қирқлардан ошган кўзойнакли аёл мен томон кела бошлади. Эгинда узун оқ кўйлак, бошида оқ доқа рўмон. Русча «Алифбе»ни кўксига мақкам босиб ушлаган. Аёлнинг думалоқдан келган юзи, либоси, кўзойнаги, кўксига босилган китоби хотирамдаги болалик йилларини бир лаҳзалик чақиндек ёритиб юборди...

Дугоналарим— Кумри ва Адолат билан қўшимиз Эргаш аравақашнинг ҳовлисига чиққан эдик. Биз, икки қария гурунглашаётган меҳмонхона ёнидан ўтиб, «ичкари»нинг кичик нақшиндор эшигини очдик. Айвонда бир неча аёл иш тикиш билан банд эди. Хона эшиги олдида худди шу тахлит кийинган аёл пайдо бўлди. Унинг гамин, лекин ҳали анча ёш эканлигидан далолат бериб турган чехрасини ажин босган, кўзлари кўзойнак орти-

Анна АЛМАТИНСКАЯ

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН РЎЁ

дан хорғин боқарди. Қўлида китоб. Мен бу аёл Кумрининг онаси— Пошша хола эканини билардим. У бутун маҳаллада ягона, шухрат қозонган саводхон хотин саналар эди. Хола ёлғиз қизи билан бева қолган, кўрпа қапиб, кун кечирарди...

— Кумрихон, ўзингмисан!— деб юбордим беихтиёр. Аёл тўхтаб, юзларимга бир оз ҳайрат билан тикилиб қолди. Сўнг бирдан кўзларига қувонч унқунлари чақнади:

— Онахон!
Биз қадрдонларча қучоқлашдик.
— Яхшимисан, азизим? Пошша хола онамизсон юрибдиларми?



— Онам уч ой бурун вафот этдилар. Мен бу ерда хотин-қизларга кўрпа қапишни ўргат-яяман, ўзим эса рус тилини ўрганишга киришдим.

Ўқинди мен Наима Махмудова билан учрашдим. Бир пайтда Пошшахон хотанинг ёши нечада бўлса, Наима ҳам ўша ёшларда эди. Лекин нақадар катта фарқ! Наиманинг гўлдек жамоли, кулиб турган шўх кўзлари, чаққон ҳаракатлари кишини мафтун этади. У ҳозир медицина фанлари кандидати, КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач.

Наима жуда ёшлигидея етим қолган эди. У бувиси Тўхтабуви қўлида тарбияланди. Ҳам ишлаб, ҳам медицина институтида ўқётган акансининг ёрдамида институтини тугатди. Орандан беш йил ўтган, у Самарқанд область Санитария-эпидемиология станциясига бош врач бўлди. 1963 йилда эса Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг муовини лавозимига тайинланди. Наима Махмудованинг «Ўзбекистонда ички медицина тараққоти тарихи очеркларини номли илмий иши унинг ўтмиш ва ҳозирги замон Шарқ медицинасининг билимдони эканидан далолат беради. Намиманинг кўксини Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медал безаб турибди. Ҳозирги совет аёлининг тақдирини ана шундай сермазмун ва гўзал.

Мен Хужума Шукурова билан ҳам учрашишга муяссар бўлдим. Ушоққина, билимдон бу аёл— Ўзбекистон ССР Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар жаҳмати президиумининг раисаси. У Осие, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларидан жуда кўз ҳатлар олади. Уларда шундай сўзларни учратиб мумкин: «Сизнинг ҳаёт ва фаолиятингиз аёлларнинг ҳақиқатга айланган рўёси...»

Истеъодли олима, тарих фанлари доктори, УзССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, Беруний мукофоти лауреати Раҳима Аминованинг ёрқин сиймоси қалбимдан чуқур жой олди. У билан мен Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасида Ўзбекистоннинг машҳур хотин-қиз арбоблари билан ўтказилган учрашуш пайтида танишган эдим.

Бугун жуда кўп хотин-қизлар— ўтмишда эзилган ҳуқуқсиз аёлларнинг қизлари, неваларлари фан, санъат ва ижодий меҳнат чўққиларини эгалладилар. Уларнинг кўли бахт, қувонч зурдан мунаввар, истиқбол уфқида туташиб йўлдир.

МУРОДИМ

Менга на ёру на ишч ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам ушбу басдур,
«Фарҳод ва Ширин»дан

Мени ою қуёш, юлдузга қиёс
Этасану мактаб қоласан бирдан.
Гоҳо, фаришта, деб қиласан эъзоз,
Севсанг ўхшашимни излагил ердан.

Меҳнаткаш бир қизман, камтарин, содда,
Фазилат излагил инсонлигимдан.
Мендан гўзаллар кўп гулгун ҳаётда,
Севсанг, сўз очмагил «жонон»лигимдан.

Мен Ширин айтгандай, одам бўлсам бас,
Шудир эътиқодим, ҳавас, матлабим.
Яшайман дўстларга, элга ҳамнафас.
Мақтасанг, Инсон, деб мени мақтагил!

Ҳанифа СОЛИҲОВА

* * *

Йўлга отланасан,
Қузатаман жим,
Қол десам, қолгудек раъинг йўқ эмас.
Боргил, ўртанса ҳам, ёнса ҳам кўнглим.
Кутсам иккимизга қилишин ҳавас.
Йўлга отланасан,
Йиғлайман пинҳон,
«Кетмагил», дейишга етмасдан кучим.
Дейсан: Севгимиздек азиз бурч, виждон,
Отландим шуларнинг ҳимояси-чун!



Гулсара Курбонова — Қоракўл районидаги «Октябрь» колхозининг илгор механизатори.

А. УСМОНОВ фотоси

Масъуда УБАЙДУЛЛАЕВА

«САОДАТ» ПОЧТАСИДАН

ЙИГИТЛАР ҚИЗЛАР ҲАҚИДА

Эй, шўх йигит, бунча ўзгариб қолдинг? Бунча бошинг эгмасанг? Эй, сирли ўғлон, пинҳон дардинг нима?... Дардингни билдинг, сен ошиқсан... Ётирганинг ким? Майли, сен айтмасанг бошқалардан сўраймиз.
Азиз йигитлар, шу савол-

ларга жавобингизни кутамиз:
1. Булажак умр йўлдошингизни қандай тасаввур этасиз?
2. Сиз ётирган қиз сизга эмас, бошқага мойил бўлса-чи?
3. Қандай оилага нувў бўлишингизнинг аҳамияти борми?
4. Қизинг насбига, исмига

эътибор берасизми? 5. Севганингизга етишинингиз учун совчилар керакми? 6. Сизни севиб қолгани ҳақида аввал қизинг ўзи севги изҳор қилса нима дейсиз? 7. Севгига нима завоёл келтиради? Тўйингиз қандай ўтишини орзу қиласиз?

Шу саволларга мирзачўллик Мўмин деган механизатор йигитинг жавоби:

— Минг савол берилганида ҳам юрагимдаги барча ҳис ва ўйларини ифодалай олиш маҳол. Шунинг учун дилимдаги бор гапни «савол-жавобсиз» айтмоқчиман. Биз, кишлоқ йигитлари ҳам, кўплар қатори «Муҳаббат бор нарсами, йўқ нарсами?» деб тортишиб қоламиз. Йилгари мен ўзим ҳам муҳаббат борлигига ишонгим келмас эди. Битта-яримта ошиқлар ҳақида кўча-кўйда эшитсам, ёки уларни кинода кўрсам, улар тўғрисида китобда ўқисам — кўлардим. Бошимга тушганда билдим. Севги мушкул ва ажойиб масала экан. Бизнинг қишлоғимизда таомил шуки, севишганлар ота-оналарнинг розиликлари билан қовушадилар. Ота-оналарнинг иродасига батамом бўйсунганлар ҳам йўқ эмас. Менинчга улар ҳам ота-оналарнинг тақдирлари мазкур тушулгани учунгина итоаткорлик кўрсатадилар.

Кейинги вақтларда қишлоғимизда кўпроқ шаҳардан келин олишга мойиллик сезилмоқда. Келин шаҳардан ажойиб фазилатлар, юксак маданият олиб келади-да.

Районда механик-ҳайдовчилар

курсида ўқиб юрганамда Раънохон билан танишганман. Қандай танишганимизни айтиб қўя қолай, кўнгил кўнгилга тўғри келиб қолди-да. Хуллас, биз ваъдани бир жойга қўйиб, Мирзачўлга ишга келишга аҳд-паймон қилдик. Лекин Раънохон ҳали чўлга келолмай турибди. Оталари нега тихрилик қилаётган эканлар?

Менинг юрагимдаги дардимдан отам оғох бўлиб қолдилару энамга эшиттирибдилар.

Энам Раънохон ваҳини эшитиб, бир сапчиб қўйдилар-у, лекин «Аввал бир кўрай-чи», деб холам билан районга тушиб чиқдилар. Раънохон юлдузи иссиқ қиз-да, энам эриб-оқиб қайтдилар. «Шаҳарлик қизга совчилар кетди. Энам «Совчилар бообру одамлар бўлсин», деб тоғам билан раисимизни қўшиб жўнатдилар. Лекин, бообру совчилар куруқ қайтишганда, ер ёрилмадики, кириб кетсам.

Раънохоннинг оталари нима дебдилар дег-а: «Биттаю битта қизимни қишлоққа бермайман!».

Орият ўтида ёниб кетдим. Назаримда энам ҳам бир газ қўқиб кетгандек бўлдилар.

— Эна, нега хафа бўласиз? — дедим оловим ёниб. — Шу совчи-

пачининг нима кераги бор эди? Совчисиз битираман ҳаммасини. Эна, сиз фотиҳа беринг, ўша ноз қилганинг қизини хозир қўлидан етаклаб олиб келмасам отимни бошқа қўяман. Совчилик — эскилик-ку, ахир! Сиз замонавий қишлоқ аёлисиз!

— Совчиликнинг нимаси эскилик! — дедилар энам кўзимга тик ва жиддий қараб. — Эскича дема, болам, эски бўлса сўзи эскидир, совчисиз келин келди дегани — ота-онанинг розилигизид келди, деган гап. Дуосиз фарансиз қўқармайди, болам. Совчи зарур. Ҳозирги совчилик бошқа. Бизнинг давримизда совчи — ота-онанинг ўқиси эди, энди у йигит-қизинг элчиси, Отаси бир марта кўнмаган бўлса, ҳечқиси йўқ! Қизи борнинг нози бор, болам!

Энамнинг айтганлари рост экан. Яқинда тўйимиз бўлади. Қишлоқларимизнинг одатини биласизлар, тўйларнинг тартиби ўзгариб кетди. Раис билан партком секретарига раҳмат. «Тўй бўлса клубда бўлади, қизил тўй, комсомол тўй бўлади, ҳамма харажати колхоз кўтарари», деб туришибди. Биз ҳам қараб турмасмиз. Раънохон билан бирга кузда 250 тоннали «оқилвайи хирмон» кўтармоқчимиз.

З ебо, Дилбар, Нодираларнинг кўзи кун-тун ота йўлида. Аюб Омонов фронтга жўнган пайда Зебо билан Дилбар ҳали гўдак, Нодира эса чақалоқ эди. Уруш тугаганидан кейин, мана, бир йил ўтиб боряптию ота қайтмайди. Саодатхон ундан келган хатни негадир яширишга уринар, пичирлаб ўқирди-да: «Дадаларинг салом айтиб, йўқ кўй, дебди», деб, қизчаларининг пешанасидан ўпар эди.

Ғалабининг биринчи йили. Солдат ва офицерлар кўкрагида орден-медаллар билан қайтиб келишар, қизчалар эса ўз оталарини куттишар, тонг отиши билан кўчага чиқиб йўлини пойлашар эди. — Ойи, дадам қачон келади-лар?... Шоҳиста, Эркинжонларнинг дадалари келди-ку. Уруш тамом бўлди-ку, нега дадам келмаяптилар?..

Бу сўроқлар онаизорнинг юрагини эзиб юборарди.

* * *

Шарифжоннинг келиши тўғрисидаги хабар Саодатхоннинг бир ташвишига ўн ташвиш қўшди. У Шарифжоннинг келишини болаларига билдиришни ҳам, билдирмасликни ҳам ўйлаб ўйига етмас, ким билан маслаҳатлашини билмай, боши қотган эди.

Начора, кутиб олишга мажбур... Болалари-чи?... Улар нимани билишади, кўришлари билан «дада-жон»лаб бўйнига осилиб олишади. Ҳа, биринчи учрашув шундай бўлиши турган гап...

Шу фикрлар билан Саодатхоннинг кўнгли сал тасалли топгандек бўлди, енгил тортиди...

Қирқ еттинчи йил. Апрельнинг мусатффо кунларидан бири. Осмонда баҳор элчиси — турналар қатор-қатор: Қир-ров, қир-ров... қир-ров, қир-ров...

— Ойижон! — Панжасини қоши устига қўйиб осмонга қаради Зебо. — Турнал! Турналарни кўрпачисизми, ойижон!

Турна келди ёз бўлди. Дадажонимга соз бўлди. Гул шоҳида будбуллар, Қанот қоҳади гуллар...

— Ана шунақа, оппоқ қизим... турналар бизга салом беришиб, чўлга, баҳор сайлига кетишяпти. — Э-вой... турна ҳам салом берар экан-да?..

«Катта бўлиб қолди қизалоғи. Дадасини фронтга узатганда ҳам эсликкина эди. Шарифжонни кўриши билан иккилини қолса-я? Йў-э, беҳудуга хавфсизраётгандирман. Шарифжон оталик қилиб келяпти... Чинакам, чиндан ҳам оталик қилиб келяпти. Балки бундан кейин ҳам... Нималар делман мен ўз-ўзимдан алжираб! Хўш, болалар дадаларини топган ҳам бўлди. Қўзи қўйга қўшилиб, ўқис етимлик изтиробиға хотима ҳам берибди. Уйимизга ота фай-

зи нур киритди... Лекин бу шодлик неча кунга чўзилар экан!.. Болалар Шарифжонни кўргандан кўрмагани ахши бўлмасмикан?..»

* * *

Саодатхон учала қизалоғини эргаштириб хиббондан ўтиб борарди. Гўё баҳор шу ердан бошла наётгандек: майсазор ям-яшил, ҳар хил рангдаги капалак гуллар қанот қоқиб, ўтган кетганин баҳор билан кутлар эди. Дарахлар яроқ эзган — баҳорги ҳуснини кўз-кўз қилади. Табиатдаги бу ўзгариш сеҳри биланим, киши руҳи энгил тортиб, ёшликка қайтаётгандек бўлади. Илиқ баҳор шабдаси қизчаларнинг ҳам юз-кўзларини силаб, майин сочларини сийлаб учеди.

— Ойижон! Трамвайга чиқа қолайлик. Дадам келиб бизни кутиб қолсалар-а?

— Шовилма, қизим. Поезд келишига ҳали бир ярим соат бор,— деди Саодатхон.

Нодира бугун опаларига қараганда ҳам сергап. Зебо бўлса негандар хаёланчроқ кўринади. Вокзалда Нодира ойисининг қўлини силкиб-силкиб: «Ойи! Ойи, дейман! Дадамлар қайси бири?.. Анови погонлик киши дадам эмасмилар?», деб жаврар, савол ёғдирар эди.

— Ойижон! Дадам қаёқдан келадилар?

— Москвадан.

— Польшада эдилар-ку?

— Польшадан Москвага келганлар. Энди Москвадан Тошкентга келяптилар...

Поезд гудоғи эшитилди. Перондагилар қимирлашиб, Москва йўлига кўз тутдилар.

Саодатхон Нодира билан Дилбарнинг қўлидан ушлаб: «Ҳозир поезд келиб шу ерда тўхтайди. Дадаңларга салом бериб, кучоқлаб кўришасизлар, хўпми?», деб тайинлади.

Паровоз кўринди. У чопиб чарчаган улоқчи отдек ҳансираб, пишиллаб-пишқириб келар эди: «Тақа-туқ, тақа-туқ, тақ-тақа-туқ...» Бу ғилдираклар садосими, юрагининг дупурими — Саодат билмасди. Паровоз орқасидан вагонлар чопиб ўтди, эшиклар олдига туриб қўл силкиётганларни, қалин туман ичида кўринган одамлар сингари, таниб бўлмас эди.

— Қани дадамлар!.. — деб зор қақшарди Нодира.

Вагонлар силкинди, бир-бирига урилиб ғийчиллаб тўхтади. Кутувчилар бақирчишиб-чақирчишиб вагонларга талпинарди. Саодатхоннинг кўзи аланг-жалаң, у қайниси Шарифжонни қидирарди. Нодира бетоқат, унинг бир қўлидан онаси, бир қўлидан онаси Зебо маҳкам ушлаб олган...

— Шарифжон!.. — деди секин Саодатхон.

Бир қўлида чамадон, билагида шинель, кўкраги тўла орден-ме-

даллар, жуссаси чоғроқ майор атрофга назар ташларди.

— Ана даданг, югуринглари! — деди Саодатхон юраги гупиллаб.

Нодира полопондек учиб бориб майорга ўзини отди. Дилбар бўйнидан кучиб осилиб олди. Зебо онаси ёнида қараб турар, негандар дадаси билан кўришишга шошилмас эди. Онаси: «Югур, кўришмайсанми?», деб уқтирмагунча ўзи бориб кўришмади.

Шарифжон ҳам бунни сезиб: — Э-э, бу Зебо эмасми? Катта қиз бўлиб қолибди-ку! Вой оппоқ қизим-эй! — деб, ўпиб, бағрига босди.

Нодира бўлса нуқул орден-медалларини ушлаб, силаб-сийлаб: «Бу нима? Бу-чи?», деб, савол беришдан тўхтамасди...

Шарифжон ким ўзи? У Аюбжон билан бир қориндан талашиб тушган оғанини, бир она-бир отанин кўз қорачилари эди. Шарифжон ўттиз тўққизинчи йили Тошкент медицина институтини битириб, энди аспирантурага кирган чоқда, оқ финлар билан уруш бошланиб қолди. Бир гуруҳ тиббий ходимлар қатори, Шарифжон ҳам ҳарбий хизматга жўнади. У ҳаракатдаги армияда хирург бўлиб ишлади.

Шарифжон Советлар оиласига қўшилишида ҳам иштирок этди. Фашист босқинчилар Ватанимизга бостириб кирган даҳшатли кунда у чегарада эди. Брест қалъаси учун бўлган жангда ҳам, Москва остонасида олиб борилган ҳаёт-мамот жанглариди ҳам, Москвадан Берлингача давом этган ҳужумкорлик юришида ҳам Шарифжон Саидов хирург сифатида жонбозлик кўрсатди, юзлаб совет кишиларининг ҳаётини сақлаб қолди, ўлим таҳдид қилиб турган пайтларда ҳам ўз постиди мустаҳкам турди, фашизм устидан қозонган галабамизга муносоиб ҳисса кўшди.

Шарифжон Можайск мудофасидида турганида акиси Аюбжондан хат олган эди. «Тайёрланялмиз. Тез кунда ҳужумга ўтсак керак. Фашистларни тавбасига таянтирадиган кун яқин», деган эди акиси. Шарифжон акасига жавоб ёзди-ю, кейин ундан бошқа хат ололмади. Ташвишланиб Тошкентга ёзди. У ердан: «Акангиз ярадор бўлиб Тошкентга келдилар. Азволлари анча оғир», деган хат келди. Бу хат Саодатхондан эди.

Шарифжон яна хат ёзди. «Акангизнинг хат ёзишга ҳоллари йўқ», деган мазмунда мужмалроқ жавоб олди. Бу хатларнинг тасалли учун ёзилганини пайқайди. Дарҳа-

Назир САФАРОВ,

Ҳамаза муқофотининг лауреати

ЖИГАРБАШДЛАР

Айни киш чоғи, киш бўлганда ҳам — қаҳратон киш. Маннергейм линияси деб аталган метин истеҳкомни олиш учун жанг Сорарди. Қалин ўрмонзор. Кўп қаторли сим, ҳарсанг тош тўсиқлари, дотлар. Хужумга тик кўтарилиб боришнинг имкони йўқ, беҳудуда қурбон берилади, холос. Душманни ғафлатда қолдириш учун, қоронғи тушганда ер бағирлаб ҳаракат қилишар эди. Тағларида қалин қор, оқ финлар устиларига ёмғир аралаш муз ёғдирар, жангчиларимиз тарашадек қотар эди. Бошқа илож қолмагач «уруш худоси» ишга солинди, тўлпаримиз ер-кўкни титратиб назра тортиди, лочинларимиз Маннергейм линиясини тилка-пора қилиб ташлашди. Ана шундай оғир шароитда, дала госпиталида, тепадан ўқ ёғилиб туришига қармай, ушқ урган ва яраланганларга ёрдам кўрсатар эди медиклар.

Шарифжон Саидовнинг сарғузашти узун. У қирқинчи йили Лат-

қиқат, Саодатхон эри Аюбжон ҳақидаги «қора хатни қайнисида» даданингиз эмас, ўз болаларидан ҳам сир тутиб келарди. Узи ёниб, ўзи куярди. Аммо болаларининг ўқисишига чидамай, амакиларидан келган хатларни «Дадаңлардан келяпти», деб юришга мажбур бўлди. Шу-шу Шарифжон «дада» бўлиб қолди.

Шарифжон акиси ҳақида шундай ноаниқ хабар олгандан сўнг, синаш учун унинг номига аттестат юборди. Маошининг бир қисмини синглисига, бир қисмини акиси Аюбжонга ёздирди. Лекин кўп ўтмай, ҳарбий комиссарликдан: «Аттестатини акангиз номига эмас, истасангиз, унинг рефқисати Саодатхон номига юборинг», деган хат олди.

— Демак акам!.. — дея олди энтимики Шарифжон. Қўшалоқ алам ёши узилиб кўксига тушди!.. — Болалари ёш эди. Бечора янгам!.. — Уларни ўйлар экан, қайғусига қайғу қўшилар, қутилмаган

бу жудодлик юрак-бағрини заар эди. Бир вақтлар ота-онадан ёш қолган, ҳали ўн беш ёшга тўлмаган, бошига рўзгор қийинчиликлари тушган, ўқиб, ишлаб, ота бўлган акиси Аюбжон унинг кўз олдидан сира нари кетмасди.

Фашист галаларига қарши жанг қилиб мардларча ҳалок бўлган акасининг ёрқин сиймоси унинг кўз олдига мағрур, ғолиб солдат ҳайкалидек бўлиб турарди. «Менин қўлимдан келадиган ёрдам — ҳозирча болалар ҳолидан хабардор бўлиш, оталари йўқлигини билдирмай, меҳрибонлик кўрсатиш», деб, Шарифжон ўша куннинг ўзидаёқ аттестатни Саодатхон номига расмийлаштирди.

Тўплар бонги тинди. Миллион-миллион солдатлар шинелларини ечиб, қўролларини топширдилар, тинч турмуш, эзгу тилани мақсад қилиб меҳнатга киришиб кетдилар. Медицина хизмати майори Шарифжон Саидов вақтинча Польшада қолган эди. Тошкентда отаси яшаётган ёш-ёш жияларнинг ташвиши унга тинчлик бермас, болалар ҳам зорикиб оталарини кутаётганларини билар, хат олиб, турли хабарлар эшитиб турар эди. Шу вазият сабаб бўлди-ю, Шарифжон хизмат жойини Тошкентга кўчиришни илтимос қилиб ариза берди. Аризаси инobatга ўтиб, Тошкентга қайтишининг боиси шу бўлган эди.

* * *

Шарифжон Саидов акасининг етим қолган жажжи қизчаларига ҳақиқий меҳрибон ота бўла олди. Дадаси фронтга жўнаган вақтда беш ёшда бўлган Зебо Шарифжон билан Саодатхон тарбиясида Тошкент медицина институтини битирди, ҳозир Навоий шаҳридаги кимё комбинатида врач. Зебонинг турмуш ўртоғи ҳам шу комбинатда — бosh врач...

Отадан уч ёшда қолган Дилбар Аюбжон Омонов ўқитувчилик қилган Тошкент Давлат педагогика институтининг чет тиллар факультетини битириб, инглиз тилидан дарс бермоқда.

Отаси фронтга жўнаганда ўн уч кунлик чақалоқ қолган Нодира ҳам Дилбар онаси битирган институтни тугаллаб, рус тилидан ўқитувчилик қила бошлади.

Шарифжон билан Саодатхон болалар ҳақиқ-хурмати турмуш қўрганларидан сўнг яна уч фарзанд кўрдилар. Пўлатжон Тошкент политехника институтининг учинчи курсида, Темур Тошкент Давлат университетининг шарқшунослик факультетида, Моҳира эса савқизинчи синфда ўқишмоқдалар.

Саодатхон Бўриева Тошкент шаҳар ижроия комитетида хизмат қилади. Запасдаги майор, ҳарбий врач Шарифжон Саидов эса ҳақмон шифокор. Аҳил оиланинг отаси, мураббийси бўлишдек олижаноб бурч билан бахтиёр.

ШЕЪРИЯТИМИЗНИНГ БОБО ДЕҲҚОНИ

Озод ШАРАФИДИНОВ,
Беруний мунофотининг даурети

Миртемирнинг олтинчи йиллик тўйи баҳор фаслига, табиат уйғониб, ҳар томонда жонланиш, яшарлиш ҳукми сураётган кунларга тўри келди. Бироқ бу кунларнинг фойзи фақат чараклаган кўвчино кўзни қамаштириб товланган гуллариди, дилга роҳат берувчи мусавффо ҳавосио қалбларни эркаловчи сарин шабдасиди эмас. Бу йилнинг баҳори коммунизм қурилишини янги босқичга кўтарувчи тўққизинчи беш йилликнинг биринчи баҳоридир. Бу йилги баҳор партиянинг XXIV съездининг ҳаётбахш ғояларидан, съезд президиумининг тўрида ўтирган буюк Ленин жилмайшидан мунаввар бўлган баҳор.

«Лениннинг жилмайши»—Миртемир китобларидан бирини шундай деб атаган. Китоб буюк дохийнинг 100 йиллик тўйига тўғона эди. Бироқ уни арақласангиз шоир ижодининг илк даврига мансуб шеърларини ҳам, сўнги йилларда ёзилган поэтик асарларини ҳам учратасиз. Миртемир ҳаммаша янги ҳаётимизни, янги кунимизни, янги рўзгоримизни, янги бахтимизни кўйлар экан, уларнинг барчасини нурлантириб турган қудратли куч—Ленин даҳиси, Ленин табассуми деб билди. Шунинг учун ҳам доимо шеърларнинг авжиди Ленинни, Ленин яратган коммунистлар партиясини улуғлади.

Деҳқон кўз нуруни, белдаги қувватини аямай, қишин-ёзин тер тўкиб, меҳнат қилиб, жонсиз ерга жон ато қилади, ундан тоғ-тоғ ҳосил кўтаради. Шоир ҳам шундай. У қалбиди оловни, жүшқин илхомини, оташин муҳаббатини халқига бағишлаб, сўз уруғларини сепиб, улардан шеърят жавоҳирларини ундиради. Бу жавоҳирлар ҳам деҳқон нонидек азиз, чунки улар тўфайли маънавий бойлигимизга бойлик қўшилади.

Мен Миртемирнинг ўзбек шеърятининг бобо деҳқони деб атагим келади. Унинг шеърятимиз ривожига қўшган ҳиссасини, поэзиямиз боғида кўқартирган ниҳолларини, етиштирган катта ҳосилни назарда тутиб, уни шундай деб атадим. Миртемир қирқ беш йилдан бери шеърят боғида деҳқондек машаққат чекиб, деҳқондек ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. Унинг биринчи шеъри 1926 йилда «Еш ленинчи» газетасида босилган эди. «Шуълалар кўйиндан деб аталган биринчи китоби 1928 йилда босмадан чиққан эди. Шундан бери у тинмай ўқиди, ўрганди, изланди, меҳнат қилди. Шу тўфайли шеърят тилсимотлари бирин-кетин унинг иродасига бўйин зағверди ва у ижод йўлида доволар ошиб, юксаларди. Шундан бери Миртемирнинг кўплас поэтик тўпламлари майдонга келди. Улар тўфайли Миртемир халқимизнинг ардоқли, севимли шоири даражасига кўтарилди. Бугунги ўзбек шеърятини Миртемир ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бугун унинг китобларини зиёлилар ҳам, деҳқонлар ҳам, ишчилар ҳам эъзозлаб, қўлдан қўймай ўқийди.

Халқ назарига тушиш, халқ муҳаббатига сазовор бўлиш учун кўп йиллар меҳнат қилиш, кўплас китоблар чиқаришга кифоя қилмайди. Шоир юксак истеъдод эгаси бўлиши мумкин. Бироқ у истеъдодини майда-чуйда, ўткинчи, бачкана нарсаларга сарф этса, унинг ижоди одамлар қалбиди чуқур из қолдиришмайди. Шоир халқ қалбининг тар-

жimoni. У халқ учун, халқ ҳаётини, халқнинг шодлиги, қувончи, ўйлари ва дардларини куйлагандигина элу юртада ардоқли бўлади.

Миртемир бошқа ўзбек шоирлари билан бир сафда туриб, халқимизнинг социализм учун курашини, Ватанимиз озодлиги учун мардондор жангини, коммунизм қурилишидаги фидокорлигини куйлади. Миртемир ҳам ҳамма ёзувчиларимиз каби ҳаммаша партиявийлик ва ғоявийлик байроғини баланд тутди, граждонлик туйғусига содиқ бўлди. Бироқ у бошқа шоирлардан фарқ қилароқ, халқ ҳаётини, халқ курашини, меҳнатини, халқнинг маънавий дунёсини ўзига хос кўз билан кўрди, ўзига хос рангларда, ўзига хос туйғуларда ифодалади. Шу сабабдан у шеърятда «Миртемирнинг поэтик олами» деб атаса арзийдиган бир олам яратди. Бу оламининг чегаралари бағоят кенг—у уфқлардан уфқларга чўзилади. Бу олам қурилиш суронига тўла. Айни чоқда у маъхум олам эмас. Унда ўткир шоирона нигоҳ билан кўрилган ўзбек ҳаётининг ҳамма ўзига хос жиполари, мислсиз ранглар бор. Шоир шеърларида тандирдан янги узилган пивъли нонинг қовури, тошлардан-тошларга урилиб оқувчи сойларнинг шовуллаши, қандиргочлар қанотининг латифлиги, соқлоқларнинг салқин нафаси, чўлларда подё-подё кезган тувалоқлар ўйини, явшанларнинг ўткир хинди, майсаларга кўнган шудринлар мусавффолиги, кўйингчи, ўзбек ҳаётининг, ўзбек табиатининг ҳамма ранглари мавжуд. Мана шундай рангларга бой поэтик дунё китобхоннинг маънавий оламини бойтади, унинг қалбиди ҳаёт ичкини янада оловлантиради.

Китобхон Миртемирдан, даставвал, ана шу такрорланмас поэтик олам учун миннатдор. Умуман, Миртемир шеърятининг ажойиб сифатларидан бири шундаки, шоир ҳаёт гўзаллигини гоят чуқур ҳис қилган ва буни шеърларига яхши сингдирган.

Қўлимда танбуриим куйлаган чоқда,
Олам яшнаб кетсин ва гуллаб ўссин,—

деб куйлаган эди шоир илк шеърларидан бириси. У оламини янада гўзал кўришни, дунёни гулларга бурқашди истади ва бу истагини шеърлари орқали рўёбга чиқармоқчи бўлади. Миртемир шеърларини ўқи-анда, ҳар гал улардаги ҳаёт гўзаллигини туйиб, ҳузур қилсан киши. Бу шеърлар калбимизда гўзаллик туйғусини чуқурлаштиради.

Миртемир учун гўзаллик туйғуси маъхум туйғу эмас. У оламини гулларга бурқамоқ истар экан, буни биринчи навбатда инсон учун қилишни истади. Шоир наздида оламининг барча қувончи, барча шодлиги инсонга аталган бўлиши керак, чунки «дунёнинг қўрқи инсон-да, инсон!» Миртемир ижодининг бошланишидаёқ ана шу гуманистик позициясида турган эди. У янги ҳаёт ҳақида куйлаган шеърларидан бирида, китобхонни, тўғрироғи, лирик қаҳрамонини фаол бўлишга, шу ҳаётнинг ижодкори бўлишга ундайди ва «Сен ҳам инсон, сен ҳам инсон, сен—инсон!», деб ҳаққиради. Бу ҳаққирғи унинг ижодининг лейтмотивиридир. Шоир инсонни ҳаммаша олға интиллаётган, юксакка талпинаётган, юлдузларга қўл чўзаётган ҳолда кўришни истади:

Юлдузни ўшандоқ севолса киши,
Ўшандоқ юлдузга талпин, ҳей ўғлон!
Агар талпинмасанг, бу—ўша жаҳон—
Араванинг эски тиркиши...

Миртемир кўпгина шеърларида ўзи улуғлаган инсоннинг ички дунёсини, қалбининг энг нозик тебранишларини, бой ҳислари ва туйғуларини ифодалайди. Бу шеърлар замондошларимиз ҳақидаги поэтик асарлардир. Уларда замондошларимиз баъзи плакатлардаги каби ранглар, силлиқ, пардозланган қиёфада эмас, табиий, одамларга хос жонли сифатлари билан намоён бўлади. Уларнинг севгиси севига, қувончи қувончга, қайғуси қайғуга ўхшайди, шунинг учун ҳам бу туйғуларга ўқувчи қалбига кўчиб, унда қаҳрамонга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотади. Замондошнинг қиёфасини, маънавий дунёсини чизади ҳаётлилик, табиийлик Миртемир шеърятининг яна бир фазилатидир. Бу табиийлик шоирнинг замондошимизга бўлган чекисиз муҳаббатидан, эҳтиромидан, ҳурматидан тунглан.

Миртемир шеърлари бадий жиҳатдан гоят гўзал. Унинг меҳнат-

ҚУТЛАЙМАН!

Халқимизнинг атоқли шоирларидан бири Миртемир оловли йигирманчи йиллар охирида ўзининг жанговар манзуларда ёзилган жүшқин шеър ва поэмалари билан адабиётимизга кириб келди. Унинг илк шеърларидаёқ янги замон, совет ватанпарварлиги, социалистик қурилишимизнинг марди майдонлари ёниқ қалб билан тараннум этилди.

Миртемир ёшлигидан халқимизнинг бой оғзаки ижоди ва классик адабиётига меҳр қўйди, ундан битмас-туганмас илҳом олди, рус ва жаҳон адабиётини кунт билан ўрганди. Булукан шoirга, айниқса, Маяковский ижоди самарали таъсир кўрсатди. Инқилобнинг оташин куйчиси Маяковский ижодидан илҳомланган Миртемир кейинги пайларда «Ленин ва Ражаб бобо» поэмасини яратди. Бу поэма ўзбек совет адабиётини доҳий Ленинга бағишланган ёрқин асарлардан биридир.

Миртемирнинг таржима соҳасидаги хизматлари ҳам улкан. «Йўлбарс терисини ёпинган пахлавон», «Россияда ким яхши яшайди!», «Манас» каби шоҳ асарлар атоқли шоир таржимасида ўзбек китобхонининг мулкига айланиб қолди.

Шеърятда камолот чўққисини эгаллаган Миртемирни халқимиз дилбар қўшиқлари учун ҳам эъзозлайди. Унинг жозибдор қўшиқлари янграмаган ўзбек хонадонни йўқ.

Қирқ йиллик баракали ижоди билан олтинчи ёшини нишонлаётган дўстим Миртемирни самимий қутлайман, ҳаммаша сиҳат-саломатлик, янги ижодий зафарлар тилайман.

ҒАЙРАТИЙ



Шоир колхозчи отахонлар билан.

қашлиги шеърларининг сайқалида жуда аниқ кўринади. У ҳар бир мисранинг пишиқ-пухта бўлишига, ҳар бир шеърда такрорланмас поэтик образлар, янги деталлар бўлишига ҳаракат қилади. Бу изланишида у, даставвал, халқ ижодининг бой ва гўзал аъналарига таянади. Халқ яратган шеърларнинг ажиб фазилати бор. Уларда соддалик ва теранлик, образлилик ва табиийлик шу даража чапишиб кетганки, уларни эшитганда ёки ўқиганда, беихтиёр ларзага тушиб, улардаги хисга асир бўлиб қоламиз. Ана шулар биллашиб, халқ шеърларининг такрорланмас руҳини, жонини ташкил қилади. Миртемир халқ ижодидан ўрганишда шундай маҳоратга эришганки, бунга лол қолмай илож йўқ: у халқ кўшиқларига хос бўлган руҳни ўз шеърларига кўчира олган. Натижанда, унинг шеърлари янгича жозиба касб этади:

Қарқаралик, қандай келдинг қошимга,
Қайдаги савдони солдинг бошимга?
Қайдаги савдони солсанг бошимга?
Қота кўрма қатрон менинг ошимга!

Йўқ, бу халқ кўшиғи эмас, Миртемирнинг «Қарқаралик» шеърдан оллинган банд. Халқ ижодидан ўрганиш қанчалик самара берганини кўриш учун шеърни ўқиб чиқишни тавсия қилардим.

Табиийлиги, жўшқинлиги, инсон қалбини ғоят нозик ифодалагани учун Миртемирнинг кўпгина шеърлари аллақачон халқимизнинг севимли кўшиқларига айланиб кетган. Ҳатто «Яли-ялига ўхшаш шеърларни халқ кўшиқларидан фарқлаш баъзан мушкул.

Китобхон Миртемирдан ана шундай бадий баркамол, юракни жижиллатадиган кўшиқлар учун ҳам миннатдор.

Шоир эса ҳамон тинмай китобхонни ўйлайди, уни ранжитмасликка ҳаракат қилади. У бутун ижодини, зеҳнини, ғазалхонлигини халқга бағишлаган. Бун «Онагинам» шеърда жуда камтарлик билан самимий айтган эди:


Жиндак зеҳним, жиндак шеърим,
Жиндак ғазалхонлигим,
Оналик меҳрига тўймаган меҳрим,
Жиндак яхшилигим ва ёмонлигим —
Мени одам санаган элимга бахшида!

Уни «одам санаган элига» бағишлаган «жиндак шеъри», «жиндак ғазалхонлиги» шоирга камдек, арзимангандек кўринади. Шунинг учун у шеърлари билан бирга халқга қардош халқлар адабиётидан қилган йирик таржималарини ҳам тўхфа этади. Булар чиндан ҳам йирик: «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон», «Манас», «Россияда ким яхши яшайди?», «Одиссея». Ҳа, Миртемир улкан шоиргина эмас, чинакам камтар ва захматкаш шоир.

Миртемир олтимишга кирди, тантанавор услубда айтсак, олтимиш баҳорни кўрди. Шундай дейишга дедиму, бир оз ўйлаиб қолдим. Бу иборани ўн саккизга кирганларга нисбатан айтиш ўринлидай кўринди менга. Негаки, олтимишга кирган одам олтимиш баҳордан ташқари яна шунча ёни, кузни, қишни ҳам кўрган бўлади. Икки юз қирқ фаслнинг юки анча оғир бўлади. Шу юк тўфайли сочларга қиров инеги, пешанада чўқур-чўқур ажинлар пайдо бўлади, елкалар букчаёди, аввалги яқин йўллар олис туюладиган бўлиб қолади, майни чойга томизиб ичиладиган бўлади. Бироқ шундай бўлса ҳам 60 ёш кексалик эмас, ёшлик. Ҳа, ёшлик! Балоғат даврининг ёшлиги. Бунинг устига шеърятга ошно қалб, шеърятга тўла қалб ҳеч қачон қарши ималигини билмайди. Чунки шеърят — ёшлик, жўшқинлик, муҳаббат тимсолидир.

Ҳали юзга йўл олисроқ,
Андан ошдим элдиндан...
Куйлай бергум куйлар юрти —
Юртим мақтовларини! —

деган эди шоир ўн йил аввал, Шу ният доимо шоиримизга йўлдош бўлсин. Унинг ҳамиша навқирон шеърятига янги парвозлар тилаймиш.



МИРТЕМИР

КОММУНИСТМАН

Қалбимда дунёнинг дунё қайғуси...
Елкамда оламнинг олам ташвиши,
Хаёлимда — бугун, эрта, келгуси...
Нечун! Ахир мен ҳам ўша жўн киши.
Ўша жўн меҳнатчи, ўша ватандош,
Менинг ҳам бор-йўгим шу юрт, шу замон,
Мен ҳам жафодийда, чайир, тоғбардош,
Менинг ҳам еганим ўша ҳалол нон;
Менинг ҳам игганим шу дарё суви,
Умрим оддийлардан тагин оддийроқ,
Ўша қари тарих менга ҳам буви,
Жиндек ортқи ҳад йўқ менда ҳам... Бироқ —
Коммунистман-да...

Пўлат қуовчим, йўқса бўёқчи,
Чилангарми ва ё заршунос боғбон,
Кимёгарми, новвой, аскар, ўроқчи,
Ёки муҳандисми ёки чароғбон,
Сехргар пиллакаш ёки чиннисоз,
Донгидан дунё лол пахтакор ёки,
Ё ўктам улоқчи, ё қўрқмас дорбоз,
Машинасоз, юкчи, дучки ҳаттоки,—
Ким ва қайда бўлмай, қайларда юрмай,

Қалбимда шу Ватан, шу эл қайғуси.
Кўзим очиқ ахир, мен қандоқ кўрмай!
Кўз олдимда — бугун, эрта, келгуси...
Коммунистман-да.

...Қўлу оёғимга солдилар жанжир,
Неча гал овлоққа сурдилар мени,
Номардлик ва зўрлик, найранг, қалби кир,
Тошбўрон қилдилар, урдилар мени.
Кўшоғиздан талай отдилар, ёху,
Олис Шарқда кўйдим ўтхоналарда...
Ёвгон ошимга ҳам қатдилар оғу,
Юз ўлдими Сурхонда, Фарғоналарда.
Лекин юз унашлар, дағдаға ва дўқ,
Ранжлар ва озорлар ўлдиролмади.
Қийноқлар, тепкилар, обдор қилч, ўқ,
Зиндонлар ва дорлар ўлдиролмади...
Коммунистман-да.

Бир дунё яратдик — янги, бемисол.
Менинг елкамдайдими не оғир тошлар.
Кун сайин армонлар барҳақ, бэрнамол.
Йўлда қолиб кетди не азиз бошлар.

Бошимизга тушди фалокат тагин,
Тўрт йил ёндик, кўйдик, тутилдик ўққа.
Буқолмади ғаддор ҳалокат тагин,
Фашист чиқармоқчи бўлганди йўққа...
Шодиёна чалдик майдонда ахир.
Тагин доврўқ солдик бутун дунёга...
Ўша ҳижронлардан дил фақат тахир,
Ҳарқалай, сал вақтда учдим фазога,
Коммунистман-да.

Дунёда тоғ қадар сизинчоғим бор,
У бор жойда қолмас сира вайронлик.
У бор экан — эрк бор, инсон улғувор,
Унинг партбилети биринчи сонлик.
У чексиз Ватанда ардоқли, суякчи,
Биринчи коммунист, етук етакчи,
Жами буюқлардан ўша энг буюқ,
Тазрифлолмас ҳатто Жуман эртақчи.
Йўли енгилмасу ёркин ва донгли,
У ёруғли бўлса, мен шуъласман.
Эй, элга элдош дил, элдек қувонгли,
У бир дарё бўлса, мен заррасман,
Коммунистман-да.

1971 йил, февраль.



ПОЭЗИЯСИ

Эжен ПОТЬЕ

Эжен Потье (1816—1887) — партия-миз гимни «Интернационал»нинг автори. Унинг ижоди 1848 йил революцияси йиллари халққа танилди. Париж коммунаси даврида эса у революцион халқ оmmasининг сеvimли куйчиси бўлиб танилди. У коммуна гоЯларининг оташин таргиботчиси. «Париж коммунаси», «Америка ишчилари — Франция ишчиларига», «Ишчилар партияси» поэмаларида Эжен Потье пролетариатнинг тарихий ролига марксча баҳо беради.

Париж эълон қилди Коммуна баҳоринг,
Ғалаба! Башарнинг янғроқ садоси.
Туманли узлатга кетди Империя,
Мусасфоқ уфқда кўклам сабоси.
Ҳаёт истиқболга интилар эркин,
Қалбларин уйғотди муқаддас Тенглик.
Коммуна тугилди — соғлом ва содда:
Орзуларга қанот, хаёлга — кенглик!
«Биров ҳамма учун, ҳамма биров учун» —
Порлоқ жамиятнинг ақдосаси шу.
«Хусусий» деган сўз тарихдан ўчар,
Меҳнат бунда бўлар ҳукмрон мангу.

Парча

Сен тугилдинг. Энди йўқдир
Зулму зимистон.
Сенга берди ишчи қалбин,
Сен билан Иксон.
Биз меҳнатга, жангга шаймиз,
Сафимиз маҳкам.
Меҳнатнаш эл аямайди
Ҳатто жонин ҳам.
Коммунаизм навқирордир.
Юлдуздай пок.
Уни ҳеч ким, асрлар ҳам
Этмас ҳалок!



Виктор ГЮГО

Революция устидан суд



Революцияни судга қақрибсиз
Қарга-қузғунлари кувгани учун;
Омонсиз, шиддатли суруни билан
Художўйнинг бузди, деб, тушин.
У зулматга, черков зулмига
Тик қараб, узлатга сургани учун,
Ғазабдасиз! Ғазабланаверинг,
Илоҳ ва салтанат йўқоти кучин.
Эжен Потье рақоғи қочди гулудан
Папа ёнидаги масхарабозлар.

Сиз шундан хафасиз, суд ҳайъатида
«Эсиз ғафлат», деган ғамгин овозлар,
Ҳа, зулмат базмлари йўқолди мангу,
Жон бермоқда кўхна дунёнгиз.
Қаранг, кўёш кўтарилмоқда,
Чекиммоқда қора рўёнгиз.
Аммо кўёш қайтмас орқага,
Зулмат йўлини кесади у, бас.
Шўъласидан нурар салтанатингиз,
Тонг нурини суд қилиб бўлмас!

Виктор Гюго (1802—1885) ижодида Париж коммунаси жуда ёрқин акс этган. Империя кувғинига учраган буюк адиб асарларидаги пацифизм Коммуна даврида бутунлай йўқолди. У француз революцияси қахрамонларини куйлади, ўзи ҳам курашчилар сафига кўшилиб, монархияни фош этди. «Ильич Гюгонинг 1848 йил революцияси ҳақидаги шеърларини сеvimиб ўқирди», дейди Н. К. Крупская.

Артюр РЕМБО

Темирчи

Артюр Рембо (1854—1891) — Париж коммунасининг оташин куйчиси. Ижодининг илк даврида буржуа жамиятининг ахлоқсизлиги ва тубанликларини фош этадиган шеърлар ёзди. Коммуна арафасида ишчи синфи гоЯларини куйлай бошлади. Унинг шеърларида баррикада садолари янграйди, қақмоқ шуъласида найзалар ялтирайди, Жан-Мари — республика рамзи Марианна мадҳ этилади.

Куййда унинг ишчи синфига аталган машҳур «Темирчи» асаридан парча ўқийсиз.

Болғасига мағрур суяган,
Даҳшат солиб турар эски дунёга.
Бугун унинг янғроқ кулгиси
Париж узра учар самога.
У ғазабнок кўзлари билан
Семиз Людовикка солади разм.
Кўчаларда эса, жупдур оломон,
Халқ оқади, гўё дарёи азим.
Қирол чехрасида қон йўқ, доқадек,
Муддиш интиқомни сезмоқда Қирол.
Аммо индай олмас, безабон итдек,
Ҳақиқат олдида ноилож ва лол.
Ҳақиқат мана шу, Қирол олдида
Кенг яғринли оддий темирчи.
У сўзларин ўйлаб топган эмас,
Мана, уни тинглаб кўринг-чи:

— Мен энди биламан — болға нима экан,
Мен энди биламан кучимни!
Ё бу болға менга ҳар бир текинхўр:
«Ишла!» деб буюрсини учунми!
Қирол, менга сенинг дабдабанг,
Бойлагинг, малайинг, тожинг керакмас.
Мен инсонман, менга қадр керак,
Менга инсон қадри муқаддас!
Халқ пода эмас, кўчага чиқди
Боласини кўксига сосиб,
Узинг ўйла — бирон дақиқа
Сен бўлдингми халққа муносиб!
Йўқ! Мен шунинг учун чиқдим майдонга,
Болғамни гурздай силтаб турман.
Сенга ўхшаш эски дунёнинг
Эски ахлатларин улқитирман!



Поль ВАЙЯН-КУТЮРЬЕ

Гул келтирдик



Версаль чекиммоқда. О, даҳшат!
Париж Коммунаси яқсон этилди.
Аммо бекор кетмас ўттиз минг қурбон;
Олижаноб, лекин низомсиз ҳўшин,
Асрлар чарақлар шонли ғалабанг.
Коммуна тан олмас мағлубиятни,
Давом эттиради жангин Коммуна.
Ана, афсонавий крейсер Аврора
Нева томон бурар замбарагини,
Кўши сарой узра залп янгради,
Питербург қизиллар қўлида!
Бу ерда қахрамон рус ишчилари
Коммуна байрогин қайта тиклашди.
Ушларнинг гурс-гурс қадам зарби-ла
Тарих дафн этади эски дунёни.
Қизил байроқ ҳилпирайди
Кемалар узра! Ленин!

Қизил байроқ ёвни қувар
Шимол, жанубда Ленин!
Кўк гумбази байроқ каби
Мўрилар узра! Ленин!
Беш йилликлар қўшгини
Янгратар байроқ! Ленин!
Бизнинг шонли Коммунанинг
Пер-Ляшезда ётган мардлари!
Биз сизларга гул келтирдик
Янги Коммуна гули, —
Сталинград трактори,
Москва самолётлари,
Магнитогорск пўлатию
Колхоз бугдойларини!
Сизга гул қилиб келтирдик
Ғалабамиз қуролни!

Поль Вайян-Кутюрье (1892-1937) коммунист шоир, Совет Иттифоқининг содиқ дўсти. «Қизил Москвада бир ой», «Янги ҳаёт курувчилар» каби китоблари мамлакатимиз буйлаб қилган сафаридан сўнг ёзилган. У Ўзбекистонга ҳам келиб, саёхатномаларида республикамиз ҳақида самимий фикрлар билдирган. Вайян-Кутюренинг бош темаси — фашизмга қарши кураш ва Европа ишчи синфининг революцион ҳаракатларидир. У ўз асарларида Париж коммунаси гоЯларини амалга оширган Улуг Октябрь ҳақида завқ билан куйлайди.



ОЗОД ЧЕХРАЛАР

ЯНГИ ШЕЪРАЛАР

ГУЛДАСТА

Расом Василий Нецаевнинг «Ташвишли тонг» асари ҳам томошабинни бўронли йигирманчи йиллар муҳитига олиб киради. Жангчи аёлининг хавотир акс этган қиёфаси, ўша даврга хос деталлар — қизил аскар кийим-кечаги, оғиқлик турган қилич, милтиқ тасаввуримизни ёрқинлаштиради.

Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедовнинг «Мутолаа» асарида навқирон замондошимиз — бахтиёр ўзбек қизининг табиат гўзаллигидан, ажиб бир сукунатдан мамнун ҳолати, давримизнинг мусоффо руҳи ифодасини топган бўлса, Ўзбекистонда хизмат иштиёқи барқ урган кишлоқ кишиларининг образлари яратилган. Рассом Лайло Шарифжоновани «Тинчлик барқарор бўлсин!» асарида эса, бутун инсониятнинг азалий мудоааси — тинчлик мавзуси ўзига хос тарзда акс эттирилган.

Ўзбекистон халқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаев ижодида хотин-қизлар мавзуси алоҳида ўрин тутди. Унинг диққатингизга ҳавола қилинаётган «Був ва невера» картинаси ҳам инсон психологиясининг теран ифодаланганлиги, миллий турмушимизнинг ҳаққоний гавдалантирилганлиги билан санъат мухлислари эътиборини қозongan.

«Асл гўзаллик кун сайин совет халқининг турмушига сингиб бориши, меҳнат завқини ошириши ҳаётимизни янада ҳушқандақ эттишга хизмат қилиши лозим». КПСС Марказий Комитетининг Рассомлар II съезидга Мурожатидаги бу сўзларни эслар эканмиз, илҳом билан сидқидилдан ижод заҳматини чекиб, санъатимиз ютуқларини бойлатётган рассомларимиз кўз олдимизга келади.

О. АПУХТИН

Мангу озодликка чиққан Шарқ хотин-қизларининг ҳаёти ва кураши, орзу-ўйлари, улар ярим асрдан зиёроқ давр мобайнида босиб ўтган машаққатли ва шонли йўл ўзбек совет санъатида ўзининг ҳаққоний ифодасини топиб келмоқда.

...Бир даста китоб кўтариб олган, нозиккина, сарвкомат муаллима ўза ўқувчилари: китобини бағрига маҳкам босган бола ҳамда гулдор дўпдли қизча билан синф хонасида турибди. Суратга назар ташлар экансиз, ўқувчининг бир оз маънос ҳаёло кўзлари, қизалоқнинг ташвишли нигоҳи диққатни тортади. Рассом Лайло Салимжонованинг дастлабки ўзбек муаллималаридан қашқадарлик Жамила Жумаева образи яратилган бу картинасида муаллиманинг фожиали тақдирини ўқиб олиш қийин эмас. Маърифат фидойиси Жамила ёш республикамизнинг узоқ кишлоқларидан бирида жаҳолат ва нодонликка, қолоқ тушунчаларга қарши курашиб, қаҳрамонона ҳалок бўлди. Бу жасур қизнинг ҳаёти меҳнат-кеш халққа беминнат хизмат қилишининг порлоқ тинсолодир.

«Биринчи муаллима Жамила Жумаева» — чуқур психологик асар. Суратда Жамиланин ўлдирилиш пайти тасвирланмаган бўлса-да, фожиа юз берган даҳшатли вазият муаллима ва унинг кичик дўстларининг нотинч руҳий ҳолатини гавдалантириш орқали намойн этилган.

Саломатлик —

туман бойлик

Гоҳо таниш-билишлар учрашиб қолганлариди: «Ўзлинг худди ўзингга ўхшабди», «Фалончининг қизи кунби қўйгандай онасининг ўзи», дея ажабланишди. Бундай гапларда жон бор, албатта. Утган асрда яшаган чех олими Г. Мендель, насл қонунига асосан кучли бўлган ота ёки она вужудидаги кўпгина белгилар болаларга ўтади, дейди. Аксинча заиф тананинг ирсий белгилари болалар вужудида махфий сақланади. Авлоддан авлодга ўтадиган бундай насл белгилари соғлом ёки носоғлом бўлиши мумкин.

Яқинда қизлик бир ҳодисанинг гувоҳи бўлдик. Тоҳир деган қап-қатта бола қизил рангини яшил рангдан ажрата олмади. Ота-оналарини текшириб кўрганимизда иккозалари ҳам қизилин яшилдан бемалол ажратишди. Суриштирганимизда Тоҳирнинг ота томондан бобосида шундай камчилик бор экан. Демак, ранг сезмаслик Тоҳирга бобосидан дадаси орқали махфий ўтган. Бу, албатта, ҳаётда из қолдирмайдиган, сезилмайдиган туғма насл касаллиғидир. Лекин шундайлари ҳам бўладик, кишини умрбод руҳий, ҳатто жисмоний азобда қолдиради. Бундай насл касалликлари, кўпроқ, қариндошлар қиз бериб-қиз олганлариди танада яшириниб ётма юзага чиқиб қолади.

Яқинда касалхонамизга С. деган тўққиз яшар болани олиб келишди. Унинг оёқ-қўллари: «эгни, чиллақдай. Юрганида гавдасини тутма олмайд гандирақлаб кетади. Уйда беҳолликдан кўп ётар экан. Суриштирганимизда боланинг ота-онаси яқин қа-

БУ ОДАТДАН ВОЗ КЕЧАЙЛИК

риндош, холавачча эканлиги маълум бўлди. Боланинг касаллиги миопатия — оғир насл касаллиги эди. Оиладаги яна олти фарзанднинг иккитаси ҳам миопатия билан хасталангани аниқланди. Бу касаллик уларнинг тоғасида ҳам бор экан.

«Хўжа» уруғига мансуб ўртоқлар мени кечирришин-у, лекин илгари вақтда уларнинг хурофот билан заҳарланган аждодлари «фуқарога қиз бермаймиз!», деб бошқа уруғлар билан қуда-андачиликни ўзларига раво кўрмаганлар. Бир-бирларига қиз бериб ўтаверганлар. Натижада бу уруғ ичиди ҳар хил асабий, жисмоний насл касалликлари авж олган.

Ҳозирги вақтда ҳам баъзи қарияларимиз: «Биз қариб қолдик. Қариндошлик ипи узилмасин», деб акани укага, опани сингилга қуда қилишга уринадилар. Баъзан эса меҳрибон она: «Қанақаси келаркан, ҳарна жигаримнинг қиз», дейди-да, акасинингми ёки опанининг қизини келин қилади. Афсуски орзу-ҳавас билан қовуштирилган бундай оналар ҳаммиша ҳам бахтли бўлавермайдилар.

Қариндош-уруғларнинг ўзаро чатишавериши қонни бузади — насл касалликлари-нинг кўпайишга сабаб бўлади. Бунинг олдини олиш, кейин маломатта қолмаслик учун азиз ота-оналар, келинг, бу одатдан воз кечайлик.

Шомурод ШОМАНСУРОВ,

Тошкент Давлат врачлар малакасини ошириш институтини болалар асаб касаллиги кафедрасининг доценти

Қанча шахрлардан ўтиб келди у, Йўли қангир қолди сокин қишлоқлар. Салқин саҳарлардан ўтиб келди у, Қолди қайғу-шодлик аралаш чоғлар.

Аскарни кўрганда сойлар ҳам тошди, Бедазорда сайроқ беданалар ҳам, Сўфитўрғайлар ҳам пир-пир қанот очди, Салом берди унга бегоналар ҳам.

Она кишлоғига кирди у ўғлон [Ҳамон кўзларига урушдан чақмоқ, Жиндай бўй чўзибди. Эғнида чакмон]. Мармар шоҳсулуда турибди шу чоқ.

Ана, келратиб бир аёл елдек... Этиклари қўчди, йилгади хўнграб. Кўзига ишонмай қотиб қолди тек. Гуллар қўйд унинг пойига сўнгра.

Шамол урилади, гуллар қалдироқ, Гуллар янгиладан йилга муносиб. Йўлга тушмоқ бўлар у йигит, бироқ, — Мармар гулдастани ўтолмас босиб.

ОҚШОМ

Ариқда с/в милдиар. Ой оқаради томда. Ойналарда нур синар Тинч, хаёлчан оқшомда.

Қанотлари остига Яшириб жол босин, Кўзи тутини устида Полишак қўш олар тин.

Қўзика боғлаб маҳкам Тўйиб қанча тарғилан — Соғмоқ учур ушбу дам Енгин шижарар келин.

Сўнг ясаниб олар-да, Йўлга қарайди шошиб: Ҳўв, ана... Қўнботарда Келар унинг қўшиб!

* * *

Ҳажримда чекиб алам, Кўз ёшларинг бўлса кўл, Шодлигимдир ўша дам Ундаги нилуфар гул.

Севинч ёшин агарким Оқса дарёдай тўлиб, Чўкмасми қайғуларим Унга гаҳлар тош бўлиб!

ЧУҚҚИДАГИ КИЙИК ҲАЙКАЛИ

Чўққидаги харсанг тошта Бир оғи бойланиб Кийик турар — нақ қўёшга Сакрамоққа шайланиб. Кўзлариди қаққайди тун, Ухлай олмас кийикжон. Елкасини куйдирар кун, Жунжикитради бурон. Кўкка боқса — мовий осмон... Оёғига тош ботар. Ерга боқса — мовий уммон Унда қўркув уйготар.

ҚОШЛАР ҚАНОТИ

Қошмини кўриб нима қиласиз, Жонни акам-эй, ёр-ёр. Қалдироғчининг қанотини Кўрмабмидингиз, ёр-ёр.

Қошлар чимирса ёр агар Шайдо кўнгиларни бузиб, Нозлар шамоли дув тўқар Киприқда ёшларни бузди.

Қошлар қанотига нигор Учса баланд тоғлар сари, Йўлар надир, сочларга қор — Тўшгай! Юрарман сарсарми.

Қорларни мен кечганда, ёр, Йўлимда тошлар қўл бўлар, Излаб сени учганда, ёр, Еллар менга дупдуп бўлар!

Қошлар қанотига, нетай, Ишқим-ла занжир солмадик. Мен бош олиб қайга кетай Гув учса-ке-са омадик, Қошлар чимирса ёр агар...

Ойдин ҲОЖИЕВА

Рангли саҳифаларда. Биринчи бетда: А. Абдуллаев. Биби ва невера. Туртинчи бетда: Л. Шарифжонова чизган «Тинчлик барқарор бўлсин!»

НУРАИ ҲАЛҚАЧАЛАР

Ҳикоя



жилмайиб.— Чиноз қочиб кетгани йўқ. Келиб кетиб юрган жойим.

Автостанцияда одам сийрак эди. Ойвананд залнинг бир чеккасидаги курсида ўтирган чол кўлига ёнбошлаб мудрайди. Урта яшар хотин бола эмизиб ўтирибди. Касса олдида умалашган уч-тўрт қиз хандон отиб кулади. Аҳён-аҳёнда диктор қайси автобус қайси майдондан, қачон жўнашини ҳижжалаб эълон қилади. Чинознинг автобуси жўнашига хийла вақт бор экан. Сиқилиб кетган Фазилат ҳола ташқарига чиқди.

Қиш кунги бир тутам. Дарров қоронғи тушиб қолибди. Станция биносининг пештоқдаги лампочка ёниб турибди. Рўпарадаги акациянинг шохларида кечаги қор жимирлайди. Катта йўлдаги қор эриб кетган, аммо йўл чеккасидаги ариқ қирғоқлари оппоқ. Беш-олти ёшлардаги бир бола этикчаларининг пошнаси билан музни тешмоқчи бўлиб тепкилайди.

Зина олдида тўнкарилган пакирга ўтириб олган мантпаз хотин болага қараб қичқирди:

— Этикни йиртсан, ер ютгур.

— Болани қаргаманг, ўргилай,— деди Фазилат ҳола овози титраб.

— Э, қирилиб кетсин, шуларни деб умримни ҳазон қилдим. Отаси бўлса топганини ичади.

«Яратгандан ҳам ўргилай,— деб ўйлади Фазилат ҳола келиб тўхтаган автобус томон юраркан.— Тилаганларга бермайди болани». У Хуршиднинг фарзандсизлиги учун ичидан ўкинишини, шу боисдан ўғли билан келини ўртасида кўп жанжал чиқишини биларди. Ўғлиниқига кам келишининг бошқа сабаби ҳам бор. Бу уйда у ўзини заргарлик дўконига кириб қолгандай ҳис қилар, у ёққа бурилса ҳам, бу ёққа бурилса ҳам бир нимани синдириб қўяётгандай бўлаверар эди.

Автобус бетон йўлга чиққанидан кейин гизиллаб кетди. Фазилат ҳола олдинги ўриндиқда ўтирар, ташқарини томоша қилиб борар эди. Ҳаво очилиб кетган, кўкда осилиб турган ой совуқдан жуңжиқандек ранги ўчиб, автобусга эргашиб борарди. Далаларни қор босган, аҳён-аҳёнда лип этиб ўтиб қолаётган дарахтлар гулга белангандек оппоқ. Ялангликлар майин ой нурида мудраб, афсонавий туш кўраётгандек суккута чўмган.

Фазилат ҳола бу йўللardan кўп юрган. Одамнинг боши — толенинг тоши экан. Хоҳласа у ёққа отади, хоҳласа бу ёққа. Лекин инсон ҳаммасига чидайди, кўникади.

Эри урушга кетганида Хуршид унинг қўлида қолди. Осмон узоқ, ер қаттиқ. Колхоздан олгани нимага ҳам етсин! Қўшни хотин бир кунги Фазилат ҳолага ўргатади: «Сигирининг думига маҳкам ёпишинг, сўт-қатиқнинг органини шаҳарга олиб бориб сотсангиз, ҳарна совун пули бўлади-ку».

Раис инсофли одам эди. Тўшга қолмасдан далага чиқиб шарти билан руҳсат берди.

Фазилат ҳола эрталаб соат тўрт яридада ўтадиган поездга бир билон сўт, 8 қатиқ олиб чиқарди. Тошкентнинг гавжум кўчаларида сотарди. Кейин илинса поездга чиқиб, бўлмаса ўткинчи аравада уйига қайтарди, кетмонни елкасига ташлаб далага жўнайди. Хуршид юовш экан-да ўшанда ҳам. Хархаша қилмасди. Кунузуз кун танчининг бир четида индамай ётаверарди. Бора-бора Фазилат ҳола мижоз орттирди. Шундан кейин кўча-кўйда югуриб юрмай, сутини мижозларига бериб қайтадиган бўлди.

Ҳеч эсидан чиқмайди, бир кунги Хуршид муз еган экан, аланга-оташ бўлиб ётиб олди. Фазилат ҳола тун бўйи касал билан олишиб

чиқди. Тонгга яқин ухлаб қолибди. Станцияга чиқса поезд ўтиб кетибди. Бормаса мижозлари айнаб кетади. Йўлнинг ярмигача аравада, у ёғига пиёда сарпоячған қор кечиб, тушга яқин мижозиникига етиб борди. Оёқлари акашак бўлиб қотиб қолган, қалишига қор тўлган эди. Шу-шу бод орттириб, узоқ вақт кўрпача-тўшак қилиб ётиб қолди. Қўшнилари уни қаттиқ қойишди.

— Нима, болангиз сизга мармартош қўярмиди? Жонингиз ўзингизга керакмасми!

Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ. Рўшнолик кунлар ҳам келди. Уруш тўхтади. Яримжон бўлса ҳам эри қайтди. Хуршид мактабга қатнай бошлади. Орада мана шу Мавлуда туғилди. Аммо Фазилат ҳоланинг қувончи узоққа бормади: тўсатдан эри ўлиб қолди. Энди унинг ёлғиз умиди ўғлидан эди. Хуршид мактабни яхши битирди. Институтга ўқишга кирди.

Фазилат ҳоланинг орзулари катта эди. Хуршид тезроқ ўқишини битириб қайтса, уни қишлоқнинг энг сулув қизига уйлантирсан, дағиллама тўйлар қилсан, деб юрарди. Бу сафар ҳам ниятига етолмади. Хуршид институтни битирди-ю, қишлоққа қайтмади. Ўқишни яна давом эттиришини, олим бўлмоқчи эканини айтди. Кейин тўсатдан уйланадиган бўлиб қолди. Тўй шаҳарда бўлди. Фазилат ҳола неча йиллардан буён тўплаган бисотини ўртага қўйди. Қишлоқдагилар «Ўглинг ичкўёв бўлибди», деб таъна қилишганида ичидан зил кетса ҳам сиртинга чиқармади. «Бекор гап! Ҳеч ҳам ичкўёв эмас-да, бошқа туради. Ўзининг боласи олим бўлиб кўрсин-чи!»

Шукур, Хуршид ўзидан тинди. Уйли-жойли бўлди. Мана, машина олди. Факат Фазилат ҳола ўғлиниқига кам келадиган бўлиб қолди. Майли, ёлғиз эмас-ку, Мавлудаси бор. Ўғлидан кўрмаганини қизидан кўрар. Ўғилдир-қиздир, ишқилиб, ўзидан кўпайсин.

Автобус гийқиллаб тўхтади, Фазилат ҳоланинг хабллари тўзиб кетди. У деразадан мўралаб, таниш ёғоч уйчани кўрдию етганини сездди. Автобусдан тушаётганида нимагадир ҳовлиқиб кетди: «Вой ўлмасам, ҳеч бунақо бўлмасди-ку, Мавлуда тинчмикан!»

У ҳовлиққанча дала ўртасида қорайиб ётган қатқалоқ сўқмоқдан қоқила-сурича жўнади. Юраги ҳамон ҳаприқар, ноҳуш бир нарсанинг дарагини сизгандек бесаранжом эди. Ниҳоят олисдаги пастак уйининг деразасида нур кўриб, кўнгли жойига тушди, бўшашиб тўхтади. Рўмолининг учи билан пешанасини артди.

Хуршид креслода хомуш ўтирар, онасининг тугун қучоқлаганча аллақайси бекатад дийди-раб турганини кўз олдига келтирар, ич этини ер эди. Назира эса бурчақдаги тошоғина олдида ўтириб, тўнағичларини тишига қистирганча сочини турмақлар, эрининг кўзугади ақсига қараб-қараб кўрар эди. Шу топда икковининг ўртасида электромагнит майдонни қаби қўз бил-гамас, аммо таранг суккунат чўккан, уни биринчи бўлиб бузишга иккови ҳам журъат этолмаётгандек эди.

— Бўлмайсизми!— деди ниҳоят Назира бурилиб қараб.— Меҳмонларга ўхшаб кириб борсак домланинг олдида нима деган одам бўла-миз!»

— Намунча шовшаси! Нима, мен юғурдамидими?— Хуршид қовоғини солиб ўрнидан турди.

Назира тўғнағич ушлаган қўлини кўтерганча қошини чиғириб зарда билан унга тикилди. Хотини ҳеч нима демаса ҳам, Хуршид шу топда унинг нима ўйлаганини фахллади.

Ҳар қалай Хуршид Фаёз Маҳмудовичдан

— Ойим, кетаман, деяптилар...

Хуршид чизмалар ёйиб ташланган столдан бош кўтардию хотинининг гапига тушунмагандай, унга қараб қолди. Назира атлас кўйлак устидан тутиб олган фартукнинг эстагига тикмачоқ кўлларини артиб, остонада турарди.

— Шу топда қаёққа борадилар, кеч бўлиб қолди-ку?

— Айтдим,— деди Назира лоқайд қиёфада бошини бир ёнга эгиб.— Шунча кистасам ҳам кўнмаптийлар.

Хуршид хонанинг бир деворини эгаллаган китоб жавонни устидаги соатга қараб қўйди: «Олти бўлибди. Ярим соат бор. Улгурармиканман?»

— Машинада олиб бориб ташласаммикан?— У хаёлининг давомини сўрагандек хотинига қаради. Назиранинг узун кийриклари пирпадири. Елкасини қисди.

— Билмасам...

Бу унинг «йўқ» дегани эди. Хуршид хотинининг феълини яхши билади, мана шу сўз тағида кўп марта оловэйи жанжаллар қизиб пишган.

— Домла хафа бўлмайдиларми, ваъда берганидиз-ку?— деди Назира яна ўша лоқайдик билан.

«Албатта хафа бўлади-да», деб ўйлади Хуршид, тарадулланиб ўриндан тураркан. У деворларига чўкед тиламлар осилган хонадан ўтиб, йўлака чикди.

Фазилат ҳола амрикон маҳси-қовушини кийиб аллақачон тайёр бўлиб олган, тугунини қучоқлаганича мушдек бўлиб креслода ўтирар эди. Одатда она боласидаги қилдек ўзгаришини ҳам пайқайдию бола онадаги ўзгаришини чандон билавермайди. Хуршид ҳали онаси келганида дурустроқ разм солмаган экан. Ҳозир кўзига онаси яна ҳам кичрайиб қолгандек кўринади. Она жун рўмолга уранган зийда ажинларни кўпайиб, кўз ости салқиб қолганини сездди.

— Ойда-йилда бир келасиз-у, шунақа қиласиз-а, оий? Нима, у уйингиз бўлганида бу уйингиз эмасми?— деди Хуршид ранжиб.

Кампир тугунини қучоқлаб ўрнидан турди.

— Мавлуда ёлғиз-а, жон болам, биласан-ку.

— Мавлуда ёш бола эмас. Коласиз.— Хуршид онасининг кўзига илтижо билан тикилди. Аммо шу ондўёқ ҳаёлидан лип этиб «Бари бир қолмайдилар», деган фикр ўтди.

— Уйларинг бор бўлсин, болам, сиқилиб кетаман.

— Бўлмаса ташлаб кела қолай.— Хуршид шундай деди-ю, бу гапни тил учида айтганини, бунинг устига орқасида хотини тикилиб турганини сезиб, жининди.

— Қўй, болам, сен ишингдан қолма!— деди онаси унинг аҳолини тушунгандай, соддагина

қардор эди. Домла унга отаси қилмаган яхшиликларни қилди. Бугун у докторлик диссертацияси ёқлапти. Фаёз Махмудович кечаёқ Хуршидга тайинлаган: «Ҳимояга келмасангиз ҳам ресторанда столларни тайёрлаб қўйинг, кечкурун келин билан бориб, меҳмонларни кутиб олинглар, машинангизни ҳам мина келинг».

Хуршид кун бўйи югуриб-елиб, стол тайёрлади. Энди бошқалардан олдинроқ бориб, меҳмонларни кутиб олиши керак. Шунинг учун тайёр машинида онасини қишлоққа ташлаб келмади.

У цемент аиналардан тушиб бораркан, яна онасини ўйлади: «Ойим ҳам қизиқ, шу пайтда кетish зарурмида?»

Хуршид гаражга кириб, машина эшигини очди. «Москвичнинг мотори совиб қолган экан, ҳадеганда ўт олавермади. Хуршиднинг асаби қачшаб, гази босаверди. Аслида, шу машина ҳам, бир чеккаси, Фаёз Махмудовичнинг шафобати билан олиниб қолган. Хуршид домлага ҳар қанча хизмат қилса, эъзоэласа арзийди. Студентнинг стипендияси нима бўларди! Хуршид дарсдан буюш пайтларида товар станциясига бориб, юк ташир, аммо буни ҳеч кимга, ҳатто ётоқдаги ҳамоналарига ҳам билдирмас эди. Беш йил шундай ўтди. Охири курсда ўқийётганида сирли ошқор бўлиб қолди.

Бир куни контейнерда гарнитур келган экан. Қоронғи тушиб қолган эди. Хуршид ғира-шурда турган юк эгаси — шляпали кишининг енгиндан торти.

— Агар ҳўп десангиз, юкингизни машинага ортб берардим.

Юк эгаси ўгирилиб қараш билан Хуршид қотиб қолди. Қани энди ер ёрилса-ю, кириб кетса. Бу — кечагина ядро физикасидан имтиҳон олиб, мақтаб-мақтаб унга «беш» қўйган домла — доцент Фаёз Махмудович эди.

Домла унинг ахволини тушунди.

— Фамилиянгиз Авазов-а!— деди у Хуршиднинг елкасига қоқиб.— Бўпти, ортинг.

Уша куни домла Хуршид билан ярим кечага-гача гаплашиб ўтирди.

— Сиз менга кечаёқ ёқиб қолданингиз,— деди домла хайрлашаётганида.— Билимингиз пухта экан. Аспирантурага киришингиз керак.

Бир haftадан кейин Хуршидни Фаёз Махмудовичнинг лабораториясига ишга олишди. Охири курс студенти бўлгани учунми декан ҳам қарш:илик кўрсатмади.

...Мотор ҳамон ўт олмаc, Хуршид ғижнаяр эди. Гараж эшигида пўстинга ўраниб Назира турар, жажжи этикчаларини бир-бирига уриштириб бекотак ер тепинар эди. Биринчи бор танишган кунларида ҳам Назира худди шундай пўстин, этикча кийиб олган эди. Ушанда, янги йил кечасида Хуршид қачондир мактаб тўғрагида ўраниб олган Гамлет монологини ўқиди. Чамаси яхши чиқди шекилли, ҳамма олқишлади.

Балдан кейин троллейбус бекатига чиқса, пўстин кийган оппоқ, чиройли қиз турибди. Хуршид негадир ундан кўз узолмай қолди. Назарида қиз ҳам унга жилмайгандек бўлди. Бари бир, Хуршид қизга гапиришга журъат қилолмади. «У киму мен ким?» Шу кунининг бахт юлдузи чарақлаган экан чоғи, Қизининг ўзи унга биринчи бўлиб гапирди.

— Гамлетнинг ўзи бўларкансиз, Офелиянгиз ҳам бордир?

— Офелия... йўқ,— деди Хуршид довадираб. Чиндан ҳам шунча йил ўқиб, Хуршид бирорта қизнинг билагидан ушламаган эди. «Мен ўқишим керак, бошқаси кейин бўлаверади», дерди ўзига ўзи. Тўғрироғи қизлар билан юришга вақти ҳам йўқ эди.

Уша оқшом у Назиранинг политехника институтининг кимё факультетига ўқишини билиб олди.

Эҳтимолки қиз ҳам келишган, баланд бўйли, оғир-босиқ Хуршидни ёқтиргандир, лекин Хуршид Назирани бир кун кўрмаса туролмайдиган бўлиб қолди.

Баҳор чиққанида қиз уйига совичлар кўп келаётганини, ота-онаси ҳам уни узаткичиятида эканлигини айтди. Хуршид типирчилаб қолди. Тайин гапки, у ҳозир тўй қилолмайди. Қизнинг оиласи катта даргоҳ кўринади. Унча-мунчага рози бўлмаса керак.

Бир кун у Фаёз Махмудовичга кўнглини очди.

— Келини олиб келинг, ўзим гаплашаман,— деди домла.

Бу сафар ҳам бахт унга кулиб боқди. Нази-

ранинг отаси район савдо бошқармасида бошлиқ Фаёз Махмудовичнинг таниши экан.

Тўй жуда катта бўлди. Назиранинг отаси биттаю битта қизи учун борини тўқди. Фазилат холанинг икки латта, бир сочиғи ҳеч нимага ярамай қолди. Назиранинг онаси кўёв томонинг ношудлигидан эсаси қотганини, тўйга келган қишлоқилар бир чеккага чиқиб қолганини йигит сезди.

Ушанда онаси тўйнинг учинчи кунинёқ сўплайиб жўнаб кетганини Хуршид яна эслади. «Мана бугун ҳам шунақа бўлди-ку. Дили оғриб кетди-да... Автобус бўлдимикан!»

Стартёр ўт олмаган, Хуршид бутун аламини машинидаан олмақчи бўлгандай, қора терга тушиб, ручкани шиддат билан айлантира бошлади. Ниҳоят, мотор гуриллаб кетди. Хуршид машинани эҳтиёбларга гараждан олиб чиқди. Назира унинг ёнига ўтириб уф тортиди.

— Улсин, кеч қолди! Нима бало, дадам ўзига яхши қолдириб, сизга бузуқ машина олиб берганими?

«Яна ўша гап,— деб ўйлади Хуршид машинани чироклар чарақлаган серкатнос кўчадан охиcта юргизиб бораркан.— Падерига лаънат машинанинг ҳам, пулининг ҳам!»

Одатда тонда ўтирган киши ҳаммиша зийрак бўлади. Шу топда Хуршид қарчанд уринмасин, кўнгли гашилки таркмади.

Уйланибдики, шу гап. Айниқса Назира айтган «аристократия» даврасига кирганида Хуршид бўғилиб кетади. Қайнатисининг ҳам, атрофдагиларнинг ҳам толган гапи — ким қанча маош олади, кимнинг «Москвичи» бору «Волгаси» йўқ, қайси заргарлик магазинига беш юз сўмалик сирга келган, ким Ригадан уч минг сўмга гарнитур олиб келди... Бу даврага кирганида Хуршид ҳавоси сўриб олинган вакуумга тажриба уйун қамаб қўйилган сичқонга ўхшаб қолади. Устига-устак фарзандсизлик эр-хотинни асабйи қилиб қўйди.

Начора, ўзга илож йўқ. Хуршид бу хонадондан қардор. Шунн ўйлаган сайн баттар азоб чекади. Уз қишлоғини, болагининг кўмсайдн.

Эсида, шундоқкина уларнинг чорбоғи остидан каттакон анҳор ўтар эди. Болаглигида, студентлик чоғида каникулга чиққанида ҳам Хуршид шу анҳорда чўмилишни яхши кўрарди. У чарчагунча сузар, кейин соҳилдаги кум устида чалқанча ётиб, кўзларини юминқираб, кўёшга тикилар эди. Шунда унинг кўз ўнгида сон-саноксиз бинафша ранг ҳалқачалар оловланиб ёнар, Хуршид уларни соатлаб томоша қилишдан зерикмас эди. Мана шу нулли ҳалқачалар ҳам, илик қумининг курагига майингизна ботиши ҳам ширин тушдек аллалар эди уни. Ҳозир у атрофини ўраб олган ҳамма нарсани ана ўша нулли ҳалқачаларнинг бир нафрасли жилваланишига алишишга тайёр эди. Бугун онаси келдию ўша сеҳрли дамларни яна эслатиб кетди.

Машина силкиниб, Хуршиднинг ҳуши ўзига келди. У йўл чеккасидаги ўнқир-чўнқир ях-малакдан ўтди-да, яна ўша тезликда юриб кетди.

Ярим йил илгари Фаёз Махмудович Хуршиднинг олдида унинг қайнатасига ярим ҳазил, ярим чин қилиб «Кўёвингизга машина олиб бермайсизми?», деб кулган эди. Мана у «Москвичли» ҳам бўлди. Машинали бўлдию ташвиши яна кўпайди. Даврадагилар энди Хуршидга очикдан-очик таъна қиладиган бўлиб қолдишди. «Диссертация чўзилиб кетди-ку, қачон олим бўласиз?»

Рост, у уч йил аспирантурада ўқиди. Яна икки йил ўтди. Ишининг охири кўринмаяпти. Хуршид аспирантурага кирайётганидаёқ кўнгли гаш бўлган эди: конкурсда у билан тенг балл олган хоразмлик қизни эмас, Хуршидни қабул қилишди.

Хуршид лазер нуридан космонавтикада фойдаланиш деган мурракб мавзуга кўл урди. Аммо бу ишни элпай олмаcлигини ўзи ҳам биларди. «Оёғи ердан узилган одам осилиб ўлади. Икки ўртада домлангнинг юзини ерга қаратдинг. Қўлингдан келмас экан, бошқаларнинг йўлига ғов бўлиб нима қилардинг, деб ўзини кўп бор койиди. Аммо нима фойда? Олимлик йўлига тасодифан кириб қолган, домласининг эстагига ёпишиб югурдаклик қилиб юрган аспирантлар озми... Узи-чи, ўзи? Мана, бугун Фаёз Махмудович доктор бўлади. Хуршид зифётага келган меҳмонларга чоғ ташийди. Охирида ҳаммани уй-уйига ташиб, аравақашлик қилади.

Унинг ўйларини аллақандай ваҳимали гум-бирлаган овоз, кетидан Назиранинг чиққирган товуши бузиб юборди. Хуршид даҳшат ичида рулга ёпишиб хотинига қаради. Назира икки кайта билан юзини тўсганча энкайиб қолган эди.

«Авария!»— Шу хаёл миясига чақмоқдай урилдию рулни кескин ўннга бурди. Аммо рул унга бўйсунмас, машина аллақандай ғайри табиий равишда шиддат билан кўндалангига судралиб борар эди. Хуршид бекхитёр орқасига ўгирилиб қаради. Каттакон самовал буфери билан Хуршиднинг машинасини шундоқкина ёнбошидан илиб олганча шиддат билан судраб борарди.

«Ҳозир машина ағдарилладию самовал устимиздан ўтиб кетади», деб ўйлади Хуршид кўрқувдан титраб. Негадир шу топда онаси кўз ўннга келди. Яна бир-икки дақиқа ўтган бўлса керак. Аммо бу дақиқалар йилга тенг эди. Ниҳоят, самовал тўхтади. «Москвич» ҳам унга кўндаланг ёпишганча силкиниб тўхтаб қолди. «Хайрият ағдарилмади»— Хуршид эъзойибаданини муздай тер босганини энди пайқади.

— Кўрқманг,— деди Назиранинг елкасидан кучоқлаб,— кўрқманг, тирик қолдик-ку!

Назира қўлини тушурди. Унинг ранги докадек оқариб кетган, кўллари қаптирар эди. У бирданга титраб-титраб йнглаб юборди.

Хуршид машинадан тушмоқчи эди, эшик очилмади. Пачоқ бўлиб, ўриндиққа ёпишиб қолибди.

— Эшикни очинг!— деди у ҳамон йнглаётган Назирага.

Назира беҳуш бир тарзда ерга тушди-да,

Расми В. ЗИНОВЬЕВ чизган



Буюк сиймолардан онани улуғламаган зот йўқ. Ҳаммамиз она ҳақидаги аjoyиб сўзларни болалигимиздан эшитиб катта бўлганмиз. Фақат сўзда эмас, амалда ҳам бизнинг давлатимиз оналар учун фахрий унвонлар, шунга муносиб моддий ва маънавий имтиёзлар яратиб берган. Энди гап умумхалқ миқёсида яратилган буюк оналик обрўсидан ҳар бир оилда ҳар бир она тўғри ва тўлиқ фойдаланиши ҳақида боради.

Авалло, оналарнинг ишлаши масаласини олайлик. Статистик маълумотларга кўра, СССРда ишлаган ҳамма меҳнатқилларнинг тенг ярми аёллардир. Бизнинг давлатимиз хотин-қизларга ижтимоий меҳнатда, сиёсий, иқтисодий, маданий жабҳаларда эрлар билан баробар ҳуқуқ берибгина қолмай, ҳар бир оилда уларга тўлиқ амалга оширишда ҳам жаҳонда биринчи ўрнини эгаллайди.

Илмий тадқиқотлар шунни кўрсатадики, онанинг икки-уч болани тарбиялашга кетадиган кундалик вақти ва кучи бирон ишхонага бориб ишлаб келишига кетадиган вақти ва кучи билан қариб баробар келади. Демак, ишлайдиган уч-тўрт болали она боласи йўқ ишловчидан кўра икки баробар ортқ меҳнат қилиши керак. Бу юмушларга ҳар ким ҳам бардош бера олмайди. Шу масала бўйича тадқиқот ўтказган москвалик олимларнинг 1969 йилда «Литературная газета»да келтирган рақамларига кўра, ҳозир ишлайдиган оналарнинг маълум қисми бир ёки икки бола ўстиради.

Агар ҳамма оилалар фақат бир ёки икки бола билан чеklangиб қолсалар, келажакда аҳолининг сони кўпайиш ўрнига намайин кетган бўларди, бу эса жуда кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шу сабабларга кўра, айрим марказий газета ва журналлар аёлларнинг фақат ижтимоий меҳнат соҳасидаги вазифаларигагина эмас, уларнинг она бўлиб, кўпроқ

Ёзувчининг

кўнгил дафтаридан

ОНАЛИК ОБРЎСИ

бола ўстириш соҳасидаги бурчларига ҳам махсус эътибор бермоқдалар. Ҳар бир нормал оилда бола ўтандан кам бўлмаслиги кераклиги, жамият бунинг учун ша-

роит яратиши зарурлиги «Литературная газета»да 1968—1969 йилларда узоқ муҳокама ва мунозарага сабаб бўлди. Мутахассис олимлар билан бирга жуда кўп



«Хужум» нунларига Самарқандда биринчи бўлиб паранки ташлаган Ойқарам биби Умарова қизлари Анвара, Баҳор ва Ҳамроҳон билан.

Р. ШАМСИДДИНОВ фотоси

каловланиб бориб симёғоч тагига уйиб қўйилган қорға ўтириб қолди. Хуршид ҳам оёқларини аранг босиб машинани айланиб ўтди. Самсвалнинг ҳам эшиги очилди-да, ранги қув ўчган, кўзлари кўрқувдан олайин йигит сараб тушди. Кирза этикларини дўқиллатиб югуриб келди.

— Тирикмисиз, ака?— деди йўғламсираган товуш билан. У энтики нафас олар, ингичка мўйлови учиб-учиб турар эди.

Хуршид индамасдан ўз машинасига қарәди. «Мосвич»нинг эшиги ичкари кириб, ойнаси чил-чил синган, томигача пачоқ бўлган эди. Қизиқ, у, нимагадир, ачинади ҳам. Фақат машинасининг ҳозирги кўринишини ўз аҳволига ўхшатиши келди.

Бирпасда тумонат одам тўпланди. Хуршид кўзлари билан хотинини излаб топди. Назира уч-тўрт қадам нарида довдираб турар, семиз бир хотин унинг чаккасига қор ишқалар эди. Шовқин-сурон, бақирёқ, қақирёқ орасида ҳеч нимани аниглаб бўлмай қолди. Аллақайқдан етиб келган ёшгина инспектор одамларни тарқата бошлади.

У Хуршидга яқин келиб сўради: машина сизникими?

Хуршид индамай бош силкиди.

— Бахтингиз бор экан,— инспектор жилмайди.— Бунақа авариядан тирик чиққанлар оз бўлади. Самосвал кимники?

— Меники,— деди бояги йигит яна йўғламсираб.

— Нима бўлди?

— Бу киши секин кетаётган эканлар,— деди йигит бўшашиб.— Қўзиб ўтмоқчи эдим, рўпарадан «Волга» келиб қолди.

— Машинани расво қилибди, тўлаб берсин...

Хуршид хотинининг овозини эшитиб бурилиб қаради. Назира унинг ёнида турар, йигиси тинган эди.

— Тўлаб беради, опа, тўлаб беради,— деди инспектор, йигитнинг ҳужжатини оларкан.— Судга бериб ҳаммасини ундириб оласиз.

Шундай дейиши билан унниқиб кетган қора духоба камзул кийган кампир тўдага ёриб кирдию «Вой болам» деб додлаганча шофёрни қучоқлаб олди. Кейин инспекторнинг елкасига осилди:

— Раҳм қилинг, ўғлим, биттаю битта болам шу.

Хуршид нима гаплигини, бу кампир қаёқдан келиб қолганини тушуна олмай қотиб турар, фақат бир нарсани билар эди: бу кампир шофёр йигитнинг онаси экан. Кампирнинг ушоқлигим, духоба камзулми, нимасидир, ўз онасини эслати. Негадир кўзига ёш олиб, инспекторга ёлшииб олган кампирни қучоқлади.

— Қўйинг, ойи, хафа бўлманг, ўғлингизга ҳеч нима қилмайди.

газетхонлар ҳам ўз мулоҳазаларини айтдилар.

Москвалик бир олим «Боласи учта ва ундан кўпроқ бўлган оналарга давлат фақат нафақа эмас, ишхонада ишлагандай ойли ҳам тўласа яхши бўларди», деган таклифини ўртага ташлади. Бу, бизнингча, она-болалик меҳрини пулга қақишга, табиий самияянтин йўқотишга олиб борадиган хунуқ йўл. Бу фикрга эътироз билдирган киевлик газетхонлар «Она камроқ бола ўстирса ҳам майли, кўпроқ ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши керак», деган фикрини айтдилар. Учинчи гуруҳ газетхонлар онанинг уйдаги, бола тарбиясига оид меҳнати ҳам ижтимоий фойдали меҳнат эканлигини, болалар кўпроқ бўлишидан ва яхшироқ тарбия қилинишидан давлат ҳам, жамият ҳам манфатдор эканини жуда кўп далиллар билан исботладилар.

Бизнингча ҳам, сўнгги нуқта назар ҳақиқатга яқинроқ. Бизнинг республикамизда аҳолининг сонига нисбатан тўғилиш рақамлари бирмунча банд. Ўзбекистонда ували-жували оилалар, қаҳрамон оилалар кўп. Шу билан бирга, ишлаганга ёки ўқишга имкони бўла туриб, баъзи қолоқ эрлар ёки ота-оналарнинг тазйиқи тўғайли ҳеч жойда ўқимайдиган ёки ишламайдиган хотин-қизлар ҳам учрайди. Партия ва ҳукуматимизнинг уйда бекор ўтирган хотин-қизларини ижтимоий фойдали меҳнатга кенгроқ жалб этиш ҳақидаги қарорларини биз ҳаммиша қўллаб-қувватлаймиз.

Уйда бекорчиликдан зеркиб ўтирадиган баъзи хотин-қизлар билан тўрт-беш болага оналик қилиб, оилда эртаю кеч тинмай меҳнат қиладиган оналар орасида катта фарқ бор. Мен мана шундай оналардан бирининг анкета тўлдирганини кўрганман. «Қаерда ишлайсиз?» деган саволга нима деб жавоб беришини билмай, ўйланиб қолди. «Ишламайман, олти боланинг онасиман, уйда ўтириб қолганман», деб ёзиш расман

Кампир энди унинг бўйига осилиб илтико қила бошлади.

— Жон болам, ўғил-қизларингизнинг роҳатини кўринг...

— Узимнинг ҳам оёғим тортмай турувди-я! Э, уша хотинининг сўзига кирган эркакнинг...— шофёр бола кўпол сўкинди.— Ойим кеча опаникига—Келесга кетган эдилар. Ҳали ишдан борсам, хотиним туриб олди-да, фалокат! Ойимни олиб келасиз дейди. Билмадим, қайнаси билан киндиги биттами?

Хуршид ҳамон кампирни оутаркан, беҳтиёр жилмайди.

Хотинини бемалол сўқатган бу чапани йигитга ҳам, унинг онасини шунчалки яхши кўрадиган хотинига ҳам ҳаваси келди.

— Судга берасизми!— деди симёғочдан тушиб турган лампочка ёруғида протокол ёзаётган инспектор Хуршидга қараб.

Хуршид индамай турган хотинига зимдан қараб қўйди-да, ийманиб хотиржам гапирди:

— Қизиқмисиз, суднинг нима қараги бор, Узимиз келишамиз. Тасодиф-да... Ҳаётда бундан баттарлари бўлади-ку...

Инспектор «ўзингиз биласиз» дегандай елкасини қисди. Шофёр боланинг онаси эса ҳайратдан кўзларини катта очиб Хуршидга узоқ тикилиб қолди.

Лули қиз



Қишлоқ тонги.

С. БЕЗНОСОВ фотоси.

«Бери кел, болажон, кўп иссиқ юзинг.
Бахтингдан атайми, куркингдан атай!
Болажон, кўзимга таниш юлдузинг,
Шахтингдан атайми, эркингдан атай!»

Сени тўққан она — омадли она,
Кифтингда кўраман давлат кушини,
Бу қора чўғ каби кўзларинг, бола,
Не-не дилбарларнинг безар тушини.

Кўринди — муштоқсан бир қиз йўлига,
Сир бермай турсанг ҳам, муғомбир, атай!
Не деса, болажон, ишон йўлига:
Камолдан атайми, заволдан атай!..»

Фолбиндан кутмайман бирор каромат,
Унинг гапига ҳам ишонмоқ маҳол.
Фақат ўйлатади жуда аломат,
Ўзим болалиқдан кузатган бир ҳол.

Елкада хуржуни, қўлида ҳасса,
Тусатдан ҳовлида бўларди пайдо:
«Фол очай, тузалар ким бўлса хаста,
Мақсадга етади ошиқи шайдо!»

Юрак, изғиринга бүгун қил тоқат,
Эртага баҳорий куртак урар ниш.
Эртага тугайди андуҳ ва ҳижрон,
Эртага кўзларда бир ажиб ёниш...
Айрилиқ чекинар висол унган он,
Баҳорга ўрнини берганидек қиш.

Бировлар ҳайдарди, бировлар гоҳи
Толганин тутқазиб, очтирарди фол.
У кезлар масъума оналар оқи,
Жабҳада фарзандин изларди беҳол...

— Ғойибдан атайми,
ёки ҳозирдан!
— «Ҳозир»-ку шу ерда,
ғойибдан гапир!

Кўнгли тўлмаса-да баъзан наздан,
Лекин у совуқ гап айтмасди ҳеч бир.

«Фарзандинг ғолиб», деб,
Илик сўз билан
Оналар кўнглини хушнуд этарди.
Озгини бўш топса беқанинг баъзан,
Кўнглимас, бисотин овлаб кетарди...

Дилидан яхши сўз изларди аста,
Қўли эрир эди қўллар тафтига...
Мен уни йўлардим, пули қиз эса
Йўқни бор қиларди қоқиб кафтимга.

Атрофда ётса ҳам буй баробар қор,
Мен баҳор нафасин туюман бүгун.
Туннинг оғушида тугилгандай кун.
Шу қорнинг бағрида унмоқда баҳор,
Бу булут, Бу совуқ бўғунча фақат,
Бугунча қиличин ўйнатади қиш.

тўғри бўлар эди. Олти боланинг бирини мактабга кузатиб, бирига дарс тайёрлаётган, бирини ювиб-тараб, бирининг касалини даволаётган, яна шидан чарчаб келадиган отага ҳам гамхўрлини қиладиган онани, «Ишламайди, уйда ўтиради», деб бўладими!

Ҳукуматимиз кўп болали оналарга апоҳида гамхўрлик кўрсатиши бежиз эмас. Тўрт-беш ва бундан ортиқ боласи бор оналарга нафақа ҳам, оналик орден-медаллари ҳам берилди. Бу — катта бир адолат ва инсонпарварлиқнинг белгиси.

Аммо биз ўзимиз кундалик турмушимизда фарзандлари учун фидо бўлиб юрган оналарнинг хурматини ҳамма вақт ҳам жойга қўя олмаганимиз. Бирор норхона ёки муассасада ишламайдиган онани «уйда ўтириб қолган» деямиз. Тилимизга «уй ишини қилади» деган тушунча «ишламайди, уйда ўтиради» деган нотўғри маънода кириб қолган. Ҳолбуки, кўпчилик оналар уйда бекор ўтиришмайди. Ҳали бозор қил, ҳали магазинга бор, ҳали дазмол бос, ҳали у болани кийинтир, ҳали бунисини ювинтир, ҳали уй йиғиштир, ҳали кир юв, қозон-товоқ... Хуллас, «уйда ўтиради» дейилган оналар кўни буйи оёқда.

Болаларига фидо бўлиб уйда юрган оналарни «уй бекаси» дейишимиз ҳам эриш туюлади. Чўки «бека» деганида ҳаммага иш буюриб, ўзи обғини узатиб ўтирадиган бек оймалар кўз олдимизга келади. «Бека» сўзидан ийманадиган оналар «Ҳаерда ишлайсиз», деган саволга «Уйда ишлайман», деб «Ким бўлиб ишлайсиз», деган саволга эса «Она бўлиб ишлайман», деб жавоб берадилар.

«Оналик ҳам касб ёки ҳунарми!», деб таажжубланиш мумкин. Оналик касб ёки ҳунарга кирмайди. Аммо оналик ҳар қандай касб ва ҳунардан баланд туради.

Боғбон — боғ ўстирас, омади фарзанд ўстиради. Машинасоз — оддий темирдан мураккаб машиналар яратса, она — бир парча этни одам қилади. Геолог — ер бағридаги бойликларни очса, она — ўз боласининг қалбидаги маънавий бойликларни юзга чиқаради.

Оғир уруш йилларида ўн тўрт болани тарбия қилган Баҳри опа Акрамовани эсланг, Баҳри опа бир вақтлар артедад ҳам яхши ишлаган экан. Аммо уни артедадги ишидан ҳам кўпроқ бола тарбиялаб топган оналик обрўси халққа танилди ва жаҳонга машҳур қилди. Чўки урушда етим қолган шунча болага она бўлиш, уларни қоқиб, ўстириб, одам қилиш — том маънодаги фидоорликдир. Бундан фақат Шомаҳмудовлар оиласигина эмас, бутун жамият ва давлат ҳам катта манфаат кўриди. Бу — жамиятимизнинг олижаноб инсонпарварлик руҳини кўрсатади.

Она меҳнатининг улуғлигини оғизда ҳаммамиз тан олсак ҳам, оналик қадрига етмай, бунга беварқ қарайдиган пайтларимиз бўлади. Ана шу нуқсон жуда оддий нарсаларда ҳам кўринади. Кийим тозалатиш учун маиший комбинатга, овқат ейиш учун ошхонага борамиз, навбат кутиб чек олиб, қанча вақтимиз кетади. Уша жойларда ишлайдиган аёлларни «ижтимоий фойдало меҳнат» қилади, деб хурматини жойига қўямиз, ишимиз битганда улардан жуда миннатдор бўламиз. Бунинг ҳаммаси жуда тўғри. Бироқ мана шу ишларни уйда оналар ҳам қилганда баъзилар уларни «ишламай уйда ўтирган» ҳисоблайди-да, дурустроқ бир раҳмат ҳам айтмайди. Айрим ёшлар оналарига «Тугмаини қадаб беринг, кийимини дазмолоб қўйинг», деб буюришади, айтган иши сал кеч-

роқ битса, димоғ-фироғ, ҳатто дўқ ҳам қилишади. Айрим эрлар ишдан асабиёроқ қайтган пайтларига уйдаги бирон камчиликни кўриб, умр йўлдошларига бехосдан зарда қилишади: «Мен ўлиб-тирилиб ишлаб келдим, сиз уйда бекор ўтириб шунч қилмайсиз, ундайсиз, бундайсиз...» Уйлаб қаранг, беш-олти боланинг онаси уйда бекор ўтира оладими! Бу адолатсиз гап онага тошдай қаттиқ тегади.

Болаларига фидо бўлиб уйда меҳнат қилаётган оналарнинг кўпчилиги ёлғиз қўлликдан, ноилжликдан ишга боролмайди. Турли соҳаларда бемалол ишлаётган кўпгина оналарга эса, бувилар, эрлар ёки уй ходимлари ёрдам беришligи ҳам бор гап. Уйлаб қарасангиз, ишга кетган она ўрнига уйда бола боқаётган буви ҳам, аслида, биз айтган фидоор она эмасми! Болаларга тўғис тарбия бериш учун, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук одам қилиб ўстириш учун холами, бувилик, отам, албатта, қилмидр ўзини кўпроқ фидо қилади. Хўсусан, кўп болали оналарда бунинг зарурати жуда зўр.

Биз аёлларнинг барча соҳаларда эрлар билан баробар меҳнат қилиб эришаётган ютуқларидан ҳақли равишда фахрланамиз, уларнинг коммунизм қуриш ишига қўшаётган ҳиссаларини асарларимизда қўлимиздан келганча улуғлаймиз. Шу билан бирга, аёлларнинг бола тарбияси бовида, уйда қилаётган фидоорона меҳнатларини ҳам муносиб равишда қадрлашимиз керак.

Сўхбат ёки йиғинларда ҳурматли олималар, донгдор аёлларни макташади: «Уғил-қизлари ҳам бор, қандини урсин, ишини ҳам қонил қилляпти, болани ҳам яхши ўстиряпти». Ҳақиқатан, онанинг ишдаги муваффақиятига оиладаги бахти ва оналик сўрўси ҳам қў-

шилса, бунга ҳаммининг ҳаваси келади.

Бироқ баъзи оналардан аҳвол сўрасангиз, «Ишим яхшию лекин жуда дам бўлиб кетиб, болаларга қарай олмадик, бирининг тарбияси бузилди, бирининг соғлиги чатоқлашди», дейишади.


Албатта, бола тарбияси учун мактаб ҳам, ясли ва боғча ҳам, пионер ва комсомол ҳам жавобгар. Аммо ота-онанинг масъулияти уларнинг ҳаммасиникидан зўрроқ. Ота-она бола тарбиясига қанча куч, қанча вақт сарфласа, бола шунчалик ота-онага тортади, шунчалик яхши одам бўлиб етишади. Ота-она бола тарбиясига вақт тополмаса, қўнг қилмаса, унда яхши одамларнинг болалари ҳам ёмон йўлларга кириб кетиши ва ота-онасининг ҳалол меҳнат қилиб топган обрўсини тўқини эҳтимолдан холи эмас.

Халқ кўнглида жуда кўп ишларни автоматлаштириш мумкин, жуда кўп оғир касблар механизмлар зиммасига ортилиши мумкин. Ҳатто уй ишининг катта бир қисмини ҳам ақлли машиналарга юклаб, аёлларнинг рўзгордаги меҳнатларини осонлаштириш мумкин. Тарақиёт шунга қараб бормоқда.

Аммо она бўлиб бола ўстириши ҳеч қачон, ҳеч қандай машина еплаган эмас ва эплмай олмайд.

Оналик меҳнати одам пайдо бўлгандан бери бор ва одамзод турғунча абадийдир.

Она меҳнатининг онадан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарса ўтай олмайдиган мана шу улуғ ва бебаҳо фазилатини чуқур ҳис қилган одамларгина юксак оналик обрўсини ҳам астойдил тан оладилар. Ҳар бир онада, айниқса, ўсиб келадиган ҳар бир авлодда биз мана шу олижаноб ҳисни уйғотишимиз ва ўстиришимиз керак, токи ҳамма жойда оналик обрўсин байроқдай муқаддас бўлсин, баландда турсин.



Медицина фанлари доктори К. Зуфаров шогирдлари Тошхўжаев ва Ш. Эргашев билан электрон микроскопда тажриба ўтказмоқда.

Г. ГРАФКИН фотоси

ЭЛ СОҒЛИҒИ ЙЎЛИДА

Хашаматли янги квартал бўйлаб кетаётган, сочларига хийла оқ оралаган қирқ беш ёшлардаги баланд бўйли киши болалар олдида тўхтади. Уларнинг ўйинига бир дам қараб турди-да, кулимсиради. Қўл кўтардию индамади. Болаларнинг ўйинини бузгиси келмади шекли, йўлакка қараб бурилди. Уодатдагидай бола-чақалари билан дастурхон теварагида ўтириб ҳордиқ чиқаргач, уларнинг ўқиши билан қизиқди. Кундалик дафтардаги «Ота-она имзоси» деган жойга қўл ҳам қўйди. Кейин иш бўлмасига кириб бугунги почта билан таниша бошлади. Маслаҳатларига муҳтож шогирдларидан, дардига даво излаб мурожаат қилган кўплаб беморлардан, шифокор бўлишга орзуманд ёшлардан келган хатлар... Илмий кенгашларга таклифномалар...

Комилжон ака буларни кўздан кечириб чиққунча алламаҳал бўлиб қолди. Шу пайт телефон жиринглади. Ётоқхонадан экан, Навбатчи аёнинг ҳаяжонли товуши эшитилди:

— Комилжон Аҳмаджонович, қизларингиздан бири қаттиқ бетоб, ҳалигина сопа-соғ эди...

— Ҳозир етиб бораман, — деб жавоб қилди Комилжон ака.

У етиб борганча врачлар ҳам тўпланишибди.

Комилжон ака студент қизнинг кўрича-

ғини операция қилиб бўлгунларича беморнинг тепасида гурди. Қиз кўзини очганида:

— Бўлажак доктор ҳам касал бўларкан-да! — дея эркалагандай кулди.

Республикамизнинг олис районида келиб уч йилдан бери медицина институтида ўқиётган бу қизнинг кўнгли тоғдай кўтарилиб кетди.

Комилжон ака бемор олдидан чиқаётганида навбатчи врачга оҳиста деди:

— Студентларимизнинг кўпи ўз ота-оналари бағридан ўзоқда, илм деб шу ерларда юришибди. Уларни ўқитиб қўймайлик.

Комилжон ака уйига қайтаётганида уни иш столи устида телеграмма кутаётган эди. Қўлга олиб кўздан кечирди. Олий Аттестация Комиссияси унинг шогирдларидан яна бирига фан доктори даражаси берилди.

Комилжон аканинг бутун нарчоти ёзилгандай бўлди. Ички бир фахр билан оҳиста: «Бу ўнинчи — ўнта фан доктори», деб қўйди. Олим ўздан ўзи таъсирланиб кетди: кўз олдидан бирма-бир ёшлик йиллари ўта бошлади.

1925 йили баҳор кунларининг бирида Тошкентнинг Лабзак маҳалласида истиқомат қилувчи оддий деҳқон Аҳмаджон ака оиласида яна бир ўғил туғилди. Яхши ният билан унга Комилжон деб исм бердилар.

Ҳамама фанларни фақат аёло баҳолар билан ўзлаштириб, ўрта мактабни намунали битирган Комилжон кўпдан орзу қилиб юрган ниятига етди: у ўн етти ёшида — 1942 йили Тошкент медицина институтига ўқишга киришга муваффақ бўлди.

Совет халқи бошига беқиёс кулфат тушган уруш йиллари медицина халатини шилелга, ўқув анжомларини эса жанговар қуролга алмаштириб Ватан ҳимоясига отланди. Старший сержант Комилжон Зуфаров ўз пүлмёти билан душман устига аёвсиз ўқ ёғдириб юзлаб километр йўл босиб ўтди. Аммо унга яқин қолган галаба кунларига сафда бўлиш, Берлингача етиб бориш насиб бўлмади, у 1944 йили Одесса шаҳри остоналарида яраланди.

Комилжон ака урушдан кейин яна ўқини давом эттиради. Институтни тугатгач, аспирантурада қолди. Аввало Тошкентда, сўнгра Москвада таҳсил кўриб талабчан устоз, машҳур морфолог олим академик В. Н. Терновский раҳбарлигида «Одам ҳиқилдоқ усти тоғайининг асаб идораси» деган темада 1954 йили кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Морфология илми медицинанинг асоси ҳисобланиб, одам танасидаги ҳар бир аъзо, тўқима, ҳужайраларнинг тузилишини мукаммал билмаган врач турли касалликларнинг келиб чиқиши ва уларга хос ўзгариш процессларини мукаммал тасаввур эта олмади. Бинобарин кўрилган муолижа ҳам етарли ижобий натижа беролмади.

— Бу жиддий масалани илмий жиҳатдан ҳал этмоқ учун, — деб ҳикоя қилади олим, — аввало ҳали студентларгагина эмас, ҳатто кўп сонли илмий ходимларга ҳам китоб саҳифаларидан, кино ленталаридангина маълум бўлган тўқима ёки ҳужайрани минглаб марта катталаштириб кўрсатадиган электр микроскопдан фойдаланиш йўлларини мукаммал ўрганиш ва шах-

Замондошларимиз

римиз илмий лабораторияларида кенг жорий қилиш иши турарди.

Бир неча ой ва йиллаб изланишлар натижаси, пойтахт олимлари билан самарали ҳамкорлик маҳсули бўлган бу муҳим масалани ҳам Комилжон ака ижобий ҳал этди. Ҳозирги пайтда унинг лабораторияси фақат Урта Осиёдагина эмас, балки Иттифоқда ҳам етакчи илмий марказ ҳисобланиб, довруғи чет элларгача ёйилди. К. Зуфаров бу соҳада йирик илмий асарлар ва қўлланмалар яратди.

Буйрак жуфт аъзо ҳисобланиб, одам организмда жуда муҳим ҳаётий роль ўйнайди. Буйраксиз ҳаёт бўлмайди. Яқин-яқин даврларгача олим ва мутахассислар, бу муҳим аъзонинг у қадар тўла ўрганилмаган фаолияти ҳусусида сўз кетганда: «Бу келажакнинг иши!» деб қўяр эдилар. Шу келажак ишини яқинлаштириш ҳикоямиз қаҳрамони зиммасига тушди.

«Буйрак ҳужайраларининг нормал ҳолати нафис тузилиши, улардаги гистохимик ҳолатлар, тажриба усулида ҳар хил ҳайвонларнинг буйрағидаги асаблар кесиб қўйилганда пайдо бўлувчи патологик ўзгаришларга доир» — медицина илмида жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган бу масала Комилжон аканинг докторлик илмий ишидир. Комилжон Зуфаров кенг чуқур ўрганилган шу илмий иши билан хирургия, терапия, урология каби клиника мутахассислари учун катта истиқбол очиб берди.

Зуфаров аjoyиб ташкилотчи раҳбардир. Андижон медицина институтининг барпо этилишида унинг хизматлари каттадир. У Улка экспериментал ва биохимия илмий текшириш институтида илмий тадқиқот билан бир қаторда кўп йиллар давомида катта раҳбарлик лавозимда намунали ишлаб келди.

Мана, олтинчи бешинчи йилдан бери Комилжон ака Урта Осиёдаги йирик тиббий марказ Тошкент Давлат медицина институтининг ректоридир.

Янги ўқув корпуслари, студентларнинг ётқоқоналари қурилишида, қайтадан қўриб чиқилган ўқув программалари, ўнлаб фан доктори, юзлаб кандидатлар ва юқори маалакли мутахассислар еттиштиришда Комилжон Зуфаровнинг катта ҳиссаси бор.

Аjoyиб олим, моҳир педагог, катта ташкилотчи Комилжон Зуфаровнинг фан олиндаги хизматлари Ватан муносиб тақдирлади. У Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, бир неча орден ва медаллар кавалери, Тошкент шаҳар советининг депутаты ҳамда Ўзбекистон — Венгрия дўстлиги ва маданий алоқалари жамиятининг президентидир. 1968 йили Республика Фанлар академиясига ҳақиқий аъзо қилиб сайланди. Морфология ўлим соҳасида Комилжон ака биринчи ўзбек академигидир.

Утган йилнинг августида Ленинградда морфолог олимларнинг жаҳон конгресси бўлди. Конгресснинг гистология секциясига Комилжон Зуфаров раислик қилди ва бу ерда ҳозир бўлганларга «Одам буйрагининг электрон микроскопик тузилиши» деган темада доклад қилди. АҚШ, Англия, Франция, Италия ва бошқа йирик мамлакатларнинг кўзга қўрилган олимлари ўзбек халқи фарзандининг рус ва инглиз тилларида мазмунли нутқини эшитдилар, социализм воқелиги нимага қадир эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Комилжон Зуфаров моҳирбон оила бошлиғи ҳамдир. Унинг турмуш ўртоғи Ақида Шоносупова моҳир шифокор психиатр, доцент, ўғли Анваржон эса ота издан бормоқчи, у ҳозир ТошМТИ даволаш факультетининг аълочи студенти, қизи Наимахон ўрта мактабда таълим олюқда.

...Мана янги кун бошланди. Одамлар кўчаларга оқиб чиқди. Улар ишга, ўқишга шошмоқда. Шулар орасида аjoyиб инсон, камтарин раҳбар, забардаст олим, аjoyиб замондошимиз Комилжон Зуфаров ҳам бор.

А. ОҚИЛОВ,
Д. НУРИЙ

ОРОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

Бешминчи кўтариб қаюта дарчасидан ташқарига қарадим. Назарим жигар ранг сувга тушди. Агдарилиб-тўнтарилиб, қайнаб оқаётган бепоён Аму. Тонг отибди. Палубага чиқдим. Кемамиз қирғоққа тақалиб турибди. Кўз илғамас тўқай. Кун чиққани билан табиат тунги салқин ва шабнам асоратида жунжикиб тургандай.

Нариоқда шийон, бир неча оқ том кўринади. Бу ерни Урдабой дейдилар. «Амударё» балиқчилик колхозининг участкаси. Колхоз майдонининг бу четидан у четиға етиш учун олтинч километрдан ортиқ йўл босиш керак. Устортдан Сирдарёгача чўзилган, Амунинг ўйнаб йирмақлари тилкалаган, юзлаб-минглаб ойна қўрлар пардоз берган бу улкан ўлкада «Амударё»дан ташқари яна ўнлаб балиқчи, чорвадор колхозлар, шолікор совхозлар бор...

Минг кўл улмас ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам ўзининг ойдан кўлларида уричган гиж-гиж балиғи, овбол ўрдақлари, ҳамиса шерьиятга илҳом бериб келган оқ қушлари билангина эмас, жировлари, шорларни билан ҳам машҳур. Улмас «Қирқ қиз» достонини элға ёйган ва доно, сўзамол қиз Мекеш билан айтишувлари ҳамон онгиздан-онгизга ўтиб юрган Ажиниёз, халқ дардини, халқ бахтини қўйлаб ўтган Бердақ, Аялберганди шояр, яна кўпгина сўз усталири шу ўлканинг фарзандларидир. Шоирлар ўлкасида, Аму Ироғи Оқдёр буйида туғилиб воғга етган Тирловберганди оға бу ерларнинг табиати, бойлигини таъриф-таъсиф қилиб бир хангома сўзлади:

— Шу ерга яқин жойда Емон Ловзак кўли бор.— Шоир ўнг қирғоқдаги қалин тўқай томонни кўрсатиб кўл чўзди.— Жуда теран. Биз балиқчи вақтимизда ота-оналаримиз чўмилгани қўймас эди. Сабаби— сув ичгани кўл бўйига келган сигир-бузоқ, от, ҳатто туялар ҳам чўкиб кетарди. Емон Ловзак аталшининг боиси шундан. Кексалар бу кўлда улкан лаққалар — наҳанг балиқлар бор, улар қирғоққа яқин келган мол-жонни қўйруғи билан бир уриб сувга йиқитади-да, ейди, дейишарди. Отамнинг айтишига қараганда, бир йўлбарс қирғоқда пойлаб туриб юзага чиққан наҳангнинг шартта тишлаб отибди. Кейинча одамлар Емон Ловзак бўйида ўлиб ётган жуда катта наҳанг билан йўлбарснинг қўришубди. Йўлбарс наҳангнинг тишлаб отганида бели узилиб кетган экан. Одамлар наҳангнинг қорнини ёрганларида ичидан иккита йўлбарс боласи чиққанмиш... Бу тўқайларда тўнғиз, чияўруғи, қўён, қирғовул ҳозир ҳам кўп. Қадимда йўлбарс ҳам бўлган, кўлларда беш газ келадиган лаққалар сузиб юргани аниқ. Болалигимда ҳатто ўзим ҳам тутманман! Бир ўртоғим билан Ойдинкўлда балиқ овладик. Қарасак қайғимиз ўзидан-ўзи сузиб кетаёттиди... Қамишлар қайиққа урилиб шикир-шиқир сина бошлагандан кейин пайқабмиз. «Уй-бай, не бало!», деди ўртоғим. Кўм-

кў сувда лаққанинг сирти қоядай қорайиб кўриниб турарди. «Жили», дедим ўртоғимга. Қайиқ қирғоққа яқинлашганда секин тушдим-да, тўронгидан сўйил синдирдим. Лаққанинг бошини мўлжаллаб туриб бир туширдим... Қармоқ тизмаси — желани паққос ютиб юборган экан, жонивор: икки бола ҳа-ҳаллашиб лаққани қайиққа ортиб Тимофеев деган балиқчи савдогарнинг чўлонига олиб борганмиз. Тимофеев лаққанинг у ёқ-бу ёғини кўрди-да, кўзини қисиб қилиб: «Эй, бунга туз кўп кетади. Керакмас», деди. «Энди нима қилдик?», деб ҳайрон бўлиб бош қашиб турганимизда бойнинг кўса гумаштаси: «Яхши болалар экан. Қуруқ қайтарма», деб орага тушди. «Майли, сенинг сўзинг ерда қолмасин. Олсам олай. Бироқ туз кўп кетади-да», деди бой қийналгандай бўлиб. Олди. «Манглайларингни тангиб юринлар», деб икки лахтач чит берди. Икковимиз ҳам қўвониб қолдик. Қайиқда сузиб кетяпмиз-у, бир-биримизга қараймиз. Чит билан пешанамизни тангиб олганмиз. «Мана энди ҳақиқий балиқчиларга ўхшадик», деб оғзимиз кўлгоғимизда...

Кемамиз гоҳ ўқонга тушиб кетгандай, гоҳ қирга улоқтирилгандай қаттиқ чайқала бошлади. Аму тугаб Орол денгизига чиқиб қолдик. Ҳақиқатан ҳам унча узоқ бўлмаган масофада зумрад ҳошия каби денгиз суви кўм-кўк кўкариб турибди. Нақ манглайда қувш. Назаримда олам улкан ойнага айланди ялт-ялт этиб кўзни қамаштирди.

Рўпарада балиқчи кема кўринади. Теварағида қайиқлар фолбиннинг тошидай сочилиб ётибди.

Денгизда донгдор балиқчи Аял Назархоновни учратдик. Ҳамма балиқчилар каби унинг оёғида ҳам узун кўнжли резина этик, эгнида комбинезон. Бошида жимжимадор гилам дўппи. Баланд бўйли киши Аял Назархоновнинг тўр тишлаб балиқчилик қила бошлаганига ўттиз йилдан ошди. Бу орада қирқ иккинчи йилдан қирқ саккизинчи йилгача Совет Армияси сафида хизмат қилди. Гитлер галаларининг ўмганини узиб муқаррар яримжон қилиб қўйган ўша машҳур Курск — Орёл жангида қатнашди. Душмани Шарқий Пруссиягача қувиб борди. Бир эмас тўрт марта яраланди. Кўрсатган жасорати учун «Кизил юлдуз» ордени, «Жангивар хизматлари учун» медали билан тақдирланди. Қирқ саккизинчи йили ўз овулига қайтди. «Коммунизм» колхозида яна коммунизм қўриш йўлида енг шимариб ишлаб бошладик. 1959—1965 йилгача бўлган етти йиллик планини тўрт йилда бажаргани учун ҳукумат унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон бериб, кўрағига Ленин ордени билан Олтин юлдуз тақди.

— Меҳмонлар, ҳу-ува нави мототелоғида балиқ шўрва пишиб ётир. Кўнгилларинг торгса, биз билан тушлик қилинлар,— деди Назархонов узонда денгиз юзасида қалқиб турган кема томонга ишора қилиб.

— Нега кўнглимиз тортмас экан! Оралга келиб сиздай одамнинг қўлидан балиқ шўрва ичмай кетсак сафаримизнинг нима қизиғи қолди? — дедим.

Назархонов жилмайди-да, муртини силаб қўйди.

Кема томон сизб кетаётганимизда бригаданинг ишларини сўрадим.

— Бригаданимизнинг жағдайини? Ёмон эмас, — деб қўйди Аяп. — План тўлай деб қолди. Ҳозир, асосан, келгуси йил овозинг тарадудидамиз.

Тағига тушунмадим. Қандай қилиб? Шишадай денгиз сатҳида қорайиб-қорайиб турган қайиқларга кўз ташладим.

— Бригадамда олтимчи балиқчи. Кўпчилиги кўлларда...

— Қўлда ов қилишпаями? — деб сўрадим. — Йўқ. — Назархонов гапимни бўлди. — Бу пайт кўлларда ов қилиш жиноят! Иссиқ пайтда урчирилган чавоқларни доқа билан тўтиб денгизга қўйиб юборилади. Қишда чучук сувли кўллар музлайди. Муз тағида қулган балиқлар ҳаво етишмай қирилиб кетади...

— Э-ҳа, деҳқон бўлсанг кўз ҳайда, қоз ҳайдамасанг юз ҳайда, деган ташвиш сизларда ҳам бор экан-да.

— Беташвиш ҳаёт ҳаёт эканми! — деб қўйди Назархонов. — Мана ҳозир Довкамбир кўлини денгизга тағштириш учун канал қазиётимиз.

Мен эгнига комбинезону оёғига узун кўнж-ли резина этик кийган, жанговар йилларда солдат бўлган, тинчлик йилларида эса балиқчилик қилаётган бу меҳнаткаш инсонга зимдан қараб туриб, ҳурматим ортди. Узи оддий балиқчи. Боринг-ки, бригадир. Уй-рўзғори ҳақида лом-мим демади. Бошида бутун колхознинг ташвиши, колхозим бўлсин, эл-юртим бўлсин, дейди. Келажакни ўйлайди.

Теплоходимиз сувда аста чайқалиб турган шийпон нухса кемага яқинлашганда Аяп Назархонов мотор товушини босиб қичқирди:

— Месьё! Шўрва пишдимиз?

— Тайёр! — деган жавоб эшитилди у томондан.

Тоғуш эгаси оқ шляпали, ёноқлари чиққан қорамғиз киши. Пастки лабидан энгагича тўшган калта соқоли билан бошқалардан ажралиб турарди.

Кемага ўтиб қўл олишдик. Қисқич чағир кўзларида меҳмондўст илик табассум. Мезбон — ауаласи пишиқ қораклаппок. Нега энди у «Месьё» бўлар экан?

Лағанда балиқ қосаларда эса шўрваси келди. Қўй гўшти шўрвасидан қолишмайди. Айниқса помидор солиб пивёдо қилингандан кейин таъми бошқача бўлиб кетаркан. Палубада ёзилган дастурхон атрофида чордона қуриб хангомалашдик.

Назархонов мезбонга яна «Месьё» деб мурожаат этди. Унинг қўлигаги шивирлаб:

— Узининг оти шундайми? — деб сўрадим.

— Йўқ, — бош чайқаб жилмайди у. — Оти Мамбетназар. Фамилияси Абдиқасимов.

— Унда нега «Месьё» дейсиз?

— Франциядан «Месьё Мамбетназар Абдиқасимовга тегсин», деб ёзилган хатлар келиб туради. — Назархонов нарироқда чой дамлаётган мезбонга бир қараб қўйди-да, гапида давом этди. — Франция Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида иштирок этган. Узидан сўранг, яхши гурунт қилади.

Чой ичиб ўтирганимизда сўрадим.

У ерга қараб жилмайди:

— Несин аятади? Бари ўтди-кетди.

— Айтаверинг. Французлар қандай одамлар экан, биз ҳам билайлик-да! — Мотофелого мотористи — пахмоқ соч ёш йигит илтимос қилди.

— Қандай бўларди? — дея қулди Мамбетназар. — Тури сенга ўхшамаса-да, қилиғи ўхшайди. Базан моторни бирдан босиб келиб юборасан-ку, балиқларни ҳуржитиб, одамларни қўлчиб! Француз ҳам сендай бирдан қизишиб кетиб балад кўтариларида-да, бирдан пастга тушади...

Даврадагилар йигитни ҳар ёқдан чўқилишиб бир дам аския қилиб олишдик.

— Бизнинг командир шундай эди, — деб қўйди Мамбетназар ерга қарақанча тин олиб. — Энди гурунтни овулдан кетганимдан бошлайин. Биласиз-ку, бизнинг овул Оққала. Қирқ иккинчи йили анов Абдирайимов бор-ку, Менглибек...

— Ҳа, ҳа, — дейишди даврадагилар. — Телвидениядаги...

— Тап шул Менглибек, баримиз армияга бирга қақирилганимиз. Урушга Волга бўйидан кириб Житомиргача етиб бордим. Воҳ-ҳ! Отанга лаянат фашист. Йўлимизда битта бутун қишлоқ, битта бутун шаҳар қолдирмабди-а! Ҳатто анов темир йўл бор-ку... пўлат! Шуни-да, қарс-қарс синдириб кета берган. Бир қишлоққа кечаси кириб борсак ғиж-ғиж фашист экан. Улар ҳам пайкамбади, биз ҳам. Аралашиб кетишимиз. Қиш. Совуқ. Бир уйда улар бўлса, иккинчисиди биз. Бир аросат тўполон бошланди, асти кўявер! У деразадан ҳам тар-тар отишма, бу деразадан ҳам. Ким кимни отаётганини билиб бўлмайди. Узимизни ўзимиз қириб қўймасак эди, деб қўрқамиз. Бир вақт қоронғида комбатнинг: «Оқ кийимли кўрсанг отавер!» деб қичқирганини эшитиб қолдик. Фашистнинг маскировка ҳалати



«Месьё Мамбет» — Мамбетназар Абдунаимов.

зимистон тунда оппоқ нишонга айланди. Қоп-қора деворлар панасида лип этган оқ шарпани қуриб қолгудай бўлсак бутун-бутун дискани бушатиқ, деразаларга гранаталар ташлади. Енаётган уй, қўралар алангасида чопиб юрган гитлерчиларни роса тердик. Тонг отанга ертўлаларда бекиниб ўтган яна саксонта фашистни топдик. Лекин шу жангдан сал кейинроқ — қирқ учинчи йил декабрнинг бошларида ўзимиз қолқонга тушиб қолдик.

— Вой-бу, шўринг қурибди-ку! — моторист йигит ҳайрон бўлиб Мамбетназар томонга энгашди. — Қандай қилиб? Қирқ учинчи йили-а! Ахир армиямиз душманни қувиб кетаётган бир пайтда-я?

— Вой, бола, — Аяп унга ҳайрон бўлгандай боқди. — Худди қўрғандай сўзлайсан-а. У вақтда онангинг қорнида эмасмидинг?

— Тўғри, оға. Онанинг қорнида ҳам йўқ эдим...

— Мактабда ўқиб билган-да, — дея изоҳ берди Мамбетназар. — Тўғри, биз фашистни изма-из қувиб кетаётган эдик. Шу қувди-қувдига қизикиб кетган бўлсак керак, қуршовда қолдик. Фашистлар батальонимизни олдинга ўтказиб юбориб, шартта бошқа кучлардан узиб қўйди. Етти кеча-кундуз оч-наҳор душман билан олишдик. Олдимизда ҳам душман, орқамизда ҳам душман, тепамизда ҳам душман. Ҳамма ёқдан отади. Бомба ташлаб туриб «Рус славайси!», деб бақиради. Етти кунгача қор еб тирикчилик қилдик. Бирок қор кишига дармон бўлмас экан... Мен олти кунга чидадим. Олтинчи кунги кечасига яқин ҳолдан тойиб йиқилдим. Эс-ҳўшим жойида, ҳамма нарсани кўраман. Лекин оёғим гавдамни кўтариб туришга, бармоқларим автомат телқисини босишга ярамай қолди. Еттинчи кунги эрта тонгда

тушган қуюқ тумандан фойдаланиб душман бизни таппа босди. Батальонимизнинг қолган-қутгани — ярадорлар, яримжонларни Польшадаги қандайдир ҳарбий асирлар лагерига тиқди. Кейин Франциядаги Костер концентрацион лагерига кўчирди. Бу ерга ҳайр-ҳэсон кўтариб француз хотин-қизлари кириб туришарди. Улар озиқ-овқат билан бирга янглиқлар ҳам олиб келишарди. Яқин атрофдаги ўрмонда француз партизанлари ҳаракат қилаётганини эшитиб, қандай бўлмасин улар билан алоқа бошлаш, қўшилиш фикрига тушиб қолдик. Ичимизда Иван Петрович деган рус йигити бор эди. Соц-соқолини олдириб ўзини тел-баликча солиб юрарди. Бир минг беш юз кишлоқ ҳарбий асирлар лагерига жуда эҳтиёткорлик билан ташкил топаётган қаршилик кўрсатиш ташкилотининг бошида шу одам тургани фашистларнинг етти ухлаб тушларига ҳам кирмагандир-ов. Ниҳоят, узоқ оразиқиб қутилган кун ҳам келди. 1944 йил 20 апрель кечаси яширин ташкилотнинг юзта аъзоси сездирмайгина бараклардан чиқиб, деворларни паналаб дарвозага қараб юрдик. Етиб борсак дарвоза ланг очик. Епирай, ўта юракли йигит эди Иван Петрович! Шу кунги фашистларнинг қандайдир байрам экан. Атрофдаги минораларда қорувул қолмабди. Иван Петрович шуни қутиб бир қоронғи бурчакда бекиниб турибди-а, эмаллаб дарвозага ақилашибди. Елғиз қолган соққини бир мушт билан йиқитиб, қанор қопга тиқибди. Лагердан қочганларни татта йўл муволишида тўртта усти ёпиқ юк машина қутиб турган экан. Қорувул жойланган қанор қопни ҳам машинага чиққанимда кўрдим. Шу пайт лагеръ томонда тасир-тусир отишма бошланди. Ун беш километрча йўлни тезликда босиб ўтиб, эсон-омон ўрмонга кириб яшириндик. У ерда бизнинг қочишимизни уюштирган француз партизанлари отрядининг қароргоҳи бор экан. Бизга уч кун дам беришди. Тўйдиришди. Кийинтиришди. Кейин қўларимизга қурол бериб бўлиналарга бўлишди. Франция шаронита партизанлик жанги тактикасини ўрганишга киришдик. Мен Совет Армиясининг сержанти бўлганим учун ўн икки кишга бошлиқ қилиб қўйишди. Ҳай, француз қизлари!...

— Сулув бўлса керак-а! — ўзини тутолмади моторист.

— Ҳей, ўнмаган! — Мамбетназар унга бир хўмрайиб, юзини ўғирди. — Ута юракли қизлар эди. Уша бизнинг олдимизга лагерга қирб-қичиб юрган қизлар! Улар орасида поляк қизлари ҳам бор. Велосипедда атрофдаги қишлоқ-шаҳарчаларни оралаб қаерда қанча немис гарнизони тургани, қурол-яроғ, техникаси, барини билиб қайтишарди. Биринчи марта француз дўстларим билан тунги овга чиққаними ҳеч унутмайман, ўрмонга яқин жойдаги қишлоққа кетаётимиз. Агар биз Бормасак, у ерда турган немис гарнизони ўрмонни эртаб олган бошқа жаза отрядлари билан ўрналаб бизни босади. Урмон қаршисига қўйилган немис дозорларига дуч келмаслик учун ёнбошдан четлаб, кишлоқнинг орқасига ўтиб олдик. Ҳужумимиз шу қадар қўқисдан бўлдики, душман биздан эмас, биз турган томонга қараб қоча бошлади. Бу жанг ялт этган яшиндай қисқа бўлди. Бутун бир моторлашган ротани қириб ташладик. Шу ротанинг машиналарига ўтириб, сафар ошхонасини пишиб турган овқати билан тиркаб олиб жўнаб қолдик. Тап шу кечанинг ўзиде қирқ-эллик километр йўл босиб изимизни йўқотдик. Иттифоқ-чилар иккинчи фронт очиб қўшин туширғунларича Францияда ана шундай сайил қилиб юрдик, — мийғидага қулиб қўйди Мамбетназар. — Ҳай! Бошқача сайил ҳам бўлгандир-ов, месьё! — деб тегишди Назархонов. — Манави келаятган хатлар шундай сайиллардан орттирганинингиздан бўлса керак, оға! — деди моторист.

— Мамбетназар яна четга ўтирилди. Кейин моторист йигитга юзлашни деди: — Орттирдим! Эшитдингми? Кўп дўст орттирдим!..

Тепамизда оқ чарпоқлар чарх уришарди. Олам нурга чўмилган, осуда. Денгиз сатҳи жимирлайди. «Мингкўл ўлкасининг фарзандлари», дейман ичимда балиқчиларнинг тобанган, мардона юзларига боқиб, Бекхтёр уларнинг қўлларига қарайман. Бу қадок қўллар — мусибатли кунларда қурол тотиб Ватанин ҳимоя қилган, тинч кунларда эса эл дастурхонини маъмур этган саҳий қўллардир.

С. АНОРБОВ

ШАРҚДАН ПОРЛАГАН ЮЛДУЗ

Биз Ғафур Ғуломни ота шоир, муаллим шоир деб атаймиз. Чиндан ҳам унинг бутун ижоди ва, айниқса, ёшликка қаратилган, ёшларга бағишланган шеърлятида ушбу ҳол яққол нўзга ташланади.

Ғафур Ғулом бирдан ва тўсатдан отақон шоир бўлиб қолгани йўқ. Бу шарафли номга сазовор бўлгунча у салкам ярим асрлик ижод йўлини босиб ўтди. Халқ номида гапирга олиш даражасига кўтарилди. Бинобарин, унинг илк шеърларидаёқ отадай салмоқли, некин, жиддий сўзлашга, фириюртишга гўҳтатиб бўлмас майл борлигини сезамиз. Бу гапларнинг, албатта, чуқур асоси бор. Ғафур Ғуломнинг ёшлиги кўп уқубатлар ичра кечди. У етимликда ва етимлар ичда ўсди. Узи ва укаларини тарбиялаш, кун некириш учун, ўз сўзлари билан айтганда, «қилмаган хизмати, тутинмаган иши» қолмади. Ленин ўшанда «ўху-ўхув чегарасида маълумотга эга» бўлган Ғафур Ғулом «бу саргардончиликдан бир иш чиқмаслигини» яхши англайди. У муаллимлар тайёрлайдиган курсни битириб Тошкент мактабларида муаллимлик қилади. Комсомол ишларига берилади. Маъна шу пайтдан бошлаб, унда юксак даражада гранданлик тўғриси уйғонади ва шоирнинг ҳаёти бутунлай янги, маорифчилик изига тушади. Мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётини жўшқин қалби, тўлиқлиб, ёришиб келаётган шуури билан идрок этади. Халқнинг нечаги ва бугунги турмушини солиштириб кўради, келажакка назар солади. Янгилик кўртанларидан қандай бақувват, сермева шохлар ўсиб чинишини чамалайди ва бу кўртанларни қорайтириб, сўхта қилиб юборишга шайланган кучларни, иллатларни аниқроқ, равшанроқ синфий нўз билан кўра бошлайди. Шунда қалбда халққа қарата сўзлаш эҳтиёми туғилади. Бу эҳтиёб натта кучга айланади. Энди Ғафур Ғулом тинимсиз ёзади.

У пайтлар халқнинг энг илгор, пешқадам вакиллари орасида Ҳамзанинг «Маориф ва маданият тарқатайлик», деган шоир долларб дастур бўлиб турган маҳаллар эди. Тула ва том бир асос билан айтиш мумкинки, Ғафур Ғуломнинг илк ижоди (20-йиллар) ва ундан кейинги давр шеър-

лари (30-йиллар) маъна шу шоир остида ёзилди. Бу фикрни, айниқса, шоирнинг янги ўн жилдли асарлари мажмуасининг биринчи китоби (шеърлар, 1923—1940) тасдиқлайди. Бу янги нашр шуниси билан қимматлики, унда шоирнинг даярли йигирма йил мобайнида яратган шеърляти имкони қадар тула ёритилган. Шоир ҳаётлигида матбуотда эълон қилинмаган, кенг китобхонга номаълум қатор асарлар киритилган. Томда шоирнинг гоят қимматли таржимаи ҳоллари берилиб, даярли ҳар бир шеър шоирнинг бошқа нашрларига қараганда тўлақон изоҳлар билан таъминланган. Томни муқаммал нашрга айлантириш устида жиддий иш олиб борган Ваҳоб Рўзиматов шеърларнинг аниқ саналарини беришга, матнларнинг тўғри ўқилишини таъминлашга ҳаракат қилган. Маъна шу уришлар туғайли биз шоирнинг урушгача бўлган давр шеърй ижоди Ғулом етарлича тўлиқ танъишига муяссар бўламиз.

Ғафур Ғуломни шу давр ижодига кўра муаллим шоир деб атаса бўлади. Дарҳақиқат, у қолоқликни савод билан енгишга, янгиликлар кўчкисини ҳам савод билан қабул қилишга, инқилобий маданиятни савод билан ўргатишга қақирди. Шарқнинг озод, кучли шоири янгиликни олқишлаб «раъвоёр наъралар» тортиди. Ғафур Ғуломнинг ҳаётда натта маъсади бор эди. У йигирманчи йилларда «бошимни зўр ишга бериб қўйибман» деб лоф уриб, аммо на «зўр ишда» тайин бўлиб, на халқнинг катта ҳақиқатига бош қўшолган, на келажакка уюнд назарини ташлай олган айрим шоирлардан некин фарқ қилган ҳолда уларга қарши кураш платформасида иш олиб борди. Яъни у «Донгли шоирга» шеърда айтганиден, «ёлгончи тараннум, кўпикли ваҳима»лар сочмади. У «малъун кўнрақларга бир мисқол кўрошин»дай ботадиған шеърлар ёзди. Зотан, у ўзини фахр билан дегрез шоири деб этайди, дегрезларнинг манфаатини кўзлайди ва ҳимоя қилади, дегрезларнинг маданияти учун нурашади.

Ғафур Ғуломнинг шеърляти сиёсий курашларда, адабий жангларда тобланган шеърлят. Буни унинг шеърлари нечоғликом комсомол руҳи билан, қемак, ўт-олов руҳи билан суғорилганидан билиш мумкин. Шоирнинг ўзи ҳам кейинчалик, «Ассосан мени шоир қилиб етказган Ленин комсомоли бўлди», деб тан олади. Комсомоллик йиллари Ғафур Ғулом учун қалъаларни забт қилиш йиллари бўлди. Шеърга довул ва бонг садосини олиб кирди. У «Қўмса» шеърда буни яхши ифодалаб берган:

Бир бомба шўхлиги қўларимизда,
Чақин қақнар эди товонимиздан,
Кўёш ўзини кўриб юзларимизда,
Олов иссиқарди шўх жонимиздан.

Ҳаттоки, оловни исинтирилган шоир социализмнинг биронта гигант биноси йўқни, унда бизнинг ўсимир билагимизнинг кучи сингмаган бўлсин, деб атайди. Биз

эса, бу гигант бинога, оламшумул иншоотларга унинг билан кучига эмас, ҳар бир мисради, ҳатто шеърининг оддий номи ҳам сингиб кетган, деб айта оламиз. Ғафур Ғуломнинг илк ижоди яна «муштум»чилик, кучли сиёсий сатирра билан боғлиқ. Шоир ўзининг «Истанларим», «Бу ҳам бир ҳақиқат», «Қўроғонтеги», «Сурнай», «Қиш ва шоирлар», «Валаху айзан...», «Войдод, бормайман, деди», «Алкоголь», «Тайлиф қиламан», «Тўлқинлар олдида» сингари шеърларида сиёсий кўрликни, сансалорлиқни, маданият судралишини, гоълий биқиндиқини, майпарастлиқни авбсиз қоралади.

Шоирнинг социализм душманларини забун ҳолда, узок асрлар асоратда қолган халқини эса юксак маданиятли, шухуқли, шавкатли, мағрур ҳолда кўриш истағи шу қадар кучли экани, сўзларидаги қаҳр, авбсизлик то бу кунгача тирик, ҳали ҳам унинг сўзларидан душманлар пўст ташлайди. Шоирнинг таърифлари шундайки, уларда тарихий ҳақиқатлар марназлашади, ҳодисалар чуқур ҳақиқият билан бадий ифодасини топади. Кўрайлик: «алкоголь — ...нозли бир бузуқ, созли бир сатанг, инкиқ бир келин сингари...», ёки СД (социал-демократлар партияси): «Форд, Рокфеллер, Нобелнинг тизин ачомлаб, бузуқ хотиндай нозланади», ёки Бухорони қон ва ёшга ботирган амир Олим: «даюс», «кусуғига ёнбошлаган бир бадмаст», уни қўллаб-қувватлаган «дин эса, тиз ачомлаб алёрки», ёки муштумзўр: «жийған, ўланса», Хуллас, Ғафур Ғуломнинг сифатлашари «мард дегрезнинг», «шу кўнларни ёзолгучи шоирнинг» сифатлашаридадир. Шоир сўзда душманларга, унсурларга, «маданият макнёларга» қанча омонсиз бўлса, янги дунё ботирлари, голиблари, эрлари, наърали шерларига нисбатан шунча меҳрли, бинабарин, ҳар бир таърифда порлоқ нур, суюкли оҳанг бор.

Ғафур Ғуломнинг урушгача бўлган шеърляти умумсоят адабиятига улкан новатор кириб келганлигидан далолат берди. Албатта, унинг шеърляти фавқулодда, тасодифий ҳодиса эмас. Мен, Ғафур Ғулом шеърлятидаги руҳ, бошдан, Навоий даҳосидан, Махмур, Гулҳаний ибратларидан ранг олди, Муқимий, Завқий, Фуқрат, Ҳамза, Суфизоданинг демократик анъаналарини узига сингирди, дея оламан.

Ғафур Ғулом асарлари мажмуасининг ушбу китобидаги «Туркисиб йўлларда», «Яловбардорликка», «Етар май, рубоий ва анекдот», «Қўмса», «Совет қаҳрамонларига» каби ўлмас шеърлари ўзбек шеърлятининггина эмас, балки умумсоят адабиятининг ҳам олтин фондидан ўрин олган. Ғафур Ғулом бу шеърлари билан катта жаҳон шеърляти томон, чинаман ва улуг шеърй Туркисиб йўлини очди, ўзбек совет поэзиясига миқёс ва кенглик, тералик берди. Халқнинг чоғига яраша шеърлят яратди.

Иброҳим ҒАФУРОВ



Дарё чорлайди.

Г. ГРАФКИН фотоси

ХУШКЕЛДИ

Достондан парча

Атоқли халқ шоири Эргаш Жуманбулбулнинг ижодий мероси — ҳақиқий хазинадир. Унда бахши тилидан ёзиб олинган ва ҳозиргача эълон қилинмаган бутун-бутун достонлар ҳам бор. Биз ҳозир шундай асарлардан «Хушкелди» достонини нашрга тайёрамоқдамиз. «Хушкелди» Гурўғли туркумига кирувчи қаҳрамонлик достонларидан биридир.

Достон Гурўғлининг тоғаси Аҳмад Сардор Авазхонни бекларга ёмонлаб, «Ҳасанхон билан инкиси ҳеч бир фойда келтирмайди», деб гийбат қилиб турган бир пайдан бошланади. Бунни эшитган Авазхон, «Мен шу қилганига ўзимни бир кўрсатай», дея янги жангга отланади, Гурўғлига пешвоз чиқиб, ундан Ғиротни сўрайди, қирқ йигит билан Хунхорга қарши юриш бошламоқчи эканини айтиди. Аввалга Гурўғли «Ҳали ёшсан, жангу жадални кўй», дейди, Ғиротни бергиси келмайди. Авазхон эса натиқ жюри олади. Ниҳоят, Гурўғли рози бўлади.

Авазхон йигитлари билан мўлжалланган

... Ана энди, «Нима дейсан, Хушкелди бовам Гурўғлининг Ғиркўк отини ўйнатиб, ҳаммага томоша берар эмиш», деган овоза билан кўчаларга одам сиғишмайди.

Одамлар: «Тезроқ борайлик, дуруст ердан жой олайлик, кейин қолсақ жой етишмайди», деб бир-бирини қистаб кела берди. Хунхор шох, ўзига муносиб жой тузаб, тахтини ҳам кўтартириб, салтанат, ҳайбат, сивёсатни жуда катта қилиб, теҳт устига чиқиб ўтирди.

Баландда тузалган жойда қанча бўлса сипоҳилар ўтиришди. Пастдаги жойни фуқарога кўйдилар. Одамлар: «Бундай йиғин ҳеч қаерда бўлгани йўқ», деб, мактаб турибди. Ана шундай қилиб турганда, Ғиркўк отни миниб, ўзини от устига тузаб, Хушкелди бова келди.

Шу вақтда ҳамманинг кўзи Ғиркўкда, Ғиркўк зийрак от эди. Эгаси нима гапирса тушунар, билар эди, Гурўғли уни худди тилмоч қилиб олган эди. У ҳатто одамнинг кўнглига нима келганини ҳам билар эди. Эси, дарди — Авазхон. От ҳам одамларни томоша қилиб турибди.

Хунхор шохнинг одамлари ўн саккиз дона фиштин қабатлаб қўйиб, унга бир хода ҳам кўмди. Бунни кўрган одамлар бир-бирига қараб сўзлашди. «Шу от ўн саккиз қабат фиштага аста-аста чиқар эмиш, ўйин жуда қизиса, шу ҳодага йўргалаб чиқар эмиш», — деб, ҳамма ҳайрон, офаринлар айтиб турибди.

Шунда, Хушкелди бова отни миниб, ўйинга солиб, усул қилаётибди. Ғирот жуда тобга келса, ўзи жиловини буриб силқийди, оғзини очиб одамларга қараб тезланади. Одамлар: «Одамхўрнинг оти-да», деб, тура-тура қочади. Хунхор шох айтиди: «Нимага бундай қилади?» Гурўғли айтиди: «Айтмбзимиди, шундай, хуши қолмаса ўйнамайди». Бу ёмонлағурнинг қилиғи кўп-да», Хунхор шох айтиди: «Майли, ҳар нима бўлса айтинг, мелол келмайди, толамиз». Гурўғлибек айтиди: «Бу от дунёпараст, хуржуннинг икки кўзига олтин, кумуш, қимматбахо тошлардан солиб, устига ташлаб кўйинлар. Подшо буюрди: «Бир хуржунин олтин-кумушга тўлдириб бер, ана энди ўйнасин», деб отнинг устига ташлатди.

манзилга бориб, душмanning ўн минг сипоҳига қарши жанг қилади. Лекин Аҳмад Сардор хивнат йўлига кириб, йигитлари билан Чамбилга қочади. Авазхоннинг садоқатли дўсти Холдорхон жангга кетган вақтда Хунхор Аваз билан Ғиротни банди қилиб олади. Бундан хабар топган Холдорхон ҳам энди урнинининг фойдаси йўқлигини сезиб, Чамбилга қайтади.

Бу воқеаларнинг барча тафсилотини билгач Гурўғли чилтонлар берган пат ёрдамида чол қиёфасига кириб йўлга тушади. У Хунхор мамлакатига бориб, ўзини Хушкелди деб танитади, шохнинг ишончини қозониб Ғиротга сайис бўлади. Ниҳоят, Гурўғли ўз тadbирорлиги ва мардлиги туфайли, Авазхонни ҳам, Ғиротни ҳам кўтаради.

Қуйида достоннинг сўнги қисмидан парча ўқийсиз.

Мансур АФЗАЛОВ,

филология фандлари кандидати

Гурўғли:

Кел жонивор, ўйин бошла,
Емон феълларинг ташла,
Турганларнинг вақтин хушла,
Ўйна, Гурўғлининг оти,
Асли туркман хоназоти! —

деб ҳайдаб бораверди. От ўйнамади. Подшо айтиди: «Нимага ундай қилади? Мана, қара, неча элдан, фуқародан, сипоҳи умародан шунча одам, шу отнинг ўйинини кўрамиз, деб келган, бу ўйнамаса ҳамма хафа бўлади-да. Бова айт бering, отнинг кўнглидагини толамиз», деди.

Гурўғли кўрса, иш тобига келди. «Подшохим, айтайин, сизлар эшитганми-эшитмаганми, Гурўғлининг Аваз деган бир жувонмарги бор. Унга бу ёмонлаб ўлгир хуштор, ишқибоз. Агар Аваз бунни минса, учар қушларни олади. Ҳавога салчийди. Энди, болаларим, Авазхондай болани она туғмайди, лекин Авазхонга менгзар сулув бўлса, миндириб ўйнатар эдим». Шунда Хунхор шох, донишманд оталик беклар қаҳ-қаҳ кулишиб: «Бова, Авазхон шу ерда», дейишди. Бова бўлса: «Авазхон бўлганда шу вақтгача отни ҳодага чиқарар эдим, Аваз бўлса томошани энди кўр!» деб шовқин сопа берди. Шунда беш юз жаллод мирғазаб Авазхонни зиндондан чиқариб олиб келди. Авазхон ҳайрон бўлиб, ўз кўнглида «Хунхор шох мени қийнаб дорга бююрармикин!» деб лол бўлиб турди. Қараса, отаси Гурўғлибек Ғиркўғнинг устида йўлбарсдай бўлиб турибди. Шунда у, ёш бола эмасми, йиғлаб юборди. Гурўғлибек қаҳр билан Авазхонга бир ола қаради, шу билан ўғли ўзини тўхтатади.

Ана энди Гурўғли Авазхонни орқасига миндириб, отнинг ҳам димоғи чоғ бўлиб, усул қилиб, кокил ташлаб, ўйин бошлаб, қўлтиридан фарқин сочиб, оғзини очиб, бовани олиб қочиб, ҳар макомга солиб, одамларга даф қила берди. Хунхор шох сўради: «Бова нимага бундай қилади?» Гурўғли: «Ишинг бўлмасин, энди ўйнайди, бу ҳодага чиқсам, ма-

на бу бола тушиб қолади, деб ўйлаётир. Бировнинг узун пўтасини олиб келинлар, маҳкамлаб олайлик», деди. Шунда турган йигитлар қимматбахо бир пўтани олиб бориб берди. Гурўғли, Авазхонни тушиб қолмасдай қилиб, маҳкам боғлаб олди. Бир елпув, икки юлқувага тушмади, маҳкам бўлди. Ана шунда Гурўғли димоғи чоғ бўлиб, кўнгли оқ, насияс нақд бўлиб, Ғиркўк оти ҳам ўйнамоққа чоғ бўлиб, байт билан отни ўйинга солди.

От бўлар йигит қаноти,
Эр йигитнинг муроди,
Ўйна, Гурўғлининг оти,
Асли туркман хоназоти!

Сенсан отларнинг султони,
Гурўғлининг тани-жони,
Томошанга эл йиғилган,
Ғиркўк бўлсанг ўйна, қани!
Ўйна, Гурўғлининг оти,
Асли туркман хоназоти.

Шўхлик қилиб йиқилмаган,
Тўқлик қилиб тикилмаган,
Чачаси чанга болмаган,
Ортидан шунқор етмаган,
Тизгиндан душман тутмаган,
Ҳеч тулпор ўзиб ўтмаган,
Ўйна, Гурўғлининг оти,
Асли туркман хоназоти!

Донғинг Доғистонга кетган,
Сув ўрнига шарбат ютган,
Чу деганда қушдан ўтган,
Зарби душмани йиғлатган,
Оп, Ғиркўк от келди, деса,
Сияҳпўллар қамов тортган.
Ўйна Гурўғлининг оти,
Асли туркман хоназоти!

Гурўғлининг чин молисан,
Сулув қиздай ҳаблिसан,
Гурўғлининг назарига
Борган соҳибжамолисан,
Эган сени от демайди,
Оғзидан шакар-болисан,
Ақлинг доно одамзоддан,
Аслинг — Чамбилинг молисан,
Ўйна, Гурўғлининг оти,
Асли туркман хоназоти.

Тўрт оёғинг кўкка тепган,
Сағриларинг нондай кўпган...
Тўрт оёғинг — қонқан қозин,
Ўмганларинг филдан ёзиқ,
Баданларинг қиздай нозик,
Елинг майин, кўзинг сузук;
Аччиқланиб, қаҳринг келса,
Кетарсин оламни бузиб,
Пойгада тулпорлар чопса.
Сен ўтарсан думинг қўзиб,
Ўйна, Гурўғлининг оти,
Асли туркман хоназоти!

Олти ой таблада боқилган,
Еминга кишимиш тўқилган,
Емини кўриб есин деб,
Машъалдан чироқ ёқилган,
Оёғинг ип қиймасин деб,
Ипақдан пайванд тақилган,
Оёғини тош урмасин деб,
Ҳабкўшдан нағал қоқилган.
Оёғинга теккан тошлар,
Мисли ёнғондай чақилган,
Ўйна, Гурўғлининг оти,
Асли туркман хоназоти!

Отим Ғирот, жоним Ғирот,
Еминг кишимиш, турван банот,
Устингдаги соҳиб давлат,
Мингашган Аваздай жаллод,
Шунча одам йиғилибди,
Ўйна қил наватбама-нават,
Ўйна, Гурўғлининг оти,
Асли туркман хоназоти!

Ғиркўк от, чоғидишдай қайна,
Усул қилиб қиздай ўйна,
Кўрсат элга ҳунарингни,
Ҳайвонлиқни, Ғиркўк, тайла,
Кўрган кочиб бўлсин сенга,
Жондан кечиб, ўйна айла,
Ўйна, Гурўғлининг оти,
Асли туркман хоназоти!

Тулпорлигинг бошдан билдим
Сутлар бериб катта қилдим,
Фунон бўлганча етаклаб,



Рассом В. Кайдалов чизган

Дўнанигда абзал солдим.
Одам сутин бердим ман,
Одамдай зийрак бўлсин, деб.
Иилки сутин бердим ман,
Юртдан ўзиб келсин, деб.
Сигир сутин бердим ман.
Хужук бурун бўлсин, деб.
Ҳачир сутин бердим ман,
Жони қаттиқ бўлсин, деб.
Эшак сутин бердим ман,
Йўлга зийрак бўлсин, деб.
Кўйнинг сутин бердим ман,
Кўйдаи ювош бўлсин, деб,
Эчки сутин бердим ман,
Доим сакраб турсин, деб.
Туя сутин бердим ман,
Юкка бардош қилсин, деб.
Кучук сутин бердим ман,
Ҳар қаердан келсин, деб.
Алқар сутин бердим ман,
Кўп қиячл бўлсин, деб.
Кийик сутин бердим ман,
Доим тонглаб юрсин, деб.
Қоплон сутин бердим ман,
Кўп юракли бўлсин, деб.

Шернинг сутин бердим ман.
Шердай кучли бўлсин, деб
Йўлбарс сутин бердим ман,
Қаҳр билан турсин, деб.
Чўққа сутин бердим ман,
Мудом семиз бўлсин, деб.
Маймун сутин бердим ман,
Юртага ўйин берсин, деб.
Айиқ сутин бердим ман,
Имлаганим билсин, деб.
Филнинг сутин бердим ман,
Фил жасадли бўлсин, деб,
Говаз сутин бердим ман,
Умри узун бўлсин, деб.

Ғиркўк, энди кўринг — ўйин бошлади,
Аста аста энди кокил ташлади,
Авазхонни миндириб от устига,
От ҳам, кўринг, энди вақтин хушлади.

Энди Ғиркўк озин очиб келади.
Хушкелдини олиб қочиб келади,
Уйин, дейди, кўтарилар ҳавога,
Қаноти бор қушдай ўнч келади...
Ғиркўк ирилкмас ҳайвон қолмади,

Бу отга тан бермас одам бўлмади,
Турган одам бари озги очилиб,
Шунча қизиқ бўлганини билмади,
Кўрамиз, деб, одам босиб келади,
Хушкелдининг кўнгли ўсиб келади.

Эгарнинг қошинда дудама ханжар,
Ким ёнашса, бошин кесиб келади,
Уйиндан қолдик, деб, олиб келади,
Кўзига қарамай қулиб келади,
Икки ханжар дамга тортар одамни,
Ёнашгани икки бўлиб келади.

Хушкелди бовангиз «Чу!», дер, кулмайди,
Отга қарар, бошқа назар қилмайди,
Улганининг устига босиб чиқиб,
Кўзи отда, ўлганини билмайди,
Кўрамиз, деб итаради, суради,
Кўзи отда, одим-одим юради,
Дўнгдагилар энди наста қараса,
Қизил қон ширқираб оқиб боради.

«Эрисин тоғларнинг қори, эрисин,
Нарроқ қочинг, Хушкелдиси кўрисин!»
«Қоч-қоч!» деб, бари шовқинни солди,
Уришиб, сўкиб, ҳадеб ваҳшатлар қилди,
Одамларнинг сўзи билан йиғилган
Узларидан энди бохабар бўлди.

Қараса, нечовлар ётар типирлаб,
Бир хиллари гапиролмай шипирлаб,
Ухшатиб тепибди, ўнгалмасдай қил,
Улар одам бўлмай ётар қимирлаб...

«Ўлдик», дейди, улар нола қилади,
Гўрўғлибек жилмазди, кулади,
Уйин деб ўлгани билмай душманлар,
Йиғласа, уларни мазақ қилади.
«Бу Хушкелди эмас, бу бир балоиди,
Кечка давур бизни адо қилади!» —
Баланддагилари тушиб тубанга
«Кўйма-кўйма», дейди, шовқин солади.

Бек Гўрўғли испихонин суғуриб,
Томоша қинг, энди кўлга олади,
Озин очиб Ғиркўк оти, шамолдай,
Уйиннинг каттасин энди қилади.

Одам кўп-да, ҳамма ўртага олиб,
Ҳар тарафдан ҳар хил ҳарбалар солиб,
Энди тушди қилич олиб газага,
Бек Гўрўғли қолди энди қамалиб.

Аваз айтар: «Ота, тезроқ қочайки,
Эл йиғилар, энди йўлни очайки,
Одамлар бундан ҳам йиғилиб қолса,
Қачонгача душман қонин сочайин!».

Бек Гўрўғли айтар «Эрлар уйтмайди,
Душманини қойил қилмай кетмайди,
Қиличнинг кўлинига олиб, ҳозир бўл,
Ғам ема, фарзандим, кучи етмайди.

Остимда турганда Ғирўқдай отим,
Қабатимда турса сендай фарзандим,
Майдонда тенг келмас отанга ҳеч эр,
Хунхор шоҳни нега босмас ғайратим!
Чатоқ қилай Хунхор шоҳнинг ишини,
Кўзимга кўринмай шунча кўшини,
Томоша қилиб тур отанг ишини,
Юмалатай келганининг бошини».

Қамчи урди Ғиркўк отнинг сонига,
Хунхор, кел Гўрўғли майдонига,
Энди тани, билчб қолгин, Хунхор шоҳ,
Қойил бўлгин Чамбилнинг полвоинга!

Ана энди ҳамма: «Бу Хушкелди эмас,
бу бало экан, билмабмиз, от кўй, тагин
ўртаимиздан чиқиб кетмасин, кўлга туши-
ринг! Авазхон кетмасин», деб, «Ушла-уш-
ла!» «Урха-ур!» бўлиб, чувлаб, шовқин
солди.

Энди баланддаги катта амалдорлар,
улуглари: «Ҳай аттанг, бу Гўрўғли экан,
бой бериб беҳабар қолибмиз, ҳай аттанг,
ҳай аттанг», деб, бариси қилич демай, мил-
тиқ демай, шашпар, найза, камон, болта,
теша, кўлингга нима келса ур, кўйма, деб,
Гўрўғлибекни ўртага олмоқчи бўлди. Ясо-
вуллар одам йиғнагани ҳар ёққа қараб чо-
паёттир, қаерда Хунхор шоҳнинг аскари
бўлса қувалаб олиб келаттир. «Кўйма-кўй-
ма!», деб шовқин солаттир...

Икки паҳлавон кураши

Алишер Навоийнинг кичик замондоши шоир ва адиб Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг «Бадое ул-вақо» асарига муаллиф ўзи кўрган ва зшитган воқеалар баён этилади. Биз мазкур асардан парча эълон қиламиз.

Хожаги Абдуло Сабр ҳикоя қилади:

Бир кун султон Ҳусайн Бойқаро фозил, адиб, шоир ва улуг мартабали давлат арбоблари билан мажлис куриб ўтирган эди. Мажлис қатнашчиларидан паҳлавон Муҳаммад Абу Саиднинг хечрасидан маъуслик, кайфсизлик аломатлари сезилар, у аллақандай хаёл дарёсига чўмиб, бошини куйи солиб ўтирар эди. Буни сезган Ҳусайн Мирзо ундан гамгинлигининг сабабини сўради. Паҳлавон Абу Саид:

— Султоним, каминани «Жаҳон паҳлавон» унвони билан сарафдор қилиб, бошини кўнка этказдингиз, лекин мен бу улуг унвонини олишга ўзимни лоқиқ кўрмайман, чунки Ҳиротлик паҳлавон Муҳаммад Мавлоний билан бел тутишганим йўқ. У зотни курашда

йиқитмасдан туриб «Жаҳон паҳлавон» унвонини олишга сазовор бўла оламаними?— деб маъуслиги сабабини аниқлади. Ҳусайн Мирзо ва Алишер Навоий паҳлавоннинг сўзини эшитиб хайратда қолдилар ва:

— Эй, Жаҳон паҳлавон, Муҳаммад Мавлоний башар жинсидан эмас, балки одам қиёфасидаги бир девдир. У билан кураш тушишингиз тўғри эмас, бу фикрдан қайтингиз,— деб бир қанча насиҳатлар қилсалар ҳам паҳлавон Абу Саид ўз фикрида туриб олди. Шу чоқда Муҳаммад Мавлоний ҳам мажлисга кириб келди. Ҳусайн Мирзо унга:

— Паҳлавон Муҳаммад Абу Саид сиз билан кураш тушишини орзу қилади. Сиз бу ҳақда нима дейсиз?— деган эди, Муҳаммад Мавлоний қўлини кўксига қўйиб,

таъзим бажо келтириб айтди:

— Мен у жанобга одобсизлик қилишни кўнглимга сира келтирганим йўқ ва келтирмайман. У зотнинг падаларни менинг устозим бўладилар. Устозимнинг ўғли маҳдумзодамга беодоблик кўрсатишни ўзимга эп кўрмайман.

Мажлис аҳли паҳлавон Муҳаммад Мавлонийнинг сўзига завқланиб, таҳсин ва офаринлар айтидилар. Лекин паҳлавон Муҳаммад Абу Саид:

— Зарари йўқ, мен билан кураш тушишингиз тилайман. Бир одам сиз билан беллашишни истаса, хўб деб қабул этинг. Узр айтманг. Бу — курашнинг шартларидан бири эканлигини унутманг,— деб Муҳаммад Мавлонийнинг узрини қабул қилмади.

Шундан сўнг Ҳусайн Мирзонинг амри билан ҳар икки паҳлавон курашга тайёрландилар. Муҳаммад Мавлоний Муҳаммад Абу Саидни йиқитмаслиқни, ўзи ҳам унда йиқилмаслиқни кўнглидан ўтказиб, орани очик қолдиришга қарор қилди.

Кураш бошланди, ҳар икки паҳлавон бел тутишдилар. Муҳаммад Абу Саид Муҳаммад Мавлонийни гафлатда қолдириб, чалиб юборди, Муҳаммад Мавлоний ёни билан ерга йиқилди. Муҳаммад Абу Саид ўзини гўлиб санаб Ҳусайн Мирзо қаршига тиз чўкди. Ҳусайн Мирзо унга:

— Йиқилган кишининг кураги

ерга тегмагунча у йиқилган деб ҳисобланмайди. Бу таомилни ўзингиз ҳаммадан яхшироқ биласиз,— дегач, Муҳаммад Абу Саид:

— Эй, султоним, бу қандай гап, миноранинг орқа ва ёни бўладими?— деб эътироз билдирди.

Шу пайт паҳлавон Муҳаммад Мавлоний ўридан турди. Бамисоли маст филдек Муҳаммад Абу Саид томон юрди. Унинг бу важоҳатини кўрган Муҳаммад Абу Саид Мирзо Ҳусайннинг орқасидан уй дарчасининг темир панжарани олдига ўзини олди. Панжарани ушлаб ўзини маҳкам тутиб турди. Паҳлавон Муҳаммад Мавлоний кела солиб, бир қўлини Муҳаммад Абу Саиднинг оёқлари орасидан, иккинчи қўлини бўйнидан ўтказиб куч билан ўзига қараб тортиди, панжара ўридан кўчди, дезоо қаттиқ шикастланди. Кейин Муҳаммад Мавлоний Муҳаммад Абу Саидни панжарга қўшиб даст кўтарди, ерга урмаққа чоғланган эди, Ҳусайн Мирзо дарров ўридан туриб:

— Хай-хай, паҳлавон Муҳаммад Мавлоний! Агар мени ҳурмат қилсанг, паҳлавон Абу Саидни ерга урма!— деди.

Паҳлавон Муҳаммад Мавлоний Ҳусайн Мирзонинг сўзини эшитиб, паҳлавон Абу Саидни панжара билан бирга ерга қўйди, қўлини ундан тортиди.

Форсчадан Ш. ЗУННУН таржимаси

Омонқора

Республикаимиз территориясида яшовчи чорвадорлар, деҳқонлар омонқора ўсимлигидан турли хил дорилар тайёрлаб, чиқсон ва ярачакларни даволаб келганлар.

Абу Али ибн Сино ҳам ўзининг «Тиб қонунлари» китобига бу ўсимлигининг шифобахш эканлигини қайд қилган. Унинг хабар беришича, қуритиб тукилган омонқора пивезининг талқони ҳар хил яра-чаканинг битишига, чипқоннинг тез пишиб ёрилишига яхши ёрдам беради. Пивезидан олинган шарбатга ун ва асал қориб тайёрланган малҳам бадандаги заҳарли ўқ захинини ҳамда танада қолган металл зарраларини сўғуриб олади. Халқ табобатида омонқорадан тайёрланган дори-дармонлар билан қовуқ, сийдик йўли касалликларини даволаганлар. Бу ўтнинг шарбатига узум сиркаси қўшиб сочга сурқалса, сочни тўкилишдан сақлаши кўпдан маълум.

Омонқора Урта Осиё, жумладан, Қорақумда, Копеттоғда, Фарғона, Чотқол, Туркистон, Ҳисор, Дарвоз тоғларида тоғ ёнбағирлари ва адирларда ўсади. Бу доривор қимматли ўсимликни яиаш шароитига қараб Фарғона, Чирчик водийсида «қорақовуқ», Сурхондарё ва Қашқадарёда эса «омонқора», тожиқлар «жавак», туркманлар «гайрак» деб атайдилар.



Биологияда бу ўсимлик «унгерния» деб юрилади.

Омонқора алкалоидларга бой ва кўп йиллик ўсимлик бўлиб, 20—25 йил умр кўради.

Омонқоранинг пивези қора қобик билан муҳофаза қилинган. «Қорақовуқ» ателишининг боиси шундан.

Омонқора тоғда дарахт панасида, яйловларда сергўнг кўтон теварагида кўп бўлади. Қор кетар-кетмас пивезининг ёшига қараб узунлиги 40—50 сантиметрда 5 дан 12 га қадар тасмасимон берг ёзади. Май, баъзан жойларда эса июнь ойининг бошларигача ўсиб воёга етган қуриydi. Икки ярим ойча дам олиб июль ойининг иккинчи ярмидан бошлаб бергсиз поя чиқаради. Август ва сентябрь ойларида гуллаб бўлиб уруғи пишади.

Халқ табобатида дори-дармон сифатида кенг қўлланилган омонқора ўсимлигидан замонавий медицинада ҳам фойдаланилмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Собир Юнусов билан шогирди кимё фанлари доктори Ҳаким Абдуазимов омонқора ўтидан 16 хил алкалоид ажратиб олганлар. Шулардан галантами деб аталган алкалоиддан оз миқдорда қўшиб тайёрланган дори медицинада болалар полиомиелитининг асорати шол касаллиги, мушакларнинг қувватсизланиши каби бошқа кўпгина касалликларни даволашда мамлакатимиз ва чет эл клиникаларида қўлланилаётди. Омонқорадан ажратиб олинган алкалоидлардан тайёрланган аполхорин қон босими— гипертония касаллигининг ҳамма хилларини даволашда яхши натижа бермоқда. Шунингдек уйқусизлик, юрак ўйнаши ва сиқилиши билан оғриган беморларни даволашда ҳам галантами асосида тайёрланган дорилар яхши ёрдам бермоқда. Ҳозирги вақтда Ҳисор тоғи дараларида 339 гектар омонқора тарқалган майдонлар мавжудлиги аниқланди. Москва ва Тошкент кимё-фармацевтика заводларига 1960 йилдан 1970 йлга қадар икки минг тоннага яқин омонқора барглари йиғиб топширилди.

Бу گیёҳнинг халқ соғлигини сақлашдаги аҳамияти тобора ўсиб бормоқда.

Султон ҲОМИДХУҲАЕВ,
биология фанлари кандидати

Ровоч

Республикаимизнинг чўл, адир, тоғ ва яйлов зоналарида 4200 дан ортиқ ўсимлик турлари учрайди. Бу ўт-ўланларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, кўпчилигидан эфир майлари, фитонцидлар, глюкозидлар, дармон дорилар, минерал тузлар ва ошловчи моддалар олинади. Ана шундай шифобахш ўсимликлардан бири ровочлар.

Ровоч — торондошлар оиласига мансуб, кўп йиллик йирик баргли хушхўр тоғ ўсимлигидир. У Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Андижон областларининг адир ва тоғларида ўсади.

Ровоч эрта баҳорда гурираб ўсади, бўйи 30, ҳатто 100 сантиметрга етади. Май ойининг охирида тўлиқ гуллаб, июль ойида уруглайди. Ўзбекистонда ровочнинг бойлиги битмас-туганмасдир.

Ровочнинг илдиздан кўнчилиқда тери ошлашда ишлатиладиган юқори сифатли ошловчи модда олинади. Бир ровоч ўсимлиги илдизининг оғирлиги ўртача 350 грамм келади. 1 гектар ердан 1,3—1,5 тонна қуруқ илдиэ тўшлаш мумкин.

Аб. Али ибн Сино ровочдан турли касалликларни даволашда нег фойдаланган. Маҳаллий аҳоли эса доривор ва зиравор ўсимлик сифатида ишлатади. Унинг пояси С витаминига ва минерал тузларга бой бўлиб, қон босимини пасайтиради. Поясидан ажратилган суви эса ёш болалар ошқозонини она суттга мослашишига ёрдам беради. Ровочнинг илдиэ ва мевасидан тайёрланган шарбати эса ошқозон ва дизентерия касалликларини даволашда ишлатилиб келган.

Абдуҳамид ХОЛМУРОДОВ

Табиат эҳсонлари

Ғазаали баҳорша

Хурматли журналхонлар! 1969 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Абурайҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг илмий ходимларидан Абдулла Носиров билан бирга Марғилонга бордик. Уша кунлари бу ерда олим, фозил ва таби назм соҳиб Аҳмадjon Мадбобоев вафот қилган эди. Аҳмадjon аканинг уч юздан зиёд қўл ёзма ва босма китоблари билан бир неча дафтар мусавваларини ҳам институт фондига олиб келдик. Мусавваллар ичда марҳумнинг байт ва ашъори билан бирлиқда классикаримиз Навоий, Фурқат, Муқимий, Заъқий ва бошқаларнинг ҳам ҳали кўпчилиқка маълум бўлмаган шеърлари, маснавийлари, ғазаллари, му-

хаммаслари ва ҳажвийлари бор экан. Шулардан бири — улуг шоиримиз Зокирjon Фурқатнинг «Ғазали баҳория»сини диққатингизга ҳавола қилмоқдамиз. Матнда: «Ушбу беш матлаъ «Ғазали баҳория» ахли таъб аҳоблар бирла бир боғ томошасида Фурқат мутахаллис хўқандлик Мулло Зокирjon таъби зодиндин», дейилади. Демак, шоир баҳор фасли дўстлари билан боғ сайрида бўлганда «Боғда» радифли шу беш матлаъни айтган экан.

Абдулла ЖУВОНМАРДИЕВ,
филология фанлари кандидати

МАТЛАЪИ АВВАЛ

Ораз очиб сайр қилғач ул суманбар боғда,
Сочди гуллар бошига зар вирдидин¹ зар боғда.
Юзи саргармиш гамидин, ул гули аҳбар эрур,
Демагизким, ҳар тараф очилди аҳбар² боғда.
Ғунчалар гофил хазондин, ончинон хандон эрур,
Сонди³ сориг сабзасин гўеки заъфар боғда.
Кўрдингиз чун ул сиҳи⁴ қад жилва рафторини,
Айламанг наззораи сарву санубар боғда.
Сунбули зулфин анинг боди сабо бутраттиму,
Бўлди тўфроқ нақҳатидин⁵ мушку азфар⁶ боғда.
Шахсуорим келди, оё, турди савсан саф тузуб,
Ҳар тараф айлаб ясоқ, илғиди ханжар, боғда.
Паб такаллумга уюрди, бўлғай ул ширин суҳан,
Бўлди сувлар жўй ичинда шаҳду шаққар боғда.
Неча-неча бўлмадим танҳо соч ул гул ҳажриддин,
Даста-даста тўкти булбул ҳам қолиб пар боғда.
Жаннат ичра хуру навсар ваъдаси қилди малул,
Соқиб, тут бир раҳиқи⁷ рудҳарвар боғда.
Чўғ ор эткан бузўқ қулбамага келмас, айб эмас,
Ноздин сайр эмас ул товуси пайкар боғда.
Айлади булбул тараннум Фурқатни гул барғига,
Ёзиб эрдим матлаъи рангини дигар боғда.

МАТЛАЪИ ДУВВИМ

Сунбулин бутратти, оё, ул суманбар боғда,
Анбаромиз эсди ел ҳар соридин ҳар боғда.
Қилдиму ҳарён хиром жилва раъно қад била,
Сарви наврас⁸ ер била бўлди баробар боғда.
Жўй ичинда сувлар ўлса, тонг эмас, оби ҳаёт,
Ул лаби жонбахш юрса айлаиб гар боғда.
Хўқна-хўқна ҳар диёра тўҳфа қил эй, боғбон,
Бўлди сочи бўйқинди тўфроқлар анбар боғда.
Ерим олдинга қулб чиқмоқ учун солмиш эрур
Ғунчалар зар вирдидин озига заъфар боғда.
Астағи сориг, қизил деклинни акси кўшидин,
Настарин бўлди гули раъно саросар боғда.
Хирмани гулдур агар ўлтурса бу пайкар била,
Юрса бир сарвиравон ул жилва пайкар боғда.
Номам ул гулчеҳрата зинҳор такдими айласун,
Айлағил булбулга таслим, эй кабутар, боғда.
Нола ул наср ила чекти, мен навоини назм ила,
Мен била бўлғай қачон бўлсун баробар боғда.
Лаъли жонбахш элга бизнинг ёр бўлғай, бўлмаса,
Юрмади кўкдин тушуб Исо паямбар боғда.
Фурқатийдек тоза матлаъ ноласин такрор қил,
Булбула қилдин тараннуми қўб мунарар боғда.

МАТЛАЪИ САВВИМ

Бўлмади ёр ила гул сайри муъссар боғда.
Хоҳ чинини боғ бўлсун, хоҳи ҳайдар боғда.
Бир гули раъно гамидин ҳар баҳор ўлмиш манго
Ғунчадек хунжигар ютмоқ муқаддар боғда.
Боқмадинг дема гулу сунбул сори, эй, боғбон,
Йўқдур ул гулчеҳраи зулфи муаттар боғда.
Оташин гул ичра ҳар нарқас кўзи бир шўпадур,
Солдиму оташкада ёнқи Озар⁹ боғда.
Бу тароватда юзин кўрган, хижолат чекмаса,
Гўлки рухсори нечуқдин бўлди аҳмар боғда!

Анбарин зулфиға сунбул ўзни ўхшатса бўлур,
Ҳар қачонким, заъфарон ўлса муъсар¹⁰ боғда.
Нофах чин савдогари келтурмасунким хокни,
Нақҳати зулфи қилибдур мушки анбар боғда.
Кечалар гулшани маҳтоб эткали ҳар настарин,
Ҳар тарафда бўлди бир моҳи мунаввар боғда.
Кўзлари қийғочдин бодом дам ўрмиш эди,
Туши аъсосига юз минг захми наштар боғда.
Вокзо, беҳуда ташбихоти тимсолнинг қўй,
Не муносиб қоматиға сарву ар-ар боғда!
Бу баҳор ўлмиш ажаб дилсўз булбул ноласи,
Фурқат ашъоридин, оё, қилди азбар¹¹ боғда.

МАТЛАЪИ ЧАҲОРИМ

Жилва қилди юз очиб ул ҳурманзар боғда,
Шуъла чекти гўйё хуршиди ховар боғда.
Яхши келдинг, зоҳидо, беш индур абрўсигаким,¹²
Тузмамишдур боғбон миҳору¹³ минбар боғда.
Мен жунун аҳлиға сардор ўлсам охир, айб эмас,
Ким пари хилиға ёрим бўлди сарвар боғда.
Соқиб, бу кеча туткил бир қадаҳ май сибақриб,
Масту лояъқил¹⁴ бўлай то рўзи маҳшар боғда.
Сарвининг синди белию гуллар ўлди поймол,
Ҳар тараф ул шўхким сурди такоғар¹⁵ боғда.
Ҳар қадам қўйгонда гунпори кифидин очти гул,
Айлади они ҳино бошиға афсар боғда.
Сунбул ўлмас зулфидин неға паришон рўзгор,
Ким бинафша хаттидин бўлди муқаддар¹⁶ боғда.
То нигорим юзидин касби тароват қилмади,
Бир гули йўқким очилғай тозау тар боғда.
Ул харифи бодапаймо бирла харгиз оҳким,
Чекмадин гулранг май бир неча соғар боғда.
Уқуди булбул хазон фаслида бир боб, онгладим,
Ғунча тўмор ила гул оққонда дафтар боғда.
Фурқат нишо айлағач, бу тоза матлаъни эшит,
Қумри тобе ўлдино булбул муъсар¹⁷ боғда.

МАТЛАЪИ ПАНЖИМ

Сайр этар бизнинг бориб зулфи муанбар боғда,
Тўрмасун, тортар хижолат, сунбули тар боғда.
Не таҳаммулдурки, бўлди жоми жам, ҳар гул яна,
Настарин кўзгуси миръоти Скандар¹⁸ боғда.
Оташин рухсоридин гул хирманиға урди ўт,
Булбул аҳкарлар аро бўлди самандар¹⁹ боғда.
Ҳар аёғ босқон ердин сабзау райшон унар,
Юрса ҳарён ул баҳори нозларвар боғда.
Булбулу қумри гулу сарв узра қаду оразин
Васфиди нақш ўқур ул икки қаландар боғда.
Қеддига айлаб ҳасад, эргашмасун, деб боғбон,
Сарв аёғин боғлади сув бирла чамбар боғда.
Гўна-гўна ерда рангин хильатининг аксидур,
Демаким товуси жаннат ёзди шаҳпар боғда.
Ҳар тараф оқу қизил гул баргини сочи насим,
Лозим ўлмай қолди ганжи бодивор боғда.
Кечалар маҳтобу кундуздур булут катра фишон,
Бўйла масъум ҳеч қачон ўлмас муъссар боғда.
Ҳавз аро сув мавжидан себаргалар галгону гарқ,
Сабзаларин тебратиб ел ҳам саросар боғда.
Айш асбоби муҳайё, ҳаққиним аҳоб йўқ,
Чеккали Фурқат кеча то субҳ соғар боғда.

¹ Вирд — такрор-такрор сўзлаш. ² Аҳбар — вужуддаги қон томилари. ³ Сонди — ҳисоблади. ⁴ Сиҳи — тўғри, тинка. ⁵ Нақҳат — яхши ҳид. ⁶ Азфар — ниҳоятда исл, деган маънода. ⁷ Раҳиқи — соф на хушбўй шароб. ⁸ Наврас — янги етишган, янги битган. ⁹ Озар — оташ-парастлар сизингидан фаршталардан бири. ¹⁰ Муъсар — асдур деган кўнат рангига бўйлан. ¹¹ Азбар —

ёлламоқ. ¹² Абрў — нош. ¹³ Миҳор — тизгин, ип, арқон. ¹⁴ Лояъқил — ақдан озган, хушдан кетган. ¹⁵ Такоғар — йўрга оғ. ¹⁶ Муқаддар — кядарли, гамили. ¹⁷ Муъсар — забот итилган. ¹⁸ Миръоти Скандар — Исқандарнинг жаҳоннома ойнаси. ¹⁹ Самандар — ўтда ёнмайдиган афсонавий махлук.

ЎРИНБОСАРЛАР МАКТАБИ

Иттифоқимиздаги машхур футбол командаларининг яқин йиллар ичида босиб ўтган йўлига бир назар солсак, қайси команданинг резерви, таянч кучлари, чинакам ўринбосарлари етарли бўлса, уша команда қўқилмай, бардам олға интилиб келмоқда. Футбол ишқибозларининг эсларида бўлса керак, бир неча йил муқаддам Москва «Спартак» командасининг ўйинларидаги кўр, илгариги маҳорат қолмай, бирданига сусайиб кетган эди. Айрим футболчиларнинг ёши ўтганлиги тўғайли командадан кетишлари, уларнинг ўринини эгаллайдиган, чинакам ўринбосарларнинг бўлмаслигидан шундай ачинарли аҳвол юз берган эди. Кейинча командага бир гуруҳ қобилиятли ёшлар келди. Улар устоз тренеолар ёрдамида Хусанов каби ветеранлар билан тезда «тил топишди». Натижада «Спартак» ўзининг илгариги шон-шухратини қайта тиклашга муваффақ бўлди. Афсуски «Пахтакор» командасида ўринбосарлар муаммоси ҳали ҳозирча кун тартибда турибди. Бизнинг ёш «Пахтакор» футбол мактабимиз шу муаммони, бир қадар бўлса-да, ҳал қилишга даъват этилган.

Мактабимиз аънанесига мувофиқ ҳар йили март ойида «Пахтакор» стадионига ёш футбол ишқибозлари тўпланишади. Улар келажакда Абдураимов, Красницкий, Раҳматуллаев, Иброҳимов каби моҳир ўйинчи бўлишни орзу қилган ёшлардир. Улар футбол мактабига кириш учун футбол, баскетбол ўйинлари, югуриш, узоқлик ҳамда баландликка сақраш, турник ва брусьеда ўз маҳоратларини намоиш қилиб, имтиҳондан ўтадилар. Кейин тренеоларнинг болалар билан танишуви умумий таълим мактабиде кундалик дафтарларига қўйилган баҳоларни кўришдан бошланади. Футбол мактабиде ўқини истаган болалар ўз мактабларида фанлардан албатта аъло ва яхши баҳоларга ўқиётган бўлишлари керак. Паст баҳо билан ўқиганларни мактабимизга олмаймиз. Ёш футболчилар мактабига киришни орзу қилган болалар озмунами?

Ҳар бир «А» ва «Б» класс командалари ҳузурида ўринбосар футболчилар тайёрлаш ўқув гуруҳлари мавжуд. Уларга ўн ёшдаги болалар қабул қилинади. Болалар олти-етти йил давомида ҳафтесига тўрт марта қатнаб ўқийдилар. Декабрь ойида каникул бўлади. Бу ўринда яна шунга айтиш керакки, мактабимизни битирувчилар орасидан фақат биринчи разрядли футболчиларгина эмас, жамоатчи тренео ва инструкторлар, футбол судьялари ҳам етишиб чиқади.

Утган ўн беш йил давомида мактабимизни битирганлар орасидан Геннадий Красницкий, Биродар Абдураимов, Виктор Суянов, Ҳамид Раҳматуллаев, Владимир Штерн, Мақсуд Шарипов, Равил Зокиров, Сергей Доценко, Вячеслав Солохо, Владимир Тожиров каби чарм тўп устаслари чиқди.

Ўн-ўн беш ёшлар ўртасидаги шогирдларимиз табиатан турлича бўлган болалардир. Лекин ҳаммаси ҳам келажакда мсхир футболчи бўлишга астойдил интилган катта футбол «ошиқ»ларидир. Улар албатта, дастлабки йилларда анча қийналишади. Ўқиётган мактабларида фанларни яхши ўзлаштириш билан бирга футбол мактабидеги машғулотларга ҳам мунтазам қатнашишлари, ўйин техникаси ва тактиказини, тўпни қўл ва оёқ билан қанбул қилиш, тўхташтиш каби усулларни ўрганишлари керак бўлади. Ана шундай ҳам ақл, ҳам жисмоний куч сарфлаб аъло баҳолар билан астойдил ўқиётган ёшларимиз кўп. Икром Акрамов, Темир Олимхўжаев, Олег Еремеев, Ришот Шокировлар бугунги кунда мактабимизнинг энг яхши талабаларидир. Уларга катта спорт тажрибасига эга бўлган Лазиз Мақсудов, Ажмал Азизхўжаев, Вали Шамсимухамедов каби собиқ атоқли футболчилар таълим бермоқдалар.

Футбол техникасини билишнинг ўзи ҳақиқий ўйинчи бўлиш учун камлик қилади. Бунинг учун ўқувчиларимиз кучли, чаққон ва акробатик ҳаракатларни энгил бажарадиган, ҳар томонлама чиниққан бўлишлари керак. Шунингдек, футбол тактикази, макетдеги турли вариантлар ва ўйин системалари билан яхши таниш бўлишлари лозим. Мактабимизда ёш футболчиларга катта футболнинг ана шу сирлари ўргатилади. Утган йилги битирувчилардан Баҳор Шоахмедов, Тоҳир Тўраев, Ботир Назаров, Ренат Фаҳридинов, Ефим Кандинов, Сергей Прогорочев «Пахтакорнинг» дублёрлар составига тавсия этиладилар. Улар энди катта пахтакорчиларнинг ўринбосарларидир.

Сергей АРУТЮНОВ,

Ёш «Пахтакор» мактабининг бош тренео.

Бадминтон Шарқда, қадим замонларда Ҳиндистонда пайдо бўлган. Бу ўйинни Ҳиндлар ҳозир ҳам севиб ўйнайдилар. Бу нундаги номининг иелиб чиқиши эса Англиянинг Бадминтон деган қишлоғи билан боғлиқ. Худди шу ерда ўтган асрнинг охириларида илк марта бадминтон бўйича расмий мусобақалар ўтказилган.

Бу ўйинни ўрганиш осон. Бадминтон учун махсус иншоотлар куриш, чинматбоха ниҳозлар сотиш олиш шарт эмас. 13Х6 метр сатдагич тенис майдон ёки уна-ламзор бўлса, бас. Қиш пайтларида эса, спорт зали, каттароқ хоналар ҳам бадминтон ўйнашга ярайверади. Тўр, ракетна билан волан — пастри шарчани магазиндан олиш ёки қўлда ясаш мумкин.

Бадминтонни тўрсуз ва қоидаларга риоя қилмасдан ҳам ўйнаса бўлаверади. Лекин мусобақалар қоидаларга кўра ўтказилиши лозим. Бадминтон федерацияси томонидан шундай қоидалар тасдиқланган ва 1963 йилда биринчи марта бадминтон бўйича СССР чемпионати ўтказилган. Эндиликда мусобақалар ҳар йили ўтказилмоқда.


болдаги сингари ҳисобланаверади.

Волан ўзгача қилиб ясалганлиги тўғайли йўналтирилган пайтда олдинга ёки пастга қараб фақат оғир томони билан учади. Шу боисдан рақибларнинг ҳар бир зарбаси аниқ ва ўринли бўлиши керак. Бу зарбалар асосан тўрт хил бўлади: 1) қалта зарба; 2) ҳаволатиб берилган зарба; 3) ер бағирлатиб берилган зарба; 4) ҳужумкор зарба. Ўз навбатида бу зарбалар яна иккинчи — пастги ва ҳаволатиб берилган зарбаларга бўлинади.

Бадминтон ўйинининг гўзаллиги ва мураккаблиги зарбаларни галма-гал, ҳар хил мақомда интизом билан алмаштириб туришдан иборатдир. Масалан, бир зарба рақибни орқага чекиншига мажбур этса, бошқаси уни тўр ёнида пайдо бўлишга мажбур қилади. Рақиблар ўйин давомида ана шу усулдан фойдаланадилар. Зарбаларим аниқ бўлсин, десангиз воланни тинимсиз таъриб эттишингиз лозим.

Мабодо дастлабки пайтларда омадингиз юришмаса ҳафсалангиз пир бўлмасин. Чунки машқларни

БАДМИНТОН



Расмий мусобақалар 13,4×5,2 метр катталикдаги тўғри бурчакли текис майдондада ўтказилади. Майдонча ўртасидан кунданангига 155 сантиметр баландликда волейбол майдонидегига ўхшатиб тўр тортилади.

Ўйин чен ташлаш йўли билан бошланади. Чен тушишига мувофиқ бир томон воленин ўйинга киритиш ва майдончанинг ўзига қулай тарафини танлаб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Волан илк дафъа ўнг томондан диагональ бўлаб рақиб майдончасининг ўнг тарафига тўрдан ошириб узатилади. Агар рақиб воланни қайтаролмаса шарчани узатган ўйинчи ҳисобига бир очко ёзилади ва унга воланин қайта уриш ҳуқуқи берилади. Воланин узатиш пайтида ракетка узатувчининг белидан баланд кўтарилмаслиги керак. Рақиб ҳам ўз навбатида, нима қилиб бўлсада, воланин ракетка билан тўрдан ошириб қарши тараф майдончасига тушириш пайидан бўлади. Ўйин шу тариқа волан то ерга тушгунча ёки волейболдаги каби майдондан ташқарига чиқиб кетгунча тўхтамайди. Очко ва партиялар ҳам шу тариқа — волей-

боллаган биринчи кунларда ракетканигиз воланга қатто тегмай ўтиб кетиши ҳам мумкин. Лекин машини канда қилмасангиз мақсадингизга етасиз. Ана ўшанда бу ўйиннинг нақадар заркли эканлигига яна бир қарра амин бўлишингиз шақ-шубҳасиздир.

Бадминтоннинг асосий қоидалари қуйидагича:

1. Ўйин ўнг тарафдаги майдончанин дуч келган жойидан воланин узатиш билан бошланади; 2. Узатиш пайтида, зарба берилаётганда ракетка ўйинчининг белидан баланд кўтарилмаслиги керак; 3. Волан рақиб майдончасига фақат бир зарб билан узатилади.

Узатиш пайтида: 1. Волан рақиб майдончасига ўтмай қолса; 2. Ўйинчи воланин белидан баландда тўтиб узатса; 3. Волан тўрға кириб қолса;

Ўйин давом этаётганда; 1. Ўйинчи тўрға ракетка ёки бирор аъзоси билан тегиб кетса; 2. Волан ўйинчига тегиб кетса, узатиш ҳуқуқидан маҳрум бўласиз ёки очко ютқазиб қўясиз.

Бадминтон ана шундай қизиқарли ўйин. Бадминтон билан шуғуллансангиз афсус қилмайсиз!

Эмиль КРОТКИИ

ЎЗИЛМАГАН АСАРДАН ПАРЧАЛАР

Классиклардан олдин турмоқчи бўлсанг — уларнинг асарларига сўзбоши ёз. Унинг ҳар бир комедияси режиссёр учун драма, томошабин учун фоҳиа эди. Ҳатто ёмон одамлар ҳақида ҳам яхши ҳикоялар ёзиш керак. Радиопрёмник бизни олис мамлакатлар

билан яқинлаштиради ва энг яқин қўш-ниларимиз билан уриштириб қўяди. Боксини мириқиб томоша қилади: ўзи эмас, биров калтак еса — қандай маза! Дунёда яшаганлигини таъзия чиққандан кейингина билдилар. Нохуш телеграммалар ҳамisha кечикмай келади. Баҳорда ҳатто этиклар ҳам бир-бирининг қулгоғига ёқимли нарсаларни шивирлармиш. Юлдузларга ҳам юқоридан туриб қарашини хуш кўради. Меҳнат қилганларнинггина эмас, уларни олқишлаганларнинг ҳам қўллари қадоқ бўлади. Унг қўли чап қўли нима қилаётганидан беҳабар эди. Чап қўли эса пора оларди. Енаётган уйда дарпарда алмаштирмайдилар. Пьеса билан залда бўш жойлар анчагина эди. Фақат юрганда ўйлар, лекин камдан кам юрар эди. Ҳаёт бакинсоли универмаг: излаганингдан бошқа ҳамма нарсани топасан. Дудланган балиқ сувни соғинмайди. Ҳеч нарса ўқимаас, чунки ўқувчи эмас, ёзувчи эди. У курортдан қайтгач, мақтанди: — Мен ҳужайин билан битта денгизда чўмилдим!

Атоқли совет юмористи Эмиль Кроткийнинг «Ўзилмаган асардан парчалар» китобидаги ҳикматли ёборалар фикрингизни чархлайди, кай фингизини чоғлайди. Бу ҳикматли сўзларда гоҳ кувноқ, гоҳ кинояли, гоҳ мамну, гоҳ таънали, гоҳ мулоим, гоҳ аччиқ кулги янграб туради. Ана шу китобдан баъзи намуналар билан танишинг.

Балет — карларнинг операси. Ҳаёт — мактаб. Бироқ уни тамомлаш учун шошилмаслик керак. Ўзувчининг фикри қамаётган сари сўзи кўпаяди. Тошюрак экансиз. Бунақа юраклардан йўл солиш керак! Дошиманлар билан кассирлар пулга бир хилда бешарқ қарайдилар. Латифани охиригача зшитмай, кулма, эҳтимол кулгилми эмасдир. Йўқотганига қайгурма, топганинга қувон. Шухрат ўлимга ўхшайди: одами энг яқин кишиларидан жудо қилади.

Санама хола тўй ўтгунча кўни-қўшини, қариндош-уруғларига нелинининг таърифини қилиб юрди: — Ҳай, айланайлар, ўғилгинамга мос қаллиқини ху-уп қидирдим-у, аммо кўнглимдагини топдим-да! Доим айтардимки: «Ўғлим, пешанаиғ отангиникидек кенгинга, хотиндан ёлчийсан, худо хоҳласа, кимсан аспироннинг қайнанаси бўлиб, олдига солиб юрман...» Бироқ, тўйдан кўп ўтмай Санама холанинг ҳасратидан чанг чиқиб қолди:

ҚИЗИМ СЕНГА АЙТАМАН...

Назира ансини қилди. Санама холага бу ҳам ёқмади: — Ия, уйрингизда ҳовли супурганмисиз ўзи? Ҳеч замонда ҳовлини тўрдан эшикка қараб ҳам супурадими? Уйдан барака нетади-ку... Қайнанага гап қайтаришини эп билмаган Назира ўйлаб-ўйлаб буниг иложини топди: ҳовлини айланасидан ўртасига қараб супурадиган бўлди. Ана шундай нуларнинг бирнда Санама холанинг қайнанаси Моҳира буви келиб қолди. Кампир биринки нундаёқ аҳволни тушунди. «Бир хил хотинлар қайнана бўлгач, ўзларининг нелинин вақтларини унутдилар, Санама ҳам унуттибди», деб ўйлайди у. — Ҳозирги нелинларга Бедил

ҳам мушкул бўлмай қолди, — деб қолди Моҳира буви, нечурун, дастурхон устида. — Давлат ишини ҳам, бола-чақани ҳам эплашлатти. Бир хил қайнаналар бунинг қадрига етмайди. Уларни ўз измига солмоқчи бўлади, «Ўқигану уй туттишини билмайди, типпа-тин», деб қойишди. Рўзгорда уқуви йўқ келинлар илгари бўлмабдики? Қадимги қайнаналар хул сабр-қаноатли экан, а? — Моҳира буви Санама холага маъноли қараб қўйди-да, давом этди: — Мен ҳам келин бўлганимда жуда ёш эдим. Қайнанами одам қилдилар мени. Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир кунни мошхўрда қилишни буюрдилару ўзлари қаергадир кетдилар. Билмадим, олдин мошини солдимми ёки гуручинни, хуллас мошхўрда пиш-

ди. Тузини кўрсам — арки намақоб! Вой ўлай, дедиму ариқ бўйига ўлтириб олиб қозондан бир чўминч мошхўрдани олиб ариққа ағдараман, ўрнига бир чўминч ариқ сувидан соламан, Ушанда ҳам тузи ўрнига келмайди, дег. Бу ишим устига қайнанама нелиб қолдилар. Девор бўлдим уялганимдан. Индамадилар, кичин пилёда мош ювиб келишни буюрдилар. Кейин биргаликда овқатни пишириб қўйдик. Мендан ўтмай турган эди, ўзлари келин бўлган вақтларидаги бир-инки қизиқ воқеаларни айтиб, боғия кўнгли хираликни чиқариб юбордилар. Э, нимасини айтасиз, қўйган самоварини қайнамаса ёнига мук тушиб йилгаб ўтирдикми. Ҳозирги келинлар унақа эмас, энг қийин овқатнинг отини айтсанг ҳам умда тайёрлаб келишди. Билмаганини ўргатадиган китоблари бормиш. Энди ўша вақтларни ўйласам ўзимга-ўзим: «Агар қайнанама ҳозирги баъзи бир қайнаналарга ўхшаб кўни-қўшинига чиқиб ёмонлаб юрсалар борми, ёмон отличка чиқардим-қолардим йўш, у киши ёмонимни яшириб, яхшимни ошириб «Нелингинамнинг қўл-оғи қаққонгина», дерканлар. Ахир нелинининг қандай ном чиқариши қайнанага боғлиқда, қайнана улар келинлик вақтларини унутмасалар — олам гулистон...»

Расмини А. ТЕМИРОВ чизган



— «Ҳой, Санама, танлаб-танлаб тозига учрама яна», дейишарди-я кўшинилар. Айтганлари келди. Қайнананинг галини инки қилдиган келин ҳам бўларкин! Уй-рўзгорда киз монанд ҳам шунча типпа-тин бўладими? Тавба!

Кўрса кўргуденкина келин туширган қайнана, Назирани қариндош-уруғларига кўз-кўз қилгиси келди. Қани энди «аспирон» нелинин олдига солиб тўрт тарафга меҳмондорчиликка юрса! Бироқ бир гал қайнатанинг, бир гал қайнананинг кекса ота-онасини «келин саломга» бориб, у ерда келинларга хос ибб билан қари-яларнинг хурматини бажо келтирган Назира, бошқа қариндошлариникига сабабсиз бораверишини эп билмади.

— Бошқа қариндошлариникига мавриди билан бораверамиз, ойинжон. Кунда меҳмондорчиликка юрсам, ишим қилиб нетади. — Нега ундай дейсиз, келин? Иш бўлса қочмас. Ахир борган жойингиздан қурун қайтаётганингиз йўқ-ку? Менинг уларга ўтма-ниб қўйганим бор. — Ундай бўлса бормаганим дуруст, ойинжон. Тўғри, улар сизни ҳурмат қилишганидан мени қақришади, бироқ мен бу хурматга арзийдиган бир иш қилган бўлмасам...

Келин ўзига етгунча бир сўзли экан, шу гапидан кейин Санама хола қанча қийнаб-қистамасин у меҳмондорчиликка бошқа юрмади. Санама хола тўнини теснари кийиб олди. Қилдан қийиң топаверди. — Ҳой, келин, нега ҳовлини эшикдан тўрга қараб супурасиз? Нима, уйимга фалонат нелтирмоқчимисиз?

Санама хола галати бўлиб қолди. Юргя тана-пука: «Ўша нелин мана шу Санама эди», деб яқин келин олдида изза қилса-я! Кампир тушмагур яхшиям ўша воқеаларни ўз бошидан кечирганден ҳикоя қилиб берди.

Эрта билан Назира қўлига одатдагидек супурги олди-да айвонда ўтирган қайнанасига кўзи тушди.

— Ҳовлини қаққондан бошлаб супурай, ойи?

— Вой, болам, қизиқсиз-а! Қаёқ ўзингизга қулай бўлса, ўша ёқдан супураверинг-да. Иш вақтингиз бўлган бўлса отланақолинг, неч қолманг, мен чойингизни дамлай, — деб ҳозиргина Назира айвонга келтириб қўйган самоварга яқинлашди.

Ичкивондан Моҳира бувининг йўталгани эшитилди.

Раҳима ШОМАНСУРОВА



СССР спорт мастери
М. МУХИДИНОВ
тахрири остида

БИЛИБ ҚУЙГАН ЯХШИ

Дебютда, яъни ўйиннинг бошланғич қисмида дурустроқ вазиятга эришиш учун:
— Пивдалар билан марказни эгаллашга ҳаракат қилинг, шундагина сипоҳларни қулай жойлаштира оласиз;

— Дастлаб оту филларни, шундан кейингина фарзини рухларни ўйинга чиқаришга одатланг;

— Дебютда битта сипоҳни беҳожат ҳадеб у ёқдан бу ёққа юраверманг. Бошқа сипоҳларни ҳам уйнатиб керак-да;


— Аниқ бир мақсадни нўзламайдиган «ҳар эҳтиmolга қарши» қилинадиган юришлардан фойда йўқ, зарар кўрасиз, холос;

— Дебютда бир-иккита пивда ютаман деб сипоҳларнингизнинг беҳаракат қолишидан аҳтиёт бўлинг;
— Марказни эгаллаш ҳамда сипоҳларни ўйинга чиқариш учун фойдали бўлмаган пивда суршидан сурмаган маъкул, яхшиси бошқа ўйин қилинг.

Мана бу қисса ўйинларни кўриб, гаҳли қилиб чиқинг.

1. 1. e2—e4 e7—e5 2. Cf1—c4 Kc8—f6 3. d2—d4 Kf6—e4 4. d4:e5 c7—c6 5. Kc1—e2 Ke4:f2? 6. 0—0 Kf2:d1? 7. Cc4:f7+Kpe8—e7 8. Cc1—g5 mot.

2. 1. e2—e4 e7—e5 2. d2—d4 e5:d4 3. Ф d1:d4 (марказий дебют) Kb8—c6 4. Фd4—e3 Kc8—f6 5. Cf1—c4 Kc6—e5 6. Cc4—b3 Cc5—b4+7. c3? Cb4—c5 8. Fe3—g3? Cc5:f2+1. Оқлар таслим бўлди.



«БАҲОР» ЧАЙНВОРДИ


1. Байрам 2. Табиатнинг туси 3. Экинзор 4. Сув йўли 5. Қуш 8. Гул 7. Ваҳор сепи 8. Майда экин 9. Қимизли гиёҳ 10. Уруқ 11. Дехқоннинг ёрдамчиси 12. Қишда битадиган иш 13. Мева 14. Дархат 15. Гул 16. Занбур 17. Жилга 18. Гул 19. Тепалик дашт 20. Пилан 21. Ҳамалининг белтиси 22. Қуш 23. Ниҳол 24. Букир ота 25. Рангдор намон 26. Беқарор 27. Қуш 28. Ҳосилининг ораси 29. Потенциал гул 30. Енбағирлар 31. Гул 32. Волаларнинг эрмаги 33. Лалмикор дон 34. Уя 35. Ҳосиллик дунёси 36. Борлиқ 37. Илди 38. Хузур 39. Емғир учун йул 40. Учқич 41. Пайт 42. Гиёҳ 43. Само 44. Музейдагина қолган асбоб 45. Гул 46. Ҳалунчак 47. Гиёҳ 48. Мамақаймоқ 49. Ваҳорикор 50. Фаолият 51. Жасорат.

2-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 5. Ваҳор 8. Роман 9. Уйғун 11. Артек 12. Фараз 14. Алоқа 16. Раҳимов 17. Ҳуҷуҷи 19. Лойла 20. Антигона 23. Марғилон 24. Ришта 25. Анор 26. Село 28. Ойлак 30. Демосфен 32. Айтматов 36. Гилмоя 37. Вертов 38. Гулсара 40. Агент 42. Уммон 43. Оқшом 44. Аъям 45. Чаман 46. Илҳом
Бўйига: 1. Самарқанд 2. Аруз 3. Эриқа 4. Манқалдон 6. Оғир 7. Утов 10. Ниҳол 11. Армия 13. Анвон 15. Лайил 18. Изография 19. Лермонтов 21. Арғоң 22. Ишонч 23. Марка 27. Ленинград 29. Ломносов 31. Осмон 33. Акрам 34. Салом 35. Арава 38. Гўшт 39. Алла 41. Тоғи 42. Умид.

МУҚОВАЛАРДА. Биринчи бетда: Самарқанд шоҳи тўқин фабрикасининг ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Муяссар Маҳмудова. Иккинчи бетда: Рассом А. Королёв чизган плакат. Тўртинчи бетда: Қуёш ботмоқда.

С. БЕЗНОСОВ, А. ВАНШТЕЙН фотолари.



Диаграммадаги позицияда томонларнинг кучи теппа-тенг. Агар ҳозир оқлар ҳужум остидаги отини олиб ючса, қоралар Сf8—e7, кейин 0—0 қилиб, сипоҳларини ўйинга чиқариб олган бўларди. Бироқ қора шохнинг ноқулай турганлиги, оқларни комбинация қилишга ундаяпти. Бундан 47 йил муъааддан амалга оширилган уша комбинацияни топишга ҳаранат қилиб кўринг-чи...

АҚШ чемпионатларининг бирида мастер Шервин уста-уст ютаверди. Гроссмейстер Решевский ҳам ундан қолишмади. Мусобақа урталарида Решевский Шервинга шундай деди:

— Шу тариқа кетадиган бўлсангиз, сизни ўзим тўхтатишим керак бўлади.

— Эҳтиmol, — деди Шервин, — лекин аксинча бўлиб чиқса-чи?

— Минг йилда ҳам ундай бўлмайди! — деди зарда билан гроссмейстер.

Бир неча кундан сўнг улар ўзаро куч синашганда Решевский бой бериб нўйди.

— Вақтинг тез ўтишини қаранг-а, гроссмейстер, — деди кулиб Шервин.

— Сен Андерсеннинг комбинацияларни кўрганмисан?

— Кўрганда қандоқ! Ахир у энг яқин ошман-ку!
— Нималар даяпсан, ахир у ўтган асрда ўлиб кетган-ку?
— Улган!! Ҳа-я, анчадан бери кўринмай қолди, давдим-а!

Бош редактор — Асқад МУХТОР

Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАМЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Уктам ОРИПОВ, Эмиль РУЗИБОВ [бош рассом], Ваҳоб РУЗИМАТОВ [бош редактор ўринбосари], Обид СОДИҚОВ, Олим ХУЖАЕВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Мухаммадҷон УРОЗБОВ.

«Гулистон» — общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].

корректор Т. БАҲРОМОВ.

Техредактор М. ЕФИМОВА.

Адресимиз: Тошкент, 47, Карл Маркс кўчаси, 30-уй. Редакция телефонлари: Бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-80; масъул секретарь — 33-35-90; нягъимий сўбси булим — 33-36-02; адабиёт ва санъат булими — 33-35-19; фан ва маданият булими — 33-35-19.

Восмахонага туширилди 15/II-71 й. Босишга руҳсат этилди 23/II-71 й. Қогол 70×108/16. Ҳажми 4 босма тобoқ. Р 12615. Вуюртма 84. Тиражи 175682. Ваҳоси 30 т. Напир. А — 3567.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент.

ТАНИШИНГИЗ

Алижон

ХОЛИҚОВ



— Кўлимда қўл қолмади, мана буни ҳам кўтариб олинг, адаси!




— ...Менга ақл ўргатма!

— Инсоф бераман деса ҳеч гап эмас экан айланай, қаранг, Жаннахон деганлари туппа-тузук мўмин-муслмон Жаннатхон бўлиб қолибди-я!..




Изоҳнинг ҳолати йўн.



— Тузук, илгаригидан анча яхши жавоб бердинг.

— Телевизоримиз бузилиб қолган-да...



— Ойи, болалар боғчасига олишмаётган бўлса, шу ерда уйнаб юра қолай-да.



— Вой шўрим, бу нимаси?
— Ада-ойи уйнаяпмиз..



— Эшитдингизми, овсин? Омборчига виговор беришганимиш-а?
— Бекорга беришибди, бари-бир ичиб қўяди...



— Ҳарантерлари тўғри келди..



